

84(51/ру)

Д-87

Нодар Думбадзе

ҲИСЛАРИМНИ ҚЎЗҒАМА



**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**


Ilgarigi berilmalar miqdori _____

| | |
|--|--|
| | |
|--|--|

Нодар Думбадзе

ҲИСЛАРИМИНИ ҚЎЗГАМА

Ҳикоялар



УЎК 821.353.1-32

КБК 84(5 Гру)

Д 87

Рус тилидан Иззат АҲМЕДОВ таржимаси

Ушбу тўпламда машҳур грузин ёзувчиси Нодар Думбадзенинг ҳикоялари жамланган. Ҳикояларда Иккинчи жаҳон урушининг офир оқибатлари, севги-муҳаббат, соф инсоний туйғулар, инсон руҳининг ички кечинмалари таъсирчан, содда усулда баён этилган. Грузинларнинг урф-одатлари, гўзал табияти, одамларининг бир-биридан ажойиб характерлари ёрқин бўёқларда қизиқарли тарзда қаламга олинган. Ушбу ҳикояларни таржима қилиш жараёнида давр руҳиятини бериш мақсадида айрим русча атамалардаги аслият сақлаб қолинди.

Тўплам кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-25-602-6

© И. Аҳмедов (тарж.), 2018

© «O'zbekiston» НМИУ, 2018



ҲИСЛАРИМНИ ҚЎЗҒАМА

Ўтган йили сентябрь ойини қишлоқда ўтказдим. Якшанба кунларидан бирида болалик дўстим Митуша Маршания уйимга келиб, ёшлик чоғларимизни эслаб, кўлдан балиқ овламаймизми, деди! Овимиз бароридан келиб, бир соат ўтар-ўтмас халтамиз балиққа тўлди.

Уйга қайта туриб биз колхоз идорасига кириб ўтдик. Идоранинг кичкина майдончаси бақирчақир қилаётган одамлар билан гавжум эди. Қўшниларим билан сўрашиб ҳазил-ҳузул қилдим ва тамаки сўрадим. Аксига олиб ҳеч кимдан тамаки топилмади.

— Сизга тамаки келтираман тоға, бобомдан оламан! — дея бақириб югурганча ярим яланғоч бир болакай кўздан ғойиб бўлди. Бу менга тоғлардаги қояларда юрадиган калтакесак юришини эслатди.

Мен болани кутиб, деворга илиб қўйилган расмларни бир-бир кўздан кечирдим, Иккинчи жаҳон урушидан қайтиб келмаган қишлоқдошларимни санай бошладим.

Бир юз элик икки нафар оддий, соддадил, таажжуб ила боққан, қовоғи солиқ, кулиб турган, ўйчан ва хушчақчақ, мағрур ва бепарво навқирон йигитлар расмлардан қараб туришарди. Бу йи-

гитлар ҳар хил кийимларда эди. Айримлари оддий, баъзилари эса ҳарбий кийимда. Баъзи расмлар оилавий альбомлардан олинган ва шу тарзда кўпайтирилган.

Бу инсонларнинг юзига боқиб, хаёлимдан ҳар хил фикрлар ўта бошлади — булар худди кечагина рўй бергандек, гўёки...

... Даниел Базилия... Уруш унинг энг севган ҳунари — ўзининг узумини йиғиштираётган бир пайтда бошланиб қолди. Почтачи Бакур Даниелнинг ҳосилига қут-барака тилаб узумга тўла саватини бўшатиб тезда жўнаб қолди. Даниел бўш саватни ола туриб армияга чақирув қоғозини кўриб қолди. Узумдан у мўл ҳосил олди. Урушга у ана шундай хурсанд бўлиб кетди. Лекин у урушдан қайтмади...

... Важико Центерадзе ... Колхоз партгуруҳининг секретари Людвич Квитаишвилини уйланганига уч кун бўлганида мажбуран урушга олиб кетишди. Оҳ, Важико ёниб турадиган, хушчақчақ, тиниб-тинчимас олов йигит эди!

— Ўринни йиғиштирама, Тухия! — деб йиғлаётган хотинига бақирди у. — Гитлерни мажақлаб ташлайман-у, икки кундан кейин албатта олдинга қайтаман! Бироқ, афсуски, у урушдан қайтиб келмади...

...Тамаз Жабуа... Шу йили у ўнинчи синфга ўтди. Уни ҳарбий комиссариатдан уч марта ҳайдашди: «Шундай ҳам бизнинг ишимиз ёмон эмас, сенга ўхшаган тажрибасизларни урушга олиб нима қиламиз, сен ҳали жўжахўрозсан... Жўна бу ердан!» Лекин у фронтга қочиб кетди. Тамаз Жабуага маълумоти ҳақидаги гувоҳнома ўлиmidан кейин берилди. Ҳозир бу аттестат Та-

мазнинг сурати билан у ўқиган синфда осифлик турибди. Онаси эса ҳамон мотам либосини ечмайди.

... Цензор Челидзе, Барнаба Магулария, Миша Гогиберидзе, Ладико Антадзе, Бучута Каландадзе, Лео Поцхишвили...

— Бу ким?

— Танимаяпсанми? — хайрон бўлди Митуша.

— Йўқ, ўлай агар ҳеч эслолмаяпман!

— Сенга нима бўлди?! Бу Кукури, сув ташувчику! — деди хафа бўлиб Митуша.

Қўли билан Кукури сурати устидаги ойнани арта туриб.

... Эсим қурсин, мен қандай қилиб Нателанинг акасини унутдим экан-а!

— Оти қаерда? Нега унинг отининг сурати йўқ?

Кимки Кукурини билса ва эсласа ҳаммаси кулиб юборди. Мен ҳам кулдим. Кейин эса хаёлимдан Кукурининг ўзи ўта бошлади. Юрагимда қаттиқ бир оғриқ пайдо бўлди.

Кукури жуда чиройли йигит эди. У сув ташувчи бўлиб ишларди, — катта бочкаларда чой плантацияларига сув таширди. Айниқса, қизлар учун Кукурининг ҳар бир келиши байрам эди. Улар ҳар хил ҳазил-ҳузуллар билан Кукурининг бошини айлантириб бочкадан сувни ўзлари қуйиб олишар ва унга ҳазиллашиб сув пуркашарди. У эса жим кулиб турарди. Бу кимга қандай туюлади билмадим-у, Кукури эса ўзининг обрўсини биларди.

— Кукури тезроқ кетгин бу ердан, кўряпсанми, иш тўхтаб қолди, — ёлворарди бригадир Нина.

— Қўйгин, гўзалларингни бироз томоша қилай! — ялинарди Кукури.

— Режачи? Сен улар учун ишлайсанми? Жўна, жўна! — деб ялинаётган йигитни ҳайдай бошлади Нина.

— Нина, уни ҳайдаворсанг умуман ишлашни тўхтатамиз! — деб гапирди бир қиз.

— Кукури, илоҳим кўзинг кўр бўлсин, кўр-маяпсанми, менинг юрагим қандай уряпти? Мени севгин! — кулди бошқа бир қиз.

— Онанг сенга ўхшаган шўх йигитларни кўпроқ туғса эди, бригадамизнинг ҳамма қизларига етиб ортарди.

— Наҳотки мен сенга ёқмасам, Кукури? Менга тузукроқ қарасанг-чи? — деб бошқа бир қиз тегажовлиқ қилди!

— Ҳе бети йўқ, бешарму беҳаёлар! Агар иш бўлмаса, бу қизлар йигитларни деб ўзларини ҳам йўқотиб қўйишади, — дея қизларга бақира кетди Нина.

Бошидан-оёғигача жикқа ҳўл бўлган Кукури, кулганча қўшни бригадага кетишни ўйлаб, бир зум тўхтаб турди.

* * *

1941 йилнинг кузида Кукурини ҳам оти билан бирга армияга чақиришди.

Яхши эслайман, ўшанда бизнинг қишлоқимиздаги Филипп Махарадзе (1868—1941 йил — партия ва давлатнинг таниқли арбоби. 1938 йилда Грузия ССР Олий Совети Президиумининг раиси бўлган) келди ва одамларга лиқ тўла клубда шундай таъсирчан нутқ сўзлади:

— Ўртоқлар, акалар ва опалар, кўряпсизларми, қонхўр Гитлер нима қиляпти? Туринглар ўр-

тоқлар, окоп қазинглар, болтани чархланглар, йўлларни ёпинглар. Она юрт Грузиямиз душманни кўришга кўзи йўқ.

Кейин эса у ерда ялпайиб ўтирган ўқувчиларга ўз нигоҳини қаратиб, шундай деди:

— Сиз болалар, катталарга ёрдам беринглар! Мамлакат тақдири сизнинг қўлингизда, қонхўр Гитлер қўлига топширманг, уни тилка-пора қилинг!

Сўнг шундай қўшимча қилди:

— Одамхўр Гитлерга бизнинг она Ватанимиздан бир парча ҳам жой берманг!

Шу кеча мен Филипп Махарадзенинг топшириғини бажардим: уйим олдида окоп қазидим, болтамни чархладим ва кўпригимизнинг портлатиш режасини тузиб чиқдим. Фақат Митуша менинг режамни қўллаб-қувватламади.

— Кўприкни портлатиш нимага керак? Йўғон арқон билан тўсиб ташласак етади. Шунда кўрамиз, Гитлер Губазоули дарёсидан қандай сузиб ўтаркин!

Махарадзе кетгандан кейин эртаси куни Гурининг ярми, шу билан бирга Кукури ҳам ўзининг оти билан бирга фронтга жўнади. Кукури армияга жўнатадиган йиғилиш пунктига от миниб борди. Бунинг ҳеч қанақа фалати жойи йўқ! У отини ювиб тозалади, дум ва ёлларини таради, кейин эса қизил атлас билан ёпди (бу атласни Кукури ипак қурти боққани учун мукофот тариқасида олганди) ва байрамона от билан бирга ҳарбий комиссариатга кириб келди.

Комиссариат эшиги олдида митинг бўлди. Ватанпарварлик ҳақида сўзладилар, шиор ва байроқлар ҳилпиради, шеърлар ўқилди.

Маҳаллий шоир улуф адиб Акакия Церетели шеърини ўқиб берди. Шоир ҳам, Кукури ва унинг оти ҳам бирга фронтга жўнашди. Улардан бирортаси ҳам қадрдон гўшаларига қайтиб келишмади.

Бундан бир ой олдин шундай воқеа бўлганди...

Якшанба кунларидан бирида Кукури ўзининг яккаю ягона сигирини бозорга ҳайдаб борди. Бозорга келди-ю, сигирни чинорга боғлаб қўйди. Ўзи эса шу атрофда ётган бир тош устига бориб ўтирди. Ёнига эса Кукурининг оёқяланг синглиси — Натела ўтирди.

Сигирни ҳеч ким сотиб олмади, лекин бозорчилар тинмай сўраб туришди.

— Кукури, сигирни қанчага сотасан?

— Сигиринг қанча сут беради?

— Сигирингнинг сути ёғлими?

Кукури бу сўровларнинг айримларига жавоб қайтарар, баъзиларига эса йўқ. Ниҳоят, Анания Нибладзе кўринди. У пулдор киши эди. Сигирнигина эмас, агар хоҳласа бутун бозорни сотиб олишга қурби етарди.

— Йигит, сигирни сотасанми?

Кукури ўрнидан турди:

— Сотаман, ҳурматли Анания!

— Қанчага?

— Уч мингга.

— Қиммат!

— Тўғри, ҳурматли Анания... Сиз учун пул — бу қоғоз, менга эса бу сигир — менинг бутун юриш-туришим...

— Сигирни нега сотаяпсан? — дея Анания мағрурона керилиб, йиғилганларга бир қараб қўйди.

Кукури индамади.

— Сендан сўраяпман!

— Кўрмаяпсанми мана бу ярим яланғоч қизчани, — дея Нателани кўрсатди.

— Икки юз элик!

— Бир ой бўлди, бу қизча мактабга боролгани йўқ, ҳурматли Анания. Унга уст-бош керак.

— Сигирингни сот, йигит яхши нарх-ку! — дея кимдир маслаҳат берди.

— Мени армияга олиб кетишса менинг онам ва синглимни сен боқасанми? — деди Кукури маслаҳат берган кишига.

— Икки юз саксон! — деди Анания, чўнтагидан бир даста қоғозларни чиқариб. Кукури эса индамай катта юз сўмликларга гўё сеҳрлангандек қаради-да, олиб кет, — деди.

Анания тезда пулларни санади-ю, Кукурига узатди. Кукури пулларни узоқ ва секинлик билан санади, тартиб билан жойлаб газетага ўради-да, чўнтагига солиб қўйди.

Анания сигирни боғлаб ва ёнида турган қўшнисига қараб:

— Сенинг фикрингча, Акакий, у олтмиштача кишига етадими? Уйни эртага ёпамиз.

— Даргумон, ҳурматли Анания!

— Бундан ташқари, чўчқа боласи ва курка ҳам бўлади!

— Ҳа, унда албатта, — деди.

— Нима бўлсаям сигир, сигир-да! — дея Анания сигирнинг сағрисига уриб қўйди.

Кукури ҳайрон бўлиб аввал Ананияга, сўнгра қўшнисига қараб қўйди. Тўсатдан унинг лаблари титраб, юзлари оқариб кетди.

— Сигирни нима қиласан?

Анания хахолаб кулди.

— Сигир нимага керак дейсанми? Сўйишга! — унинг учун қўшниси жавоб берди.

— Сўйишга?!

— Сен нима деб ўйлагандинг? — деб ҳайрон бўлди Анания.

Кукури бирдан чўнтагидан тугунча чиқарди.

— Мана пул, ҳурматли Анания! Уларни қайтаряпман!..

— Бу қандай бедодлик — сигирни сўймоқчимисан!

— Ақлдан оздингми?

— Йўқ, ҳурматли Анания, менинг сигиримни сўйгунча, ўзимни сўя қол! — Кукури секингина Ананиянинг қўлидан арқоннинг бир учини олди-ю, унинг чўнтагига пулини солиб қўйди ва синглисига қараб: — Сигирни уйга олиб кет, — деди!

— Уч минг сўм пул — деди Анания.

— Уйга, деяпман!

— Уч юз йигирма!

— Керакмас, ҳурматли Анания...

— Уч юз элик!

Натела тўхтади. Кукури синглисининг яланг оёқларига, кейин пулга, сўнг эса Ананияга ва охирида сигирга қаради. У ҳеч нима демади. Одамлар бу кутилмаган воқеанинг қандай тугашини бетоқат кутишарди.

Кукури бирдан тутақиб кетди:

— Эшитмаяпсанми сенга айтяпман? Тез уйга жўна! — дея бақирди. У ўзини йўқотиб довдираб қолган синглисига. Кейин сигирни қаттиқ ит-арди: — Уйга, сигиржон, уйга!

Сигир келган йўлидан кета бошлади. Унинг орқасидан Кукури эргашди.

- Эси йўқ – дея ғудранди Анания.
- Ҳа, у шундай аҳмоқ! – дея кимдир қўшимча қилди.

* * *

Ҳозир сизларга айтиб берадиган мана бу воқеа грузин тили ва адабиёти дарсида, 1943 йили февралда содир бўлганди.

Биз саккизинчи синф бондисхидилик ўрта мактаб ўқувчилари – ўқитувчимиз Жоконди Мелимонадзени кутаётиб, совуқдан қотган оёқ-қўлларимизни озгина иситиш учун ўчоқда ёнаётган олов ёнига ўтирдик.

Бондисхиди¹ қишлоғи икки қирроқ бўйида жойлашган, бу бир томони машҳур Губазоули дарёси (уни халқ орасида иккинчи Гурий артерияси дейишади. Биринчи артерия, ҳаммага маълум Супса дарёси)дир. Дарё устидан ўтган осма кўприк қишлоқ номига асос бўлган. Кўприк қурилгунча бу қишлоқни Жварцма² деб аташарди. Бу ерда фақат Исо Масих хочга тортилибгина қолмай, балки Бахмаро татар томонидан қочган монах Центерадзе қийноқларга солиб ўлдирилгани ҳар бир гурийликларга маълум. Агар муқаддас Шушаник ва подшо Кетеванини³ ҳисобламаганда, грузин подшоси Теймуразнинг онаси, 1624 йилда Эрон шоҳи Аббос томонидан қийноқ ва азобларга солинган Центерадзе дунёда биринчи христианлик динига эътиқод қилган ва вафот этган аёл. Буларнинг ҳар иккаласи биз-

¹ *Бондисхиди (груз.)* – «осма кўприк».

² *Жварцма (груз.)* – чормихга тортиш.

³ *Кетеван* – грузин подшоси Теймураз I нинг онаси 1624 йилда Эрон шоҳи Аббос томонидан қийноқларга солинган.

нинг клубимиздаги Агнесой Багатурия раҳбарлик қиладиган атеистлар тўғарагидаги маърузалардан бизга маълум. Биз ўзимизнинг тарихимиз билан фахрланамиз.

Бондисхиди ҳамма томони унча катта бўлмаган — Мециети, Чачиети, Буксиети, Цкварамети, Укунети, Квирикети, Какабети, Коколети ва Ципнагвара каби қишлоқлар билан ўралган. Бу қишлоқларда яшайдиган болалар бошланғич синфни тамомлагандан сўнг, Бондисхидидаги ўрта мактабда ўқишни давом эттиришади. Бу болалар ҳам бондисхидилик болалардан ҳеч фарқ қилишмайди. Фарқ шундаки, бу болалар озгина йўл юриб, кўприклардан ўтиб, узоқ-узоқ жойлардан мактабга келишади. Бондисхидиликлар булардан, кўпроқ нарсани билишади, холос.

Ципнагваралик болаларнинг кўзлари бошқа тенгдошларига қараганда ғамгин, уйқуга тўймаган. Буни оддий қилиб тушунтирганда: Ципнагварадан то Бондисхидигача роппа-роса етти километрлик йўл, шунинг учун бу ўқувчилар уйқудан бир соат олдин туришлари керак. Бондисходини ўраган бошқа барча қишлоқлар — гурийлик оддий қишлоқлар ва ундан ўрта мактаб — Икалтойский академиясини¹ унчалик эслатмайдиган оддий қишлоқ мактаблари.

Кукури ва унинг синглиси Натела Ципнагварада яшашарди. Мен очарчилик йиллари шаҳардаги Бондисхидидаги қариндошимиз уйида яшадим.

Ниҳоят, февраль ойининг биринчи куни эди. Биз — совуқдан музлаган бондисходилик саккизинчи синф ўқувчилари — грузин тили ўқитувчиси

¹ *Икалтовский академияси* — XI — XII асрларда чет элларда донғи кетган Грузиядаги олий мактаб.

Жоконди Мелимонадзени кутиб, ўчоқда ёнаётган оловга тикилишдик.

У синфга одатдагидан бошқача «Салом» ва «Ўтиринглар» демасдан кириб келди-ю, журнални стол устига ташлади. Ўчоқ ёнига стул олиб борди-да, ўтирди ва совуқдан музлаган қўллари оловда иситди.

— Ҳа болалар, совуқми? — деди бир фурсат жимликдан сўнг.

— Ҳа совуқ!

— Бугун дарсга нечта бола келган?

— Ўн олти нафардан саккиз киши!

— Унда нима қиламиз!

— Майли, биз бошлайверамиз, қолганлар келишади! — деб маслаҳат берди Титико Чантурия.

— Шу пайтгача улар қаерда юришибдийкин?

— Йўлдадир, балки...

— Ким?

— Мисол учун, Натела Нижарадзе!

— У, албатта, келади? Бизни алдамайди?

— Натела яхши, одобли қиз! — деди Гури Гогиберидзе.

— Дарсни тайёрлаб келдингми? — деб дабдурустдан сўраб қолди ўқитувчи.

— Менми? Албатта, тайёрладим!

— Ундай бўлса, марҳамат қилиб доскага чиқ.

Эшикнинг вийқиллаб очилиши Гогиберидзени бир балодан қутқарди.

Синфга Натела кириб келди.

— Ҳой, нега сен дарсга бундай бемалол келадиган бўлдинг, — деди ўқитувчи.

— Онам касал бўлиб қолдилар, муаллима! — деди-ю, уялганини билдирмаслик учун бошини эгиб ерга қаради.

- Етар, бас қил, соғ одамга совуқ нафас қилма!
- Нима қилишим керак, муаллима? Уйимдан мактабгача етти чақирим бўлса!
- Бунинг учун эртароқ туриш керак!
- Қанча эрта – кечасими?
- Бўлмағур гапларни валдирама!... Дарсни ба-
жардингми? – Натела эса бошини яна пастроқ эгди.
- Сендан сўраяпман, Нижарадзе!
- Йўқ, муаллима!

Синфда ноқулай жимлик пайдо бўлди. У узоқ жим турди, шу муддат ичида ўқитувчи Нателадан кўзини узмади.

– Нимага сен мактабга келдинг? Тушунма-
дим, ҳеч ақлга сиғмайди. Тонг қоронғусида ту-
риб, шунча узоқ йўл юриб, қор, муз ва совуқда
нима учун мактабга келасан, шуни ўйлагин, ахир?
Ўқитувчига «Мен дарсни билмайман» – деб ай-
тиш учунми? Шу учта сўзни деб шунча узоқ жой-
дан машаққат чекиб келишинг шартми? Йўлда
тўсатдан қоқилиб кетсанг, йиқилиб тушсанг ёки
худо кўрсатмасин, ўрмонда бўри чиқиб қолса!
Шунда сен йўқ бўласан ва энг муҳими, сен би-
лан бирга биз ҳаммамиз йўқ бўламиз! Нима учун
энди бундай ўйламасдан иш қилиш керак?! Ундан
кўра битта телеграмма бериб қўя қол, – шундай,
шундай бўлди, дарсни билмайман, ачиняпман, ле-
кин бугун дарсга боролмайман...

Хахолаган кулги синфхонани титратиб юбор-
ди. Натела ҳам кулди, ҳатто ўқитувчининг ўзи
ҳам...

– Майли бўлди энди бу ёққа кел, исин! – Жо-
конди Нателага ўчоқ ёнидаги жойни бўшатди, ўзи
эса столга яқинлашди ва қўлига китобни олди-ю,
дарсни бошлаб юборди:

— «Фармойиш» Эгнате Ниношвили ҳикояси...¹ Ўқитувчимиз бу ҳақ-ҳуқуқсиз гурийлик деҳқонларнинг ачинарли тақдирини ва очарчилик, бахтсиз ҳаёт ҳақида ёзилган ҳикоя қаҳрамони бўлиши Эгнате Ниношвили тўғрисида жуда узоқ сўзлади. У шундай таъсирли қилиб сўзлаб бердики, биз йиғидан ўзимизни тутиб туролмадик. Бу ҳикояни эшитганимиздан сўнг, чарчаган, оч ва совқотган Кацяя Мунджадзени қишлоқ раҳбарлари нима учун темир йўл қоровуллигига юборишган деган савол бот-бот такрорланди. У эса поезд ўтиб кетишидан қўрқиб, бошини поезд рельсига қўйган ва ухлаб қолмаслик учун онда-сонда бошини бир-бир кўтариб турган.

Шу эпизодни ўқиб бўлгач, ўқитувчимиз ҳикоя давомини кўзини юмиб ёддан ўқий кетди:

«Кацяя бошини рельсга қўйиб ухлаб қопти...

Тўлишган ой нури Кацяянинг соқоли олинмаган юзини кўрсатди. Ёқимли булбуллар овози эшитилгандай бўлди. Мана поезд ҳам яқинлашиб келяпти... Кацяя уйқусида туш кўряпти: у поезд яқинлашиб келаётганини сезди-ю, ўрнидан сакраб турди-да, қўлига милтиғини олиб қоровулхона томон йўналди. Поезд яқинлашмоқда — вагонлар ва ундаги одамларнинг кийимлари ҳаммаси олтинданмиш. Улар қаҳр-ғазаб билан Кацяяга қараб поезд рельсида ухлашга қандай журъат этдинг, деб бақирармиш: «Вой худо, — ўйлайди Кацяя, — энди мени Сибирга жўнатишлари аниқ. Менинг бечорагина оилам йўқ бўлади!...» Кацяя ётган жойда

¹ *Ниношвили ҳикояси* — Ниношвили (асли фамилияси Ингоровна) Эгнате (1853—1894) — грузин ёзувчиси. «Фармойиш» — ёзувчининг ҳикояларидан бири Кацяя Мунджадзе — шу ҳикоянинг қаҳрамони.)

паровоз оёғи рельсда бир сирғанди-ю, яна йўлида давом этди...

Ўқитувчимиз ҳикоя айтишни тўхтатди. Биз ҳўнграб йиғлаб юбордик.

— Кейинчи? — сўради, кўз ёшини юта туриб Сосико Гигинейшвили. Ўқитувчимиз ўзини зўрға тутиб қийинчилик билан овози титраб ҳикоясини тугатди:

«Эрталаб тонгда йўл назоратчиси поезд рельсидан боши йўқ танани топди. Бу Кация Мунд-жадзе эди...»

Беш дақиқаларча синфда жимлик ҳукм сурди. Кейин ўқитувчимиз ўчоқ бошига келди, Нателани турғизди-да, ўзининг стулига бориб ўтирди ва сўради:

— Болалар саволлар борми?

Саволлар йўқдай эди — Кация ўлди, ҳаммаси тамом.

Қандай саволлар бўлиши мумкин эди? Бирдан Нателанинг овози янграб қолди:

— Менда савол бор, муаллима!

— Майли, айтгин!

Натела шошилмасдан ўзининг партаси олдига келди ва кўнглидаги саволини берди:

— Агар Кациянинг боши узилиб кетган бўлса, у ҳолда ким унинг туши ҳақида сўзлаб берди?

Синфхона сув қуйгандай жим-жит бўлди. Гўёки момақалдироқ гумбурлади. Биз ҳаммамиз ўзимизни бирданига жаҳаннамга равона бўлгандай ҳис этдик. Жоконди ҳам ҳайратдан донг қотганди. Биз шунақа қаттиқ кулиб юбордикки, ҳатто дераза ойналари зирилаб кетди. Натела ўтирди ва ҳайрон бўлиб бошқаларга қаради — нима бирон ёмон гап айтдимми?

Синф тинчиганидан сўнг, ўқитувчи қизарган юзини ердан кўтариб:

– Нижарадзе, тургин!

Натела турди.

– Китобларингни йиғиштир!

Натела китобларини йиғиштирди.

– Йўқол, синфдан!

Натела эшик томон йўл олди.

– Менинг дарсимда бошқа кўринма.

Натела чиқиб кетди. Биз жим ва ҳайрон бўлиб ўтирдик. Ҳеч ким бунақа бўлишини кутмаганди.

– Муаллима! – Мен ўрнидан турдим.

– Нима дейсан, Нанадзе?

Лекин, ҳушим ўзимдамасди. Ўша дақиқада нима хоҳлашимни ўзим ҳам билмасдим. Мен сездимки, ҳозир юрагимда борини тўкиб ташлама-сам ёрилиб кетаман. Жуда тез сўзлай бошладим:

– Нима сиз бу, муаллима... Эрталабдан бизнинг кайфиятимизни бузасиз... Бизга очарчилик, бахтсизлик, ўлим, кесилган бош, дард-алам ва кўз ёши ҳақида ўқиб берасиз. Бизнинг дардимиз камми? Бу ҳикояни ўзига тўқ болалари тақдирини ўйлайдиган кишиларга ўқиб беринг, улар бечора Мунджадзе тақдирига ачинишсин... Бизга эса ўзимизнинг аччиқ ҳаётимиз – уруш, совуқ ва очлик етади!.. Ҳа!.. Агар билмоқчи бўлсангиз, сиз Натела Нижарадзени бекорга ҳайдадингиз! Билдингизми?

Нафасимни зўрға ростлаб ўтирдим. Шу вақтнинг ўзида ўқитувчи ўрнидан турди.

– Бўлдими, Нанадзе?

– Ҳа, муаллима!

– Ҳаммасини айтдингми?

– Шундай.

– Демак, Ниношвили сизга ёқмайдиган

– Йўқ, ёқмайди!

– Бир неча дақиқа илгари йиғлаган ҳам сен эмасмидинг Нанадзе? Ёки менга шундай туюлди-ми?

– Менга ёқмагани учун ҳам у мени йиғлашга мажбур қилди-да!

– Китобларингни йиғиштир, Нанадзе!

Худди шундай бўлишини кутгандим, шунинг учун ҳам китобларим йиғиштирилганди.

– Эшикни орқасидан ёпгин-да, Нижарадзе-ни қувиб етгин, у ҳали узоққа кетиб улгурмаган бўлиши керак!

Мен ҳовлидан ташқарига чиқдим. Бирдан менда шунақа фикр пайдо бўлди, сўзсиз шу вақт мен қиздирилган тандирда тургандек эдим, кейин эса гўёки мени кимдир у ёқдан тортиб олди-да, бошим билан қорга тикди.

Натела бошини қуйи эгганча, шошилмасдан йўлда кетиб борарди. Мен уни чақирдим. У орқасига қаради-да, тўхтади.

– Мени ҳам ҳайдади! – дедим кулиб.

– Нодар, эшитгин сизларнинг нега жаҳлингиз чиқди. Мен нима, ёмон гап айтдимми – деди асабийлашиб Натела.

– Биласанми... Ёзувчи ҳақида бунақа саволлар бериш мумкинмас...

– Нима учун?

– Мумкинмас, тамом вассалом?

– Агар бу ҳақиқатга яқин бўлмаса-чи?

– Балки, уйқу тўғридагиси ҳақиқатан ҳам унчалик тўғри бўлмаса-чи?.. Йўқ, умуман ҳаммаси ҳақиқатга яқинроқ.

Натела елкасини қисди.

– Сени нима учун ҳайдади?

— Бизга бошқалар бахтсизлиги ҳақида ҳикоя ўқишнинг нима кераги бор, ўзимизники етиб ортади дедим. Шундан сўнг мен Нателага мағрурланиб қарадим. — Мен ҳақ эмасманми?

— Йўқ, ноҳақсан, албатта! Ҳикоядан кейин менинг қалбим бўм-бўш, енгил бўлиб қолди. Демак, биздан ҳам ёмон яшаган одамлар ҳам бор экан!

Жавоб шунчалик кутилмаган эдики, мен ҳайратдан донг қотдим...

Биз етти чақирим масофагача қор босиб жим бордик. У қаерга ва нима учун боряпмиз, дея сўрамади мен ҳам сени кузатяпман — деб айтмадим. Бу биз учун ва бизни кузатмаётган қўшнимиз учун одатдаги ҳол эди. Натела ва мен бир-биримизни ёқтиришимизни бутун қишлоқ биларди. Бизнинг бу дўстлигимиз — тоза ва беғубор — катта ҳаётнинг бошланиши эди, холос. Бир куни шундай бўлди, икки уйроқ уриб турган юракка, аччиқ тақдир соя ташлади. Шунда Худонинг ўзи бизга раҳми келди.

Ажойиб куз кунларининг бири эди.

Мен ва Натела Губазоули бўйидан ўриб олинган ўтлар устида чалқанчасига ётиб ширин суҳбат қурдик. Мен унга шеърлар ўқиб бердим. Ҳаяжонимизни, хурсандчилигимизни ичимизга сиғдиролмасдик. Бирданига бизни хотиржамлик эгаллаб олди. Чарақлаб нурини сочиб турган қуёш ўз нури билан юрак уришимизни эшитиб тургандек эди, гўё. Бизни мўъжизали дунё худди эртақдагидек туташтирди, кундузги уйқу ўзининг енгил қанотида узоқ-узоқларга парвоз қилдирди...

Мен кўзимни очдим ва бошимиз устида қовоғи солинган колхоз қоровули Михако Аробелидзени кўрдим.

- Нима, йигит, етимни номусига тегдингми?
- деди Михако ва унинг овози қалтираб кетди.
- Сиз нима ҳақда, Михако амаки?
- Бу ерда ҳеч нарса юз бергани йўқ?
- Биз суҳбат қурдик, холос, Михако амаки!
- Бошқа ҳеч нарса қилмадик?
- Яна нима?
- Ҳимм, мен ишониб қўя қолдим!
- Онам ҳаққи қасам ичаман, Михако амаки!
- Виждонинг олдида қасамёд қил!
- Виждоним олдида қасамёд қиламан!
- Демак, у иш бўлмапти?
- Керакмас, Михако амаки!

Михако ўша вақтнинг ўзида ётган Нателага қаради, унинг юзи эса оқариб кетди.

— Фаришта, ҳа фақат итваччанинг қизи — деди секингина.

— Ҳа, албатта фаришта, — дедим мен.

Михако менинг бошимни силаб кулди-да, жўнаб кетди.

Натела бирдан эски тегирмон олдида тўхтади-ю, нимагадир қулоқ солди. Кейин турган жойидан озгина юрди-да, қишлоққа қараб тез чопиб кетди. Мен орқасидан қувиб зўрға етиб олдим.

У Тамара подшонинг харобага айланиб кетган черкови олдида яна тўхтади.

— Кукури... — деб пичирлади-ю, ҳушдан кетиб, ерга йиқилди.

Қишлоқдан эса юракни ларзага келтирувчи маросим бақириви келарди. Натела йиғламади ҳам, бақирмади ҳам. Унинг юзлари тошдай қотиб қолганди, у ўтирганди, ҳеч қимирламасди. Мен қишлоққа қараб югурдим, қўшнимизни бошлаб келдим. Улар қизчани қимирлатишни

ҳам, қимирлатмасликни ҳам билмасдан, қўлда кўтаришиб уйига олиб кетишди.

Унинг қўрққанидан юзларида қон йўқ, ҳолсиз эди. Онаси эса чалажон қизига зўрға бир қаради:

— Кўнглини кўтарган бўлиб, қизингга қарагин ўлиб қолмасин! — дейишди қўшнилар.

— Ўлса, ўлаверсин... Майли қуёш йўқолсин, осмон қуласин... Энди менинг Кукурим йўқ...

Натела бир ой тўшақда ётди. Кейин озиб-тўзиб турди. Лекин барибир шу бўйи мактабга қайтиб келмади.

Ўшандан кейин бизнинг партамизда мен бир ўзим ўтирдим. Митуша менинг қўлимдан ушлаб силкитиб, — юр Нодар, кетамиз! — балиғимиз ҳидланиб қолади, — деди.

Мен яна бир марта деворга қарадим ва Митушанинг орқасидан юрдим.

Ҳа, мен ҳеч ўйламагандим, болалик чоғларини эслаш бунчалик аччиқ бўлишини...

* * *

Эрталаб менинг хонамга акамнинг қизи кириб келди.

— Сизни бир хотин сўраяпти, — деди.

— Майли кирсин.

— Мен таклиф қилдим, кирмаяпти.

Ҳовлига чиқишга тўғри келди. Панжара олдида, қўлида ҳамён ушлаган, қирқ беш ёшлардаги гўзал бир аёл турарди.

— Ассалому алайкум, ҳурматли Нодар! — деб сўрашди.

— Ваалайкум ассалом! — деб жавоб бердим ва ҳурмат юзасидан: — Уйга марҳамат дедим.

«Ана тамом, деб ўйладим мен, — меҳмон кепти, демак, ҳозир бошланади: ўғлимни қаергадир жойлагин, кимгадир телефон қилгин, ниманидир топиб бергин...»

— Йўқ, мен бир неча дақиқа сизнинг олдингизга...

— Қанақа ёрдам керак?

— Сиз мени танимадингиз, ҳурматли Нодар...

— аламли кудди аёл.

— Тўғри, таниёлмадим...

— Ўйламагандим, танимайсиз деб...

— Менимча, биз нотанишмиз...

— Мен Натела, Кукури Нижарадзенинг синг-лисиман...

— Натела! — менинг бирданига тиззаларим, қўлларим ва овозим қалтираб кетди. Натела, — мен, ўзимнинг бефаросатлигимдан уялдим. — Натела сен...

У менинг ёнимга ўтирди ва халтасидан бир банка чиқариб стол устига қўйди...

— Мана, бу тоза май асали... Ўзимизнинг ҳовлидан...

— Раҳмат...

— Эшитдимки, юрагингиз сал чатоқроқ экан? Асал — барча касалликларга даво. Кукури ҳақида сўраяпти дейишди... Унинг оти ҳақида... Бизнинг олдимизга кўпгами?.. Сиз бир ўзингизми, ёки ... Унинг овози титрарди, қисқа-қисқа қилиб, бошини кўтармасдан гапирарди.

— Натела... Сен қандай яшаяпсан? — Мен унинг сўзини бўлдим.

Натела чуқур хўрсинди ва диққат билан менга қаради.

— Кўряпсиз-ку, ҳурматли Нодар... қарияпман...

Сиз-чи? Сизнинг соғлигингиз қандай?

– Мен ҳар ҳолда ёмонмас, Натела. Сен ўзинг ҳақингда сўзла. Сен қандай, қандайсан... – Мен шошиб сўзларимдан адашиб кетдим.

– Ҳа, шундай, қишлоқ аёли қандай бўлса...

– Мен ҳам шулар сингари.

– Чой йиғиштираман, сут топшираман, болаларга, эримга қарашаман...

– Сен турмушга чиқдингми?

– Мен турмушга кеч чиқдим, ҳурматли Нодар... Ҳозир тўрт нафар фарзандим бор. Ҳаммаси ўқийди...

– Ҳимм...

– Эрим: яхши инсон, виждонли, меҳнатсевар...

– Натела уйга кирамиз, ахир!

– Йўқ, сизни бошқа безовта қилмайман... У хижолат бўлиб йиғламсиради.

– Натела, кўраяпман, сени нимадир безовта қиляпти. Айтгин!

– Ҳа. Мана олиб келдим... Сиз яна бошқача ўйламанг, тагин. Сиз ҳозир машҳур инсонсиз... Бу сизга керак бўлиши мумкин... – У менга сарғайиб кетган дафтар варағини узатди.

– Нима бу, Натела?

– Бу ... Бу шеър... Сизнинг шеърингиз...

Мен тезда варақни қўлга олдим ва ... бўшашиб кетдим.

Ципнаваралик Натела!

Нурла баҳсда сен ғолиб доим.

Сен йўлимда ёрқин машъала,

Сен қувончсан, ҳам қайғу-алам.

Бежо ўйлар чулғагач шояд,

Лабларингдан лаззат туяман.

Жеркишларинг ёқимли ғоят,

Сен қайғусан, ҳам шодлик-хуррам.

Мен эсладим — тезда эсладим, сўзсиз худди кечагина рўй бергандек, — мен Галактион¹ шеърини уялмай-нетмай виждонга хилоф тарзда ўзимники қилганман, бу билан бизнинг бир-биримиздан тўймаган севгимизни кўрсатмоқчи бўлганман...

— Менда сизнинг бошқа шеърларингиз ҳам бор, бу ҳаммасидан яхшиси...

— Сен буларни ҳеч кимга кўрсатмаганмисан?

— Э, қизиқмисиз! — ҳайрон бўлди, у. — Сенга ёзилган шеърни бировга қандай кўрсатиш мумкин.

— Болаларга-чи?

— На болалар, на бошқа бирор-бир жонзот буни кўргани йўқ.

Менинг кўзларимда ёш томчилари пайдо бўлди.

— Натела, сен жудаям гўзал аёлсан. Кечир, мен сени билмабман... Ҳозир энди... Энди ҳозир кеч, Натела!.. Кечир мени...

— Сиз ҳеч ҳам айбдор эмассиз...

— Натела!

— Ҳа?

— Мен ҳаммасини эсладим, Натела! Ҳа ёдимга тушди, Кукури ва унинг оти. Яна эслайман ўша кунни, ўшанда сизлар сизлар сизлар сотмоқчи бўлдинглар, лекин сотолмадинглар. Эслайсанми, Кация Мунд-жадзе ҳақидаги ва унинг уйқусидаги тушини? Аммо сен қандай унутишинг мумкин, ўша кунни биз Кукурини ҳалок бўлганини эшитганимизни... Эсингдами, ўшанда, кўм-кўк майса устида... Мен сенга шеър ўқиб бердим, кейин эса биз ухлаб қолдик... Эслайсанми?

¹ Галактион — Галактион Табидзе (1892 — 1959) Грузия халқ шоири.

Натела ўрнидан турди. Унинг кўзларидан шашқатор кўз ёшлари оқиб тушаётганди.

– Нодар, буларнинг ҳаммаси менинг қалбимда абадий ухлаб ётибди... Сендан илтимос!.. Буни бошқа эслатма.

Мен унинг меҳнатдан қотган дағал қўлларига ёпишдим-у, жуда узоқ ўпдим. У секингина кўлини тортиб олиб мени қучоқлади, юрагим устидан, кўкрагимдан ўпди...

– Кечир мени, Натела! – дедим мен. У жавоб бермади.

Мен панжара олдида жуда узоқ туриб қолдим, Натела яна бирор марта қайрилиб қарармикин деб, умид қилардим. Лекин у бошқа қайтиб қарамади.

У ҳуркак оҳудек елиб келдию, шу билан бирга, менинг беғубор ёшлигимни ҳам ўғирлаб олиб кетди...





ВАФОДОР ИТ

Бу тарих қирқ биринчи йилнинг август ойида бошланиб, роппа-роса икки йилдан сўнг тамом бўлганди.

... Шафқатсиз уруш азобларини бизнинг қишлоқ бир ойдан кейин сизди. Фаровон ҳаётга ўрганган колхозчилар рўй берган бу даҳшатни дарров англаб етмадилар. Ўзининг бор имкониятини чамалаб кўришмади ва оқибатда барча оморлар, кўзалар, хандақлар ва жуда кўп уйлар августдаёқ бўм-бўш бўлганди, шу жумладан ундан салгина илгарироқ бизнинг уй ҳам...

Бод касали билан оғринган бобом Спиридон кечаю-кундуз печканинг олдида ўтирарди. Барча хўжалик ишлари менинг бўйнимда эди. Хўжалик нима у? Ҳозир ҳам эсласам аъзойи баданим зирқирай бошлайди. Мен ўрмондан қанча шохшабба, ўтин ташидим: бўлмаса ўтинсиз бечора бобомнинг аҳволи нима кечарди.

Охирги марта 25 августда маккажўхоридан қилинган нон ейилди. Бобом ўрнидан туриб шкафда яшириб қўйилган ўн литрлик каттакон шиша идишдаги қўл бола ароқни олиб шундай деди:

— Мана шу идишни сумкага солгин-да, Чохатаури¹ га олиб бориб бир пуд маккажўхорига алмаш-

¹ Чохатаури — туман маркази.

тириб келгин. Кимки агар бир пуддан оз берадиган бўлса, шу қўлда тайёрланган ароқ билан чўмилтирда, идишнинг ўзини чил-чил қилиб синдиргин-у, уйга қайтиб келавергин... Бу тутдан тайёрланган саксон градус ахир, буни ҳам тушуниш керак!.. Ана шундай.

Бобом каттакон идишга ғамгин кўзлари билан бир қараб чуқур хўрсинди-да, қўшимча қилиб:

— Жўнагин, деди!

... Идишни синдириш менга насиб қилмади. Бозорда бир пасда менинг молимни баҳолайдиган ичимликлар бўйича мутахассис ҳам топилди.

У сўзсиз бир пуд сариқ маккажўхорини менинг халтамга солди ва чўнтагимга битта қизил ўттиз сўмликни ҳам тиқиб қўйди. Ундан кейин бўйнимни силади-да, кейинги ҳафта келиш ё келмаслигимни сўради.

Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас мен бозор тўғрисидаги ошхонага кирдим.

— Котлет борми? — деб буфетчидан сўрадим.

— А, сенда пул борми? — буфетчи жавоб бериш ўрнига савол берди.

— Бор?

— Қанча?

— Ўттиз сўм!

— Кўрсат!

— Мана!

— Ўтир. Ҳозир олиб келаман.

— Уч порция! — дедим мен елкамдаги сумкани ечиб, столга ўтирдим.

— Сенга нима бўлди йигитча, ақлинг жойидами? — деб буфетчи ҳайрон бўлиб, тутақиб кетди.

— Йўқ, жудаям оч қолиб кетдим, — дедим мен.

— Картошка биланми ёки макарон биланми?

— Икки порция макарон билан ва бир порция картошкали. Ҳар бирини алоҳида келтиринг.

— Нечта лимонад?

— Учта! — деб жавоб бердим-у, олдиндан камаримни бўшатиб қўйдим.

Буфетчи менга бироз ишонқирамай қараб турди, лекин ҳеч нарса демади.

У столга уч тарелка овқатни котлети билан ва учта лимонадни қўйиб, мулойимлик билан сўради:

— Сен йигит қаерга қўйдинг-а, ўша ўттиз сўмликни?

— Мана у! — Мен ғурур билан унга пулни кўрсатдим.

Буфетчи ўттиз сўмликни олиб, ишқаб кўрди, чироқ ёруғига тутиб кўрди. Кейин очилиб қолган кир халатининг тугмаларини қадади ва яна ҳам кирроқ ҳамёни ичига солиб қўйди.

— Мана энди бўлди! — деди у кулиб ва ошхона ичига кириб кетди.

Ошхонада паст бўйли, ориқ, ён томони билан зўрға судралиб юраётган бир қора ит кўринди. У менга кўз қири билан қараб уй олдидан бир неча марта у ёқдан бу ёққа ўтди. Кейин дадилланиб менга яқинроқ келди. Котлетни кўзим қиймадида, макаронни унинг олдига ташладим. Ит уни ҳаводан илиб олди-ю, ютиб юборди. Мен унга яна бердим. Бир дақиқадан сўнг менинг унга эътибор қилаётганимни сизди ва ўзига ишонқирамай во-виллади.

— Йўқол бу ердан, ярамас! — дея буфетчи итга бақирди.

— Унинг оти нима? — буфетчидан сўрадим.

— Ким билади, дейсан!

– Кимники, у?

– Мен қаёқдан билай, хўжайини билан бирга йўқолганми! Кет, бу ердан! – деб буфетчи итга яна ўқталди.

Ит думини қисиб, кўчага чиқиб кетди.

...Мен овқатни еб бўлдим-у, сумкамни олиб эшик томон йўналдим.

– Буфетчидан ҳар эҳтимолга қарши қайтими қайтарилмайдими? – деб сўрадим.

– Яна нима?! – у афтини буриштирди.

– Ҳеч нарса деганим йўқ? – мен сир бой бермадим.

– Обрўйинг борида туёфингни шиқиллат йигитча, – деди буфетчи.

Ошхонадан чиқишда ҳалиги итни кўрдим.

Қўрқув ичида жуда синчковлик билан яна эшикка яқинлашарди.

Мен ўн қадам ҳам юрмасимдан, юракни ларзага келтирадиган қаттиқ чийиллаган ва итнинг увуллашини эшитдим. Кейин эса бирданига менинг ёнимда ит пайдо бўлди ва шу заҳотиёқ кўприк остидаги сувга ўзини отди-да, тезда қирғоққа чиқиб норози оҳангда қумда ағанаб акиллай бошлади.

Мен яна ошхонага қайтиб бордим. Эшик олдида кўлида кружка ушлаб буфетчи турарди. Кружкадан эса буф чиқарди.

– Итни куйдирдингми? – деб сўрадим.

– Йўқ, озгина оёғини иситдим! – деди заҳарханда қилиб.

– Сен эшаксан! Сенинг отанг ҳам эшак! – дея бақирдим мен.

Буфетчи менинг бу гапларимидан донг қотиб қолди. Бир дақиқача менга бақрайиб қараб

турди-да, сўнг жаҳли чикди. Кружкани ерга қўйди ва ўнг қўлини шимариб секин мен томонга кела бошлади.

— Мени шу ерда кут! — деди бўғиқ овозда.

Мен елкамдаги сумкани бемалол ерга қўйдим. Кейин эгилиб, йўл ёқасидан катта тошни қўлимга олдим.

Буфетчи сўзсиз, қоққан қозикдек тўхтади. У турди, турди-да, сўнг бошини қимирлатиб, келган йўлига қайтиб кетди.

Ит кўприк остида куйган юзи ва олдинги оёқларини у ёқ-бу ёққа уриб, аянчли вангилаб ётарди.

Мени кўриб жим бўлди. Кейин паст овозда фингший бошлади. Мен яқинроқ бориб синчиклаб қарадим. Бечоранинг ўнг оёғи ҳам шундай куйдирилганди.

— Қани сени бир кўриб қўяй-чи! — дедим мен ва унинг олдига чўкка тушдим.

«Эҳ, сиз мени нима қилиб қўйдингиз!» — дея ҳиқ-ҳиқ йиғлади. Итнинг соғ қолган ўнг кўзидан ёш оқиб тушди. Мен кўйлагимни ечиб, уни йиртиб икки бўлакка бўлдим. Сувда ҳўлаб, аввал кучукнинг кўзини, кейин оёғини боғлаб, қўйдим. Ўзини озгина енгил сезгандай бўлди. Сўнгра менга қараб миннатдорлик билдиргандай бир қаради-ю, яна кўзёш тўка бошлади. Мен ҳам ўзимни тутиб туролмадим. Қумнинг устига чўккалаб ўтирдим-да, йиғлай бошладим. Ит ҳам — гарчи ҳайвон бўлса-да, инсоннинг нима учун йиғлаётганини жуда яхши тушунди. Мажруҳ бўлиб қолган ит менинг олдимга судралиб келди ва тумшуғи билан тиззамга бошини қўйиб миннатдорлик билдирди...

...Мен яхши эслайман, ўшанда ўн тўрт ёшга тўлгандим. Гервасия Джабуанинг қизи Тинуни Набеглави қишлоғилик Арсена Сиамашвилига турмушга беришганди. Шунда мен биринчи маротаба Худога ёлворгандим: «Эй Худо, менга олти ёш қўшгин, гўзал Тинуни Арсенага бермагин...» Ҳозир мен яна илтижо қилдим: «Эй Худо, менга куч-қувват бергин, мен буфетчи билан курашай, кейин ўлдирсанг ҳам майли!..» Мен ҳеч қачон ўзимнинг бу илтижоларимни кўприк тагида кўчада қолган итни қучиб, худди ҳозиргидек рўёбга чиқишини орзу қилмагандим...

— Мен куйган итни сумкамдан олганимдан сўнг, бу ўзи нима?! — деб бобом ҳайрон бўлиб сўради.

— Ит! — дедим мен.

— Бу итмас бир радди бало-ку! — деб бобом ерга тупурди.

— Майли, тузалиб қолар, дедим! Буни буфетчи иссиқ сувга куйдирди!

— Демак, хизмат қипти-да. Ўғри!

— Бечоранинг қорни оч ҳали! — Мен ит ёнини олдим.

— Қани латталарни ечгин-чи!

Мен боғланган латталарни ечдим. Бобом итни кўздан кечирди.

— Ҳим-м, деди бобом. Бемаҳал буни куйдирибди-да, қонхўр! Қайноқ сувда куйган жойининг битиши қийин бўлади... Эритилган ёғни олиб чиқ, яраланган жойларига суртиб чиқамиз... Оёғини-ку, у ўзи тузатади. Кўзини эса билмадим, — деди бобом...

... Кейинги куни эса бизнинг уйимиз олдида итнинг вовиллаши эшитилди. Унчалик қаттиқ ва баланд бўлмаса-да, барибир ит ҳурди...

Биз уни қанақа номлар билан атамадик. Йўлбарс, Оқ қуён, ... ит эса ҳеч бир номга ўрганмади. Ўшандан кейин уни бирон-бир ном билан атамасликка аҳд қилдик. Шунчаки, Кучук деб атадик. Бир ойдан сўнг унинг оёғи тузалди. Юзидаги яралар эса кўпга чўзилди. Куйган жойлар ўрнини янги — қалин пўст қоплади. У янада чиройли ва шўх кучук бўлди. Бундай кучук қишлоқда йўқ эди.

Барча тажрибаларим бўйича тўғриси айтсам, бошқа кучуклардан унча кўп ажралиб турмасди. Лекин яхшигина фаросатли эди: болалар ва аёлларга умуман индамасди. Қишлоқдаги барча товуклардан бизнинг яккаю ягона товугимизни ажрата оларди. Агар эркак зотига келадиган бўлсак, — у қишлоқда мен ва бобомдан бошқа биронта эркакни одам ўрнида кўрмасди. Мен шуни билдимки, ўша буфетчи шафқатсизларча куйдиргандан буён — бу Кучукда эркакларга нисбатан нафрат пайдо бўлганди.

Қўшнилари онда-сонда бобомга шикоят қилишарди.

— Энди, бу қандай бўлди. Спиридон! Сенинг уйингга энди меҳмонга ҳам бориб бўлмай қолди. Сен бу қўтир итни қаердан топдинг?! Ҳатто, биронта қушни ҳам дарахтга қўндирмайди, лаънати!

Бирон четроққа ҳайдасанг ёки занжирда борлаб қўйсанг бўлармиди!

Бобом бу гап-сўзлардан фақат куларди. У Кучук билан шунақа дўстлашиб кетдики, уни уйдан ҳайдагунча, мени тезроқ ҳайдагин, дерди. Ит буни сезарди. Айрим вақтлар мен ўрмонга ўтин териш учун ёки кечаси — тегирмонга борсам, у менинг

орқамдан бирга эргашиб борарди. Бошқа маҳал эса у бобомнинг оёғи остида ётиб, одоб билан бобомнинг буйруғини кутарди. Унинг қайғули, севинчли кўзларига термилиб ётарди. Дарахтдан нок ёки олма ерга тушгудай бўлса, Ит дарров ўрнидан туриб, уйдаги тўнғизнида йўлда қолдириб, дарахт остига борарди. Ерга тушган мевани тиши билан ушлаб, бобомга олиб келиб берарди. Бобом эса унинг бўйинларини силарди, кейин мевани тозалаб, уни Итга берарди. У эса меваларни иштаҳа билан ерди. Дарахтлар ости олма ва нок билан тўла бўларди. Лекин Ит ўзича олиб емасди. Чунки у шундай тарбияланганди. У бобомни ҳеч қачон зериктирмасди. Бобом бир гапни юз марталаб такрорласа ҳам эшитадиган ягона махлуқ ҳам шу Кучук эди. Ҳикоя қанча узун бўлса, Ит шунча берилиб эшитарди. Унинг маънодор кўзлари бобомдан шуни сўрарди: «Худо ҳаққи, биронта ҳам сўзни тушириб қолдирмагин!»

Бир марта мен шундай суҳбатнинг гувоҳи бўлганман.

— Эҳ ўртоқ, агар шу лаънати уруш бўлмаганда эди, сен шу чириган нокларни ермидинг?! — деди бобом афсус билан бошини қимирлатиб.

— Худди шундай! У ҳам тасдиқлади.

— Сен, албатта, гўшт таъмини ҳам ёдингдан чиқарган бўлсанг керак, бечора? — деди бобом.

— Афсус, ёддан чиқардим! — Ит маъюс бўлиб ерга ётиб олди.

— Майли, ҳаммаси ҳали жойига тушади, — уни бобом юпатди. — Мана яқинда Гогитанинг отаси — Арсен келиб қолади. Кейин бизларга қарашади. А? Сен нима деб ўйлайсан, бизларга қарашадими? Кучук менинг отимни билмас-

ди, лекин шунақа бўлса ҳам бошини қимирлатиб қўйди. Бобом яна сўзида давом этди. Бу лаънати уруш ўзи қачон тугайди?.. Менинг касаллигим ўтиб кетадими-а? Ёки, йўқми?..

Улар айвонга чиқиб онда-сонда ўтиришарди. Офтобда исинишиб ниманидир ўйлашарди. Бобом бўлса, урушнинг қачон тугаши, ўғлининг қачон урушдан қайтиши ҳақида ўйлаб хаёл сурарди. Кучук... Кучук эса балким, гўшт ҳақида ўйларди...

Бошқа барча нарсаларга бизнинг Итимиз ҳам дунёдаги итлар сингари муносабатда бўларди. Кечаси уйимиз олдида ухларди. Вовиллашни ўзининг вазифаси деб билар ва шу билан хўроз қичқириғига, мушук миёвлашига, чиябўри чий-иллашига жавоб қайтарарди. Ой Айиқ тоғидан тўла бир айланиб ўтгунча вовилларди. Ўзининг бу сеvimли ишини яхши кўрарди. Оёғини кўтариб ҳовлидаги энди кўкара бошлаган кашничга ўхшаш кўкатга бир ағнаб оларди-да, яна қаердадир бахтсиз аёлнинг эринингми, ўғлинингми ва ёки акасинингми ўлиги келганини эшитиб, нималарнидир айтиб бақриб йиғлаётганини эшитарди. Кучук шунда бошини баланд кўтариб мунгли ва қаҳрли увилларди.

Кунлар ўтарди. Уруш даврида одамлар ва кучуклар қандай яшаса, биз ҳам шундай яшардик...

1943 йилнинг 22 август кечаси қишлоқни итлар вовиллаши, бир-бирини ражиши ва увиллаши одамларни ниҳоятда қаттиқ безовта қилди. Бу тасодифий эмасди, албатта. Шунинг учун ҳам бу шовқинга ҳеч ким парво қилмади.

Эрталаб Аслан Тавберидзе булоқ бошидан ражиб ташланган итнинг ўлигини топди. Бу одатдаги ҳодиса эмасди. Ўлик топталганди.

Тушда қишлоқда нотаниш киши пайдо бўлди. У ўзининг итини қидира бошлади. Уни Асланга жўнатишди. У ерга мен ҳам келдим.

— Кириле Мамаладзе Хевидан, — деб таниш-тирди у ўзини.

— Жуда яхши. Қандай ёрдам керак? — дея мулойимлик билан Аслан жавоб берди.

— Менинг итим йўқолиб қолди... Айтишдики, сиз бугун қандайдир итни кўмибсиз...

— Ҳа, тўғри. Биз кўмдик — мен ва мана бу йигит. Нима биз бу ишни қилмаслигимиз керак эдими?

— Йўқ, унақамас раҳмат сизга одамгарчилигингиз учун. Ўша жойни кўрсатолмайсизми?

— Марҳамат.

Мамаладзе ит ўлигини очди-да синчиклаб қаради.

— Менинг итим! — деб ишонч билан айтди, у.

— Хоҳлайсизми қолганини ҳам олиб келаман, деб кулди Аслан.

— Кулганингиз нимаси! — дея қўлини сил-китди Мамаладзе. Кеча у менинг ўғлимни тишлабди-да, қочиб кетибди. Пастеровский станциясида итнинг бошини олиб келишни буюришди. Чунки унинг бош миясини текшириш керак экан. Худо кўрсатмасин, агар борди-ю, ит дайди ёки касал бўлса, унда болани қирқта укол қилдиришга тўғри келади. Тасаввур қилингга, қирқта укол! Болалар шудайига ҳам зўрға оёқда туришибди-ку!

Мамаладзе чуқур хўрсинди ва сумкасидан болтани олди.

Мен тезда орқамга ўтирилдим ва уйга қараб кетдим.

Менинг бу ҳикоямни эшитиб бобом беихтиёр ижирғанди.

— Бу иш яхшимас! — деди-да унинг оёғи ости-да ерда ётган қаровсиз кучукка қаради.

Кечқурун бизникига қўшнимиз Бадриа келди ва бобомдан милтиқ сўради. Сен билмайсанми ҳали? Кеча қандайдир ит бизнинг итимизни тишлади. Ҳа, сен эшитдингми, йигит, ўшанинг хўжайини нима деди?! Ўғлимни тишлади, — деди.

Лекин дайди ит деб айтмади у! — жавоб бердим мен.

— Аҳмоқ! Агар яхши ит бўлса хўжайинининг боласини тишлайдими? — деди Бадриа.

Мен жим бўлдим.

— Бобом, бунақа ишлар учун мен сенга милтиғимни бермайман! — деб кескин жавоб берди.

— Уни нима билан ўлдириш керак?

— Оғир болта билан.

— Нима мен шунақа йиртқичманми? — Бадриа хафа бўлди.

— Унда ўзинг биласан...

Бадриа кетди.

— Бобом Кучукни силаб туриб, кечаси уни омборхонага қамаб қўйгин! — деб буйруқ берди.

Аслан Тавберидзенинг уйи томондан қалбларни жунбушга келтирадиган итнинг қаттиқ чинқиргани ва отилган ўқ товуши келди.

— Бугун нечанчи август? — бобом мендан сўради.

— Йигирма учинчи.

— Варфоломей кечаси¹ кирди! — деди бобом.

¹ Варфоломей кечаси — 1572 йил 24 августга ўтар кечаси Парижда католиклар томонидан гугенотларга қарши уюштирилган қирғин.

Биринчи отишмадан кейин иккинчи, учинчи, тўртинчи отишмалар давом этди... Ҳаммаёқни отилган ўқлар овози, итлар вовиллаши ва акиллаши, эркаклар бақиргани, хотинлар дод-фарёди, болалар йиғлагани, ҳўкизлар бўкиргани тутиб кетди. Ҳовлида Шасит билан Бадриа кўринди. Кейин Алистарха ва ниҳоят тўсатдан қўшнимиз Макариа уйи ёнидан гумбурлаган овоз келди. Итнинг вовиллаши қулоғимни донг қотирди.

— Бечора бахтсиз кучук!.. Макариа ўзининг алмисоқдан қолган чақмоқтошини ўқлагунча, бечора ҳайвон қийналиб қолади-ку! — деб ингранди бобом ва қалтираган қўллари билан қулоғини беркитди.

Кутилмаганда, ҳеч бир қулоқ эшитмаган итларни шафқатсизларча қириш бир соатча давом этди. Бутун қишлоқ бир соат шовқин-сурон ва увиллашлар остида қолди. Бизнинг Итимиз ўша вақт қулфланган омборхонада, эшикни оёқлари билан тирнаб, қаҳрли ва дарғазаб бўлиб ҳуриб ўзини ташқарига урарди.

Аста-секин ҳаммаси тина бошлади. Бироздан сўнг охириги ўқ овози эшитилди. Шундан сўнг ҳаммаёқ сув қўйгандай жимжит бўлди.

— Эҳе-ҳе-эй! — тўсатдан ғалаба қилган кишининг овози келди.

— Ҳаммаси тамом бўлди... Эй Худо, кечир бизларни барча номаъқулчиликлар учун ... — деб бобом чуқур хўрсинди... Тонг отди.

Хўрозлар қичқирди.

Сигирлар мўради.

Эчкилар маъради.

Товуқлар қу-қулади.

Концхоулидан қуёш чиқа бошлади.

Гўё, ҳаммаси илгаригидек эди. Лекин кечаси бундай эмасди. Қишлоққа нимадир етишмасди — сезилар-сезилмар, аламли, аммо ўрганилган, яқин ва қадрдон бир нарса йўқдек эди, гўё. Қишлоқ чеккасидаги шаҳарга туташ йўлда Аслан Тавбаридзе елкасида болта билан кўринган заҳоти унинг орқасидан сакраб-сакраб шалпангқулоқ Тузик югурмаётганди. Шунда мен тушундимки, ит бу қишлоқда авлоддан-авлодга ва қондан-қонга ўтиб келаётган, бир-биридан ажратиб бўлмайдиган — оддий қишлоқ қоровули экан.

1943 йилнинг 24 август тонги менинг қишлоғимда итсиз отди.

... Кун бўйи бизнинг Кучутимиз ўз уйчасидан ташқарига чиқмади. Ҳуримади ҳам, овқат ҳам емади. У бобомнинг оёғи остида кўзларини юмиб, оёқларини чўзиб ётди. Агар уни, бир хилда нафас олиб, қорни кўтарилиб тушаётганини ҳисобга олмаганда ўлдига чиқариш мумкин эди.

— Мен бобомдан сўрадим — унинг аҳволи қандай?

— Кечаги воқеанинг жабрини тортяпти шекилли, — деди бобом.

Майли яқинда ҳаммасини унутади, дея бобом Кучукни силади. У қимирламади ҳам.

Кечга яқин яна озгина кайфи бор Бадриа пайдо бўлиб қолди.

Ҳорманг, Спиридон! — дея кўришди у.

— Салом Бадриа! — дея бобом жавоб берди. Лекин ҳовлига меҳмонларни таклиф қилмади.

— Спиридон! — дея хижолат бўлиб Бадриа сўз бошлади. Халқ... шундан... норози... Кеча Спиридон ҳовлисида отишма бўлмабди...

— Нима уруш тутабдими? Ёки менинг Арсениям урушдан қайтибдими? Ёки кеча янги йил кечасими? Нима сабабдан мен милтиқ отишим керак эди? — деди бобом.

— Спиридон хафа бўлмагин қишлоқ аҳли шу итлар дастидан... Кучутингни йўқот. Бизнинг итимиз ҳам сеникидан кам эмасди. Ёки сен битта шунақа раҳмдил топилиб қолганмисан?

Йўқ, Бадриа менинг қабрим устида кучук ҳурмаслигини истамайман!

— Қараб тургин Спиридон! Худо кўрсатмасин агар Кучутинг қутуриб менинг болаларимни тишлаб олса, сенинг уйингни теп-текис қилиб, ўзингни йўқ қиламан! — дея Бадриа дўқ қилди ва ўзи гандираклаб кетди.

Қоронғи тушиб қолганига қарамай, мен бобомнинг юзи оқариб кетганини кўрдим.

— Бадриа! — деб бақирди бобом.

Бадриа ўтирилиб қаради.

— Эшит мени, тирранча! Тилингни асрагин ва эҳтиёт бўл, бўлмаса шу қари суяқларим билан уйингни култепага айлантираман! Тушундингми?

Бундан донг қолган Бадриа, билмадим, буни қандай тушунди. Мен унинг ўрнида бўлганимда кечаси билан мижжа қоқмай тонг оттирардим. Ҳамма билардики, бобомнинг иши билан гапи бир-бирига тўғри келарди.

...Ярим кечаси эди. Бизнинг ҳовлининг адоғида бирдан иккита ўқнинг овози эшитилди. Унинг орқасидан итнинг вангиллаган қаҳрли овози келди. Мен ётган ўрнимдан ирғиб турдимда, милтиқни олиб овоз келган томонга қараб югурдим. Кимдир яширинишга ҳаракат қилганини кўрдим. Кейин эса қочиб кетаётган кишининг оёқ товуши эшитилди.

Кучук палак жўясининг ичида ётиб, секин акилларди. Мен уни қўлимга кўтариб олиб, югуриб уйимизга келдим. Бобом фонус чироқни ёқишга улгуриб, печка олдида эчки териси устида ўтирарди. У ярадор Кучукка қаради. Уни спирт билан артди. Тамаки кулини сепди ва қаттиқ қилиб боғлаб қўйди.

— Ҳеч қиси йўқ, фақат суяги зарарланган, — деди бобом.

У Кучукка саволомуз қараб қўйди. Кучук ҳам бобомга маъноли бир термилиб қаради.

— Ким отди? — бобом мендан сўради.

— Билмайман...

— Ўзи билладими? Билади, фақат кимлигини айтиб беролмайди! — Бобом бошини чайқади ва Кучукнинг кўз ёшларини артди.

Эрталаб бобом Кучукни верандага олиб чиқ, — деди.

Кучук оқсаб бобомнинг ортидан судралиб юриб, унинг оёғи остида чўзилиб ётарди.

Бизнинг уйимиз тепалиқда эди. Энди бобом ҳар куни қишлоқни худди биринчи марта кўраётгандек, синчиклаб кузатадиган бўлди. У узоқ жим турди. Кейин менга қараб, секин сўзлай бошлади.

— Уларнинг гапи тўғри набирам... Шу Кучукни деб қишлоқ аҳлини хафа қилиш яхшимас... Милтиқ ол, Кучукни ол ва Фақат қишлоқдан четга чиқ, чунки мен ҳеч бирон нарсани эшитмайин...

— Қишлоқдан четга чиқиб мен нима қилишим керак? — деб ўзимни билмасликка олдим. Пастки лабим очилиб қолганини ва иягим титраётганини, шундан кейингина сездим.

— Бизнинг қўшниларимиз нима қилишган бўлса, — деб жавоб берди бобом менга қарамай, — боргин ўғлим...

Мен уйимиздаги милтиқни олиб чиқдим-да, Кучукни бўйнидан ип билан боғлаб кўчага торта бошладим. Кучук эса жойидан ҳам қўзғалмади.

— Юр, Кучук! — дея мен яна бир марта ипни тортдим. Кучук эса бобомга илтижоли, маъноли бир қараб қўйди.

— Кучук бор, бор у билан! — деди бобом ва юзини қўллари билан беркитди...

Биз қишлоқдан анча узоқлашиқ. Катта асфальт йўлдан кичик сўқмоққа ўтдик. Тоғ тизмалари қиялигидаги дарёга қараб юрдик.

Кучук чўлоқланиб итоаткорона менинг ортимдан эргашиб борар, лекин бирор марта ҳам менга қарамасди.

Биз дарёга яқинлашдик. Мен Кучукнинг бўйнидаги арқонни ечиб, катта харсанг тош устига бориб ўтирдим. Юзимдан совуқ тер томчилари оқиб, юрагим қаттиқ санча бошлади. Озгина ўзимни босиб олганимдан кейин, елкамдан милтиқни олдим. Шундан сўнг Кучук бошини кўтариб, илтижоли ва қайғули нигоҳ билан менга кўзларини тикди. Унинг нигоҳидан ўзимни тийиб туролмадим. Тезда ўтирилдимда, милтиқдан иккита ўқни чиқариб олдим ва дарёга ташлаб юбордим.

Менинг елкамдан худдики тоғ ағдарилгандай бўлди. Мен ўрнимдан туриб керилиб чуқур хўрсиндим. Кучук ҳайиқиброқ менинг олдимга келди-да, қўлимни ялади. Кейин бирдан сакраб кетди. Ўзини сувга отди ва бир неча дақиқа сувда ўмбалоқ ошиб, думалаб сувни ҳар ёққа сачра-

тиб ўйнади. Қирғоққа чиқиб ўзини силкитди ва чарчагандек қумда чўзилиб ётди. Ярадор оёғидан тизиллаб қон оқарди. Унинг кўзлари тўла ёш эди. Мен ҳозир сен нима истасанг шунга қасам ичишга тайёрман, дедим. Кучук эса термулиб турди!

— А, ҳозир эса — Кучук! Кет, жимгина, тинч, бошқа вовиллама ва одамларга ириллама, иложи борича улардан қочишга ҳаракат қил. Ўзларига яқин тутишади-да, кейин дайди ит деб, отиб ташлашади. Қишлоққа умуман қорангни кўрсатма! Эшитдингми, бобом нима деди: Ит учун халқдан ажралиб қолиш яхшимас! Йўқ, яхшимас! Лекин мен бобомни алдайман! Сен кетгин бу ерлардан худо ҳаққи бошқа қорангни кўрсатма! Балки, сен ҳақиқатан ҳам дайдидирсан! Мен буни билмайман. Ҳеч қанақа гапни кўнглингга олма! Кетгин, бу ерлардан менинг Кучуккинам!..

Кучук мени тушундим, йўқми, билмадим. Лекин мен ортимга қайтганимда, у ўз жойида турганди.

— Ҳа, нима бўлди, — деб бобом мендан сўради.

Мен индамасдан елкамдаги милтиқни олдимда бобомга узатдим. У милтиқ затворини очди ва чироққа тўғрилаб ствол канали орқали текшириб кўрди.

— Ма ол, бобом милтиқни менга узатди. Мен сенга ҳеч нарса демайман набирам: агар сен доим шундай яшайдиган бўлсанг ҳаётда қийналиб қолишинг мумкин...

...Бир ҳафтадан кейин кечаси чиябўри Эквти-мэ Сирадзенинг эчкисини молхонасида ражиб ўлдириб кетди.

Яна уч кундан сўнг тулки кимнингдир товукхонасидан иккита товукни еб кетди.

Ундан сўнг кимдир Аслан Тавберидзенинг вино сақлайдиган ер ости уйчасидан ўн пудлик кўзадаги виносини шип-шийдон қилиб симириб кетди.

Ажойиб кунларнинг бирида Бердзенишвилининг сигири бизнинг уйимиз олдидаги тўртта пайвандланган дарахтни еб тозалабди. Бобом жаҳли чиққанидан кўкариб кетди.

Буларнинг ортидан қишлоқдан Нина Дзнеладзенинг соғин сигири ва Сипито Матиташвилининг зотдор новвоси дом-дараксиз йўқолди.

Бир куни кечаси Кириле Титмериянинг омборидан саккиз пуд сифатли маккажўхорисини ўмариб кетишибди.

Қишлоқ нотинч бўлиб қолди. Бақир-чақирлар, сўқинишлар, гумонсираш, баҳслашишлар ва охири урушишгача бориб етишди.

Ҳамма нарса аралаш-қуралаш, ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Қишлоқ аҳли безовта бўлиб қолди.

15 октябрь куни қаттиқ жала қуйди. Бунақа жалани бизнинг томонлар аллақачон унутишганди. Губазоулидаги дарё қаттиқ вазабга миниб, қандай бўлмасин тегирмонни олиб кетишга уринди ва олиб кетди ҳам.

16 октябрда эса бобом менга Горабережоули дарёсидаги тасодифан омон қолган тегирмонга боришни буюрди.

Ярим кечаси бўлса ҳам менинг маккажўхорим янчилганди. Мен елкамга ун тўла халтани орқалаб остона ҳатлаб ўтаётгандим, тегирмон эшигининг олдида тўсатдан Кириле Мамаладзе пайдо бўлиб қолди.

— Салом Теофан! — деб тегирмончи билан саломлашди. Мени эса танимади.

— Болангиз қандай, тузалиб кетдими? — сўрадим Мамаладзедан.

— Қанақа болам.

— А, анави, дайди ит тишлаган-чи?!

— А-а-а, сен нимани сўраяпсан?! У соғ ит экан-ку!

— Нима дедингиз?!

— Ҳеч нима! Ит ҳеч қанақа дайди ит эмас экан...

— Дайди эмас экан дейсизми?!.. А, сиз ... А, улар... Сиз садқаи одам кетинг, Кириле Мамаладзе. Сиз уят ва шармандаликни билмайсиз! — деб бидирлай кетдим ва худди ўқдай отилиб ердаги халтамга энгашдим.

— Теофан, бу тарбиясиз бола кимнинг бола-си? — дея ҳайрон бўлиб Мамаладзе тегирмончидан сўради.

— Сен кимнинг боласисан? — тегирмончи мендан сўради?

— Ҳеч кимнинг! — дея саволига жавоб бермай ва хайрлашмай тегирмондан тез чиқиб кетдим.

17 октябрда кун бўйи мен тегирмондаги воқеани бобомга айтиш ёки айтмасликни ўйладим. Ўйлай-ўйлай охири топдим. Бобомга айтишга арзимас экан.

18 октябрда бобом ўрнидан туришни хоҳламади.

20 октябрь у менинг уйда қолишимни сўради.

25 октябрь бобомнинг қўл ва оёқлари шишиб кетди.

27 октябрь у мени олдига чақирди ва хампа калитини берди.

28 октябрь эса бобом мени ўз қаршисига пастроқ стулга ўтқазиб шундай деди:

— Ҳамма нарсанинг ҳам боши ва охири бўлади, набирам... Бугун бўлмаса, эртага менинг ҳам куним битади...

Бу жуда ҳам қўрқинчли қаёққа боришни билмайман. Мен ҳақиқий ўлимданмас, ёлғон ўлимдан қўрқаман... Сен эса қўрқма набирам!.. Агар борди-ю, у дунёда ҳеч нарса бўлмаса, унда қўрқишнинг ҳожати йўқ! Ўлим бу бошқа нарса, фақат инсон қиёфасини ўзгартиради, холос. Ундан қўрқишнинг ҳеч ҳам кераги бўлмай қолади. Мен бу дунёга ўз дарахтим, ўсимликларим, қушларим, Кучугим билан қайтиб келаман... Доим сен билан бирга бўламан!.. Ҳеч қачон сени ёлғиз қолдирмайман! Шунини билгинки, набирам, сенга қачонки яхши сўз ва меҳрибонлик етишмаса, юпанчинг оддий тош бўлса ҳам — бу мен бўламан. Сенинг қари бобонг! Шунинг учун сен ҳеч қачон ўзингни ёлғиз сезмагин ва ёлғизликдан қўрқмагин... Сендан бир нарсани ўтиниб сўрайман — уйимизни ташлаб кетма ва унинг чироғини ўчирма!.. Сенинг отанг, албатта қайтиб келади. — У бу хонадонда ёқилган чироқ, бир парча нон ва бир стакан вино топиши керак. Бошқа ишлар билан у ўзи шуғулланади... Мени бир ҳафтадан бери ўлганлар руҳи безовта қилади. Отанг эса ҳеч тушимга кирмайди. Демак, у тирик! Унинг ўз уйи ва исмини содиқ ўғли каби сақла!.. Урушнинг ҳам бир кун охири бўлади! Урушни одамлар бошлашади ва одамлар уни охирига етказишади. Инсон урушда енгилмайди дейишади, бу сафсата, ҳеч курақда турмайдиган гап. Энди бор, кўпроқ ўтин олиб келгин...

Шу кечаси мен ухлолмадим. Бобом жим ўтириб, печкада ёнаётган оловдан кўзини узмай, нимагадир кулиб қўйди.

29 октябрда у ўзини жуда ёмон сеза бошлады. Мен унинг бошини озгина кўтариб, орқасига ёстиқ қўйиб қўйдим. — Келяпти, келяпти у, ро-

зилик сўраш учун, лекин жудаям секин келяпти...
— деб бобом ўзича гапира бошлади.

30 октябрь куни бобом мени яна чақирди:

— Тайёрлангин, набирам деди... Эртага у юрак-кача етиб боради... Сен хавотир олмагин... Нима керак бўлса, барисини қўшнилар қилишади. Уйимизда аёл зоти бўлмагани алам қилади-да. Мен учун йиғлайдиган ҳеч ким йўқ.

Биринчи ноябрда ярим кечаси бобом ўрнидан турди ва уйнинг ўртасигача юриб борди.

— Гогита, мен уни кўрдим! — деб қайғули товуш билан овоз чиқарди.

Мен ётган жойимдан сакраб туриб бобо кини?

— дедим.

Бобом стол устига йиқилди. Кейин секин ўрнидан турмоқчи бўлди ва бирдан тўнтарилиб чалқанчасига йиқилиб тушди.

— Бобо, бобожон! — деб бақирдим мен.

Лекин, афсуски, бобом энди бу оламда йўқ эди.

Ҳаммаси — меҳрибон ва доно бобом қандай хоҳлаган бўлса, худди шундай бўлганди...

Мен кийиндим-у, ҳамма эшикларни ва деразаларни очиб, айвонга чиқдим.

2 ноябрнинг тонг саҳари эди.

Худди ойнадек ялтираган совуқ ва ярқираган осмонда бирин-кетин юлдузлар сўна бошлади.

Мен ҳовлига чиқдим. Шудринг босган ўтлар устидан оёқяланг юрдим. Баданимдан совуқ ўтиб, қалтирай бошладим. Тозаланмаган маккажўхори поясининг шитирлагани эшитилди... Нок дарахти ёнидан ўта туриб, мен нохосдан эгилдим-у, ердаги нокларни тера бошладим. Терган ноклардан

бирисини тишладим. Шунда сездимки, менинг оғзим қуриган экан.

Мен шошилмасдан, бемалол дарвозани ланг очиб, йўлни кесиб ўтдим. Қўшнимиз девори ёнига келдим-да, қўшнимизни чақира бошладим.

— Маргалита!

Ҳали тонг саҳар эди. Ҳеч ким жавоб бермади. Мен қаттиқроқ бақирдим.

Ғийқиллаб эшик очилди ва айвонга уйқусираган аёл чиқди.

— Ким бу?

— Бу мен Гогитаман!

— Сенга нима керак тонг саҳарда?

— Ҳовлига чиққин, сенда ишим бор.

— Нима сен ичганмисан, йигитча?

— Бобом вафот этдилар, Маргалита... У учун йиғлайдиган ҳеч ким йўқ... Сендан ўтиниб сўрайман бизнинг уйга чиққин.

— Сен нима деб валдираяпсан!

— Ҳа, ростдан ҳам бобом вафот этди. Сендан ўтиниб сўрайман, Маргалита, йўқ демагин!..

Маргалита ҳеч нарса демасдан — сочлари тўзғиган, оёқланг ҳолда зинапояга қараб югурди. Бизнинг уйга яқинлашганда, мен уни олдинга ўтказдим. Ҳеч аёлнинг қадами тегмаган зинаполардан аёл юра бошлади. Лекин у тўсатдан тўхтаб, мени олдинга ўтказди.

— Қўрқмагин! — дедим секингина ва ўзим тўғридан-тўғри нам майса ўтлар устига ўтирдим.

Маргалита айвонга чиқди-да, қишлоқ томон юзини бурди ва сочларини ёйиб ташлади...

Бобомни якшанба куни, 1943 йилнинг 4 ноябрида қабристонга қўйдик.

Одамлар чошгоҳда кела бошлади. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб қариндош-уруғлар, гоҳ маҳалладошлар ташриф буюришарди. Ҳар битта гуруҳ олдида, битта йиғичи ва иккита бола қўлида қўзоқчи гулчамбар ушлаб келишди.

Кўмиш маросимининг барча оғирликларини ўз бўйнига олган энг яқин қариндошларим мендан олдин йиғини бошлашди.

— Бахтсиз бо-ла-кай, сен қандай яшайсан, би-р-бир-ўзинг, етим, камбағал!..

Қўлимга қора латта боғлаб, йиғисиз ва додвойсиз эшик олдида туриб ҳамдардик билдирганларга жавоб қайтарардим.

— Сен йиғла, йиғлагин! Гогита енгил бўласан! — деб Маргалита қулоғимга секин шипшиди. Мен тасдиқ маъносида бошимни қимирлатдим.

Айвон у ёқда турсин ҳовлимиз ҳам тўла одам эди. Тик туришиб ғийбат қилишар, янгиликларни бир-бирларига айтишар, баҳслашишар, гоҳида кулиб ҳам қўйишарди...

Бирдан тўда бўлиб турган одамларга нимадир бўлди. Олдин Маргалита тўполон қилди. Кейин сув сепгандек жим-жит бўлди. Одамлар тўпланиб, муҳокама қила бошлашди. Йўлақда бароқ, лойга булганган, жунларига шарикли тиканаклар, хасхашаклар ёпишган Кучутимиз кўринди. Кучук ҳеч кимга ва ҳеч нарсага эътибор қилмай олдимиздан ўтиб кетди. У бутун ҳовлини айланиб айвонга чиқди ва бобом ётадиган хонага қараб йўл олди. У ердан ҳеч кимни тополмагандан сўнг залга кирди ва ўликни кўрди. Орқа оёғида туриб, олд оёғи билан олдинга қараб интилди. Бўйнини чўзди-да узала тушиб ётиб олди. Кучук бобомнинг мулойим, хушфеъл, чиройли юзларига узоқ термилди.

Кейин секин юриб жимгина менинг олдимга келди ва оёғим остига бошини қўйди.

— Кимдир шон-шарафлар бўлсин, — деди!

Мен шунда чидаб туrolмадим. Юзимни қўлим билан беркитдим ва бўкириб йиғлаб юбордим.

Соат бешларга яқин бошқа бир аянчли ҳодиса рўй берди.

Уйимизга Бадриа кириб келди. Менинг оёғим остида ухлаб ётган Кучукни кўриб, бирданига сесканиб кетди. Лекин ўзини бир пасда ўнглаб олди-да, тавозе билан юзини мен томонга қаратди. Кучук сакраб ўрнидан турди-да, унга қараб ҳурпайди. Тишларини ириллатди ва аламли ҳурий бошлади.

Бадриа орқасига тисарилди. Кучук эса бир қадам олдинга интилди.

— Хўп, хўп боргин энди! — деди оппоқ оқариб кетган Бадриа. Кучук унга қаҳрли кўзлари билан қаради.

— Бир бечора инсон учун йиғлашга қўйгин, ахир! — дея заҳарханда қилди Бадриа.

Кучук қаттиқроқ ҳуриб, унга яқинлаша бошлади.

Бу ҳолатдан ўзини йўқотган Бадриа «бунга бирон нарса дегин!» — дея менга мурожаат қилди.

«Унинг ўзи билади, гуноҳкорни! Билади-ю, фақат ҳеч нарса айтолмайди!» — дея бобомнинг айтган сўзларини эсладим:

— Бадриа, кет менинг уйимдан!

«Агар сен ҳаётда шундай яшайдиган бўлсанг, сенга қийин бўлади», — дея мен бобомнинг сўзларини қайтардим:

— Кет, Бадриа менинг уйимдан!

Бадриа кетди.

Эрталаб мени қандайдир шовқин уйғотди.
Ички оқ кийимда айвонга чиқдим.

— Гогита, лаънати итингни ол. Қўшнилар
қўлларида стул ва бошқа ҳар хил анжомларни
кўтаришиб туришарди, бизни тишлаб олишига
озгина қолди, — деб бақирарди.

... Мен ўзимнинг қишлоғимга бир назар таш-
ладим.

Уйимиз устидан оқ, енгил оқим ўтаётганди.

Хўрозлар қичқирарди.

Сигирлар мўларди.

Эчкилар маърарди.

Ўрдаклар қағ-қағларди.

Концхоулидан қуёш кўтарилиб келарди.

Менинг баданимга иссиқлик ўтиб, қулоғимга
ёқимли овоз эшитилди.

Бизнинг уйимиз олдида ит ҳурий бошлади.





ҚУЁШЖОН

*Ҳаётимда менга илк бора бота-
ётган қуёш юзига акс этган ям-
яшил нурни кўрсатган дўстим Гул-
да Каладзи хотирасига бағишлай-
ман.*

Қуёш эрталаб соат олтида Эрцаху тоғидан олтин тож бўлиб кўринди.

— Ассалом, Эрцаху!

— О, Яратган эгам! Қаердасан сен? Сени кутавериб тоқатимизтоқ бўлди-ку!

— Мен бу ердаяман! — деди Қуёш.

— Совуқ мени ўз гардиши билан бўғиб қўйди, бошим ёрилиб кетай деб турибди, ҳаво етишмаяпти! Тун бўйи мижжа қоқмадим! Ёрдам бергин!

— Сабр қилгин!

Қуёш кўтарилиб, айлана доираси кенгайиб борарди. У ёруғлашди, бирданига осмонда ёруғлик ва иссиқлик пайдо бўлди. Эрцахунинг музлари эрий бошлаши билан товуш чиқарди, кейин музлар эриб тепага сакрашиб, ёрилиб кетишди. Бундан Эрцаху сесканиб кетди.

Юзидаги терларни арта туриб, сенга ҳамду санолар бўлсин, эй Яратган эгам! — деди Тоғ. Унинг атрофидаги товланиб турган кичкина чўққилар ҳам бунга қўшилиб эгилишди.

— Сенга ҳамду санолар бўлсин, — дея қайтарди Эрцаху ва жим бўлди.

Қуёш тобора кўтарилиб борарди. Кавказнинг бутун қирлари, ёнбағирлари ўз нурларини сочиб

улкан бир мўъжизани бахш этди. Кўчкилар бош-ни айлантирадиган даражада гулдурашди, шовқин солишди. Эрцахуни қор кўчкисининг чанглари ўраб олди.

Кейин ҳаммаёққа туман тарқалди. Бирданига ёруғлашди. Сўнгра Тоғ кўзини артди ва қия нигоҳи билан Қуёшга қаради. У жудаям баландда эди.

– Мана энди бошланди! – сўзлади Тоғ.

– Нима? – сўради Қуёш.

– Туғилиш!

– Кимники?

– Менинг Кодори, Псоу, Келасури, Гализга болаларим ва невараларим...¹

– Улар ҳаммаси сенга тегишлими?

– Ҳа, улар меники ва менинг сингилларим-ники.

– Ҳа, сенинг туғишганларинг кўпайсин! – Қуёш Тоғни дуо қилди.

Эрцаху кулди.

– Э, йўқ Яратган эгам! Биз камчиликмиз: болаларимиз ниҳоятда кўп, невараларимиз, чевараларимиз эса кам, яккаю ягона авлодимиз бу – Денгиз!

Кавказистон пойида чексиз, бепоён, улкан Денгиз тинчгина ухлаб ётарди.

– Денгиз! – ўйланди Қуёш.

... Болакай ҳовлидан эчкисини нарироққа ҳайдади. Ҳовли эшигини энди ёпаман деб қарагандиямки, бирданига Қуёш ва Эрцахуни кўриб қолди.

– Она! – бақирди болакай. – Тоғ ва Қуёшга бир қаранг!

¹ Кодори, Псоу, Келасури, Гализ – дарёларининг номлари.

Онаси қозонда сут пишираётганди. У қизараётган тоғдаги қуёшга қараганди бирданига шу заҳотиёқ сути йўқ бўлиб қолди.

— Ҳой бола, сен менга нимани кўрсатдинг! — дея бақирганча онаси ўғлини қува кетди.

— Ҳа, сизга нима бўлди, жинни-пинни бўлдингизми? Бола энди уйқудан уйфонганди. Сен нимага болани урушяпсан — деди, эри.

— Эрцахуга қаранг, — секин сўзлади аёл.

Эри маккажўхори поясини чопаётганди. У аллақачонлардир одатта айланиб қолган мўъжизага бир нигоҳ ташлади.

— Ҳаводан бу — дея сўзлади-ю, ўз иши билан машғул бўлди.

Денгиз ўз қирғоқларидаги қумларни ювиб бир маромда чайқаларди.

— Шш-рр-рр... Шш-рр-рр... Шш-рр-рр...

— Хайрли тонг! — салом берди унга Қуёш.

— Оҳ. Нур соча бошладингми? Хайрли тонг.

— Нима иш қияпсан?

— Уч кун олдин менда бир одам чўкиб кетди...

Изсиз... Ҳаяжондан шундай қайнаб, жўшиб кетдим! У ҳеч қаерда йўқ экан! Ниҳоят, у топилди. Шундагина менинг ҳаяжоним босилди.

— Ким эди у?

— Билмайман... Ҳеч ким қидирмади... Менинг тўлқинларим уни қирғоққа олиб чиқди... Кейин иккита одам келди-да, уни қаёққадир олиб кетишди.

— Қаёққа?

— Билмайман... Мен сенга ўхшаб одамлар ортидан кузатолмайман! — дея кулди Денгиз.

– Бошланди! – деди бирданига Қуёш.

– Нима? – сўради Денгиз, бағрини кенг очиб.

– Одамлар келишди.

– Одамлар денгизга якка ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб келишди. Ечинишди, у ёқ- бу ёққа югуришди, думалашишди, бир-бирини қувишди, қучоқлашишди, овқат ейишди, у-бу нарсалар ичишди. Ҳар хил тошлар, чиғаноқларни теришди. Ўтинлар ва шох-шаббаларни ёқишди. Денгиз бўйида туриб, сувга тошларни отишди. Кейин Қуёш қиздира бошлагач, одамлар ёмғирпўшлари, ёки ўзлари ясаб олган чодирларга беркинишди. Ўшанда Қуёш уни кўрмади.

– Мен йўғимда ҳафталаб кутиб осмонга қараб, қачон чиқишимни кутишади... Менинг пайдо бўлишим шунга арзийдими, мен кўринишим билан улар ёмғирпўшлари, чодирлари ва бошқа жойларга беркинишади... Нега улар ўзларини бундай ножўя тутишади? – деди Қуёш.

– Сенингча, улар қандай йўл тутишлари керак? – сўради Денгиз.

Қуёш янада юқорига кўтарила бошлади. Бу баландликдан Қуёшга одамлар кичкина ва жуда майда мавжудотдек туюлди.

Атрофи айлангириб тош билан ўралган дала ҳовлидан бир чол чопиб чиқиб, ўзи билмаган ҳолда кўрқиб титради. Қўшни дала ҳовлига етиб келиб, худди ўқ еб яралангандек, дарвоза олдидаги харсанг тошга ўзини уриб қичқирди:

– Ҳой, одам бу ёққа кел, менинг ўғлим ўлим ёқасида!

Ҳовлидан кимдир чиқди ва келган одамга тасалли берди:

— Қўрқмагин!

— У ўлаётган бўлса, қўрқмай бўладими?!

Тасалли бераётган бу одам қаёққадир югуриб кетди-да, ўзи билан кўп одамларни бошлаб келди. Улардан уч нафари касал одамга қарагани кетишди.

— Врачлар келишди, — деди кимдир.

— Наҳотки?!

Уйда жимлик ва умидворлик ҳукм сурди.

— Биринчи етиб келган врач, қаерингиз оғрияпти, — дедию, бу саволидан ўзи ҳам уялиб кетди: чунки касал гапирадиган аҳволда эмасди...

— У анчадан бери шу аҳволдами? — қўрқиб кетган иккинчи ёш аёл врачдан сўради ва бу саволидан унинг ўзига ҳам ноқулай бўлди. Бемор кўп йиллардан бери касалликдан азият чекади...

— Ҳаво! — ингради касал.

Деразаларни очишди.

— Орқа эшикни ёпинглар! Елвизақда у шамоллаб қолади, — деди учинчи врач. Уни сўзламасликда айблашмасин деб шундай деди. У ҳам бемаврид гапирганидан ўзи уялди.

— Деразани, эшикни очинглар, деворларни бузинглар... Менга ҳаво беринглар!.. Нафас олишга қўйинг!.. Ёш хотини ва ишончли дўстининг елкасига осилиб олган бемор безовта бўларди, кўнгли айнирди, ўзини ҳар ёққа урарди, нима бўлса ҳам нафас олиши керак.

Отаси биринчи врачни бир чеккага олиб ўтди.

— Худо ҳаққи, айтинг-чи, унга нима бўлган ўзи?

— Аҳволи, албатта, жуда оғир агар вақтида чораларни кўрсак... — врач отани алдади.

— Сиз нима деб ўйлайсиз, доктор? — отаси бошқа врачга юзланди.

— Ҳм-м... Агар зудлик билан Москвага олиб борилса... — бу врач ҳам алдади.

— Бу қандай касаллик? Нима деб номланади, учинчи врачдан сўради отаси.

— Бу — ўлим! — оғзидан чиқиб кетди врачнинг.

— Қандай? Нима дедингиз? — ҳайратдан қотиб қолган отаси қайта сўради.

— Ўлим? — қайтарди врач.

— А... А дорилар? Ёрдам...

— Бу касалликнинг асосий дориси — ўлим.

Врач бош кийимини кийиб хонадан чиқди. Қолганлари касал билан уйда қолишди.

— Хўш, нима? Улар нима дейишди? Ёш аёл отасига юзланди.

— Ҳаммаси яхши бўлади, дейишди! — алдади отаси.

— У ерда нима воқеа бўлибди? Денгиз Қуёшдан сўради.

— Одам ўляпти.

— Қандай ўлади? Врачлар нима қилишяпти?

— Врачлар кетишди! — елкасини қисди Қуёш.

— Сен улар билан бирга бўлгин!

— Менга тўхташ мумкинмас?

— Улар билан бирга қолгин! — яна қайтарди Денгиз.

— Мен уларга нима қилиб бера оламан? Ҳаттоки уларни одамлар ҳам ташлаб кетишди!

— Одамлар!.. Одамлар бир-бирларини онда-сонда ва осонгина ташлаб кетишади... Сен уни қутқара оласан! Улар билан бирга бўлгин!

— Йўқ, қололмайман... Ёрдам беришим мумкин, эртага худди шу вақтда унинг олдига қайтаман...

Қуёш уйни тарк этди, айвон орқали юриб келди-да, шу билан йўқ бўлди.

— Кетяпсанми? — сўради Денгиз.

— Кетяпман, — жавоб берди, ҳеч қаёққа қарамасдан Қуёш.

— Севги — бу шунчаки одатга айланган яқинлик ҳисси, холос, бор-йўғи шу! — деди йигит ва чалқанча ётган қизнинг орқасини қизиган оқ тош билан тўсиб қўйди.

— Сиз шунақа ўйлайсизми? — сўради қиз кўзларини очмай туриб, салобатли ҳаракат ила чиройли қўллари билан тошларни отиб юборди.

— Етарли! Беш калория бор! Энди орқа томонингиз билан ётинг! — хириллаган товушда эълон қилди репродуктор.

Қиз бошқа томони билан чўзилди.

— Буни мен ўйлаганим йўқ, шундай бўлиши керак! — Ёш йигит қалтираган қўллари билан умуртқа ва бўйинларини тўлалигича силаб чиқди.

Қиз тезда чўкка тушди. Қора бўёқ юргизилган киприклари остида мовий кўзлари билан йигитчага нигоҳ ташлади.

— Оҳо, сиз анча тез ишларкансиз!

Йигит унинг қуёшда тобланган кўкракларига кўзи тушиши билан ҳаяжон босди.

— Мен? — сўзини йўқотиб қўйди.

— Ҳа, сиз! — қиз қайтарди ва Қуёшга қаради.

Ана шундай чалғитишларга қарамай, Қуёш ўзининг иссиқ қўллари билан қизнинг елкаси ва белларини сиқарди. У эса ҳиссиётларга берилиб безовта бўлди. Шунда Қуёш унинг қучиб олди. Қиз ҳаяжонланарди.

— Қўйвор уни! — бақирди Денгиз.

Қуёш кулди.

— Уни менга жўнатворгин! — деди Денгиз.

— Ма, олгин! — Қуёш қизни секин туртиб юборди. У Денгиз бағрига ўзини отди. Юзлаб кўзи очлар, кўзи ёниб турганлар уни кузатиб қўйишди.

— Ҳаҳ, мана бу ҳаёт! — маза қилганидан сўзлади қиз.

— Мана бу ҳаёт! — қайтарди Қуёш.

— Мана бу жойда ечингин, она қизим! Бу ерда одамлар кам...

Милиционер бош бармоғини қумга тикиб, пешонасида пайдо бўлган терларни артиб ташлади. Ёш руҳоний у ёқ-бу ёққа қаради, бошидаги сиёҳранг бахмал дўпписини ечиб, қум устига қўйди, кейин бўйнидаги оғир кумуш хочини ечди. Уни бахмал дўппи ёнига қўйиб қўйди, уларни оқ жубба билан ёпди.

— Синоп чўмилиш ҳавзасида қолсам бўларкан одам кўп эмасди, — деди руҳоний, хафа бўлиб пичинг билан.

— Денгиз бундай пайтларда дам олувчиларсиз бўлмайди! — жавоб берди милиционер. У ечина туриб раҳбарларни ҳақорат қила бошлади. «Ишинг йўқ бўлса, юрма: Попга ҳурмат кўрсатгин!»

Милиционер сувга шўнғиди.

— Илиқми? — сўради руҳоний.

— Қайноқ! Тушгин, отахон! Милиционер сувга шўнғишга тайёргарлик кўрди.

— Ҳой, бу ёққа келсанг-чи! — уни чақирди руҳоний. — Уларни бу ердан олиб ташла, негадир ўхшамаяпти... — У ўзининг жуббаси ёнига қўйилган милициянинг шапкаси ва тўппончасига кўз қири билан қараб турарди.

Милиционер сувдан хохламайгина чиқди. Ўйлай туриб, шапкасининг устига шимини ердан олиб қўйди, тўппончасининг устини эса гимнастёркаси билан ёпди.

— Шундай қилсам маъқулми сизга? — Сен нега уни ўзинг билан олиб юрибсан? — сувга шўнғишдан олдин сўради руҳоний.

— Мен нима қилишим керак, отахон? Сенда хоч, менда эса тўппонча. Менинг хочим — қуролим!

— Хоч бу шайтон! — руҳоний чўқинди-да тезда боши билан сувга шўнғиди. Бир дақиқадан кейин сувдан хурсанд бўлиб чиқди.

— Мана бу маза!

Бўйнида тилларанг хочи, қора соқол, елкалари ҳўл, узун сочлари қандайдир қочқинга ўхшарди. Милиционер бўлса қадди-қомати келишган, сочлари олинган, соқоллари қирилган, чиройли кўришишга эга эди.

— Отахон, қара, сенга қизлар қандай ҳавас билан қарашяпти!

Руҳоний қайрилиб қаради. Ундан бир неча қадам нарироқда бир гуруҳ қизлар бир-бирининг пинжига киришиб, чуғур-чуғур қилишарди. Бу билан улар ёш руҳонийни жиғига тегиб туришарди.

Улар мени монах деб ўйлашяптими?

Милиционер кулди.

— Қизчалар, бу қушчалар! Отахон улардан бири ҳозир ёнимизда бўлсайди, қани, а?

— Ҳм-м... Йўқ демасдим! — руҳоний кулди. «Зўр йигит экан, ярамас! Аҳмоқни, милицияга иш-лашини қара, уни нима мажбур қилдийкин?» — деб ўйлади-ю, ўзини сувга ташлади.

«Яхши йигит экан, ярамас! Бу аҳмоқни руҳоний бўлишга нима мажбур қилдйкин!» — ундан кейин ўйлади милиционер.

— Отахон, сенинг оиланг борми? Хотин, болалар? — деб сўради. Руҳонийга яқин сузиб келиб.

— Ҳозирча йўқ.

— Сен нима, тоза руҳмисан?

— Тоза руҳ дунёда фақат битта! — орқамачаси билан сув ичида ётиб жавоб берди руҳоний.

— Учта деб айтишди-ку! — кулди милиционер.

— Қандай қилиб учта бўлади?! — руҳоний сувда тезда қайрилди.

— Ҳа, шундай! Отаси, ўғли ва улуғ руҳ! — мағрур сўзлади милиционер.

— Бу шундай — учлик худоси, учтаси бир йигит юзида.

— Йўқ, бундай бўлмайди, отахон!

— Бўлади! Қуёшни кўраяпсанми? У ҳам учта бўлақдан иборат: доира, гардиш ва ёруғлик. Тушундингми? Учта бир-биридан ажралмайдиган бутун қисм. Тушундингми?

— Албатта! — милиционер кулди.

Руҳоний сувдан чиқди ва қизиган қумга чўзилди.

— Отахон, сенинг исминг нима? — бирданига сўраб қолди милиционер.

— Нодар. — Руҳоний тошчаларни қўлига олиб кафтида ўйнатди. Кейин эса Денгизга отиб юборди.

Милиционер отилиб чиқди.

— Сенга нима бўлди? — деб сўради руҳоний.

— Мен ўйлагандимки сен Онуфрий ёки Лука яна бошқа шунга ўхшаш... Камистратми? Сен эса Нодар экансан! — У думалаб кулди.

Хахолаб кулаётган милиционерга қарагин, руҳоний кулди. Кейин ўрнидан туриб, унинг елкасига қоқиб қўйди:

– Ҳай, майли кийингин!

– Йўқ, ҳали бироз турамиз. Отахон!

– Ҳа, жон-жон деб қолардим-у, яқинда конференция бошланади... – Руҳоний кийина бошлади. Йўлнинг қайрилишидан қора «Волга» кўринди. – Мана кўряпсанми, машина ҳам келиб қолди!

– Яна бироз турайлик отахон!

– Сенга айтяпманку, эрталабгача қолишга жон-жон деб рози бўлардим. Бироқ конференцияда маърузам бор!..

Юр, кетдик! Руҳоний оқ жуббасини кийиб олиб, бўйнига хочини осиб милиционер ёнида турарди. Бу негадир қамоқдагиларни эслатди.

– Шундай қиздиряптики, хаҳ ярамас! – но-рози бўлди милиционер.

– Ҳой бола, сен қуёшни ҳақорат қиляпсанми?

– Ҳойнаҳой, ой ҳақида бўлмаса керак!

– Ҳозироқ тавба қилгин! Тавба қилгин ва Худодан кечирим сўра! – буйруқ берди руҳоний.

Милиционер ҳайрон бўлиб унга қаради. «У мени ким деб ўйлаяпти?» – шапкасини тўғрилай туриб, милиционер ўйлади. Руҳоний ўзининг хатосини тушунди ва мурасага келиш учун шундай деди:

– Ёруғликдан нолиш керак эмас... У қуёшли туннинг доимий образи.

– Бу яна нимаси – қуёшли тун?

Руҳоний қотиб қолди.

– Вой Худо! Кечир унинг гуноҳларини кечир, у ақлсизлиги туфайли нима деяётганини ўзи ҳам билмайди!

— Йўқ, жиддий айтаяпман отахон, қуёшли тун нима дегани?

— Вой, Худо.

— Қандай қилиб — у ҳам қуёш, ҳам тун бўла олади?

— Ҳа. Қуёш бор. Унинг ёруғлиги шунчалик ёрқинки, ундан инсонларнинг кўзи қоронғилашади.

— Шунинг учун тун.

Милиционер рози бўлмай кулди.

— Қуёшга қарагин! — буйруқ берди руҳоний.

Милиционер бошини кўтариб бир дақиқа ёруғлик — қуёшнинг доирасига қараб турди. Чидаёлмади, кўзларини қисди.

— Қандай бўлди? Қарагин, қарагин!

— Йўқ, қараёлмайман, отахон!

— Сен ўзингни мажбурлагин!

Милиционер тан берди. Қуёшнинг ўткир нурлари худди печкадек унинг кўзларини ачиштирган бўлса-да, милиционер бунга чидади.

— Хўш, қандай рангда экан? — руҳоний сўради.

— Тилларанг.

— Яхшимас, қарагин!

Бир дақиқадан кейин оғриқ кучлилигига чи-долмаган милиционер кўзини қўли билан беркитди. Юзини ёпди ва бақирди:

— Қоронғилашди! Отахон, қуёш қоронғилашди!

Руҳоний индамасдан машинаси томон йўналди...

— Эшитяпсанми? — сўради Денгиз.

— Ҳа, эшитяпман! — жавоб берди Қуёш.

— Шу тўғрими?

— Аҳмоқлик! Инсон мени тўсишга қодирми?

– Сен уни аладинг-ку! – кулди Денгиз.

– Нотўғри! Бунақа ёлғонларга мен ҳеч қачон аралашганим йўқ. У менгача ҳам маълум эди. Мен эмас, у ўзини Инсонман дея ўйлаб келарди.

Мен уни кўрмайман, ким у, қачон ва қаердан бунёд бўлган!

– Дельфин, Дельфин! Мен Чайкаман! Вертолётдан сейнерга шундай радиограмма юборишди, сизлардан ўнг томонда катта бир тўда бор.

– Мен Дельфинман. Сизни тушундим! – сейнердан жавоб келди. Шу пайтда сувга катта қармоқ туша бошлади. Мовий денгиз саҳнида оқ кўпиклар мавжланди.

– Узоқроқ кетинг, ортингиздан одамлар қувлашяпти! – деб огоҳлантирди Денгиз балиқ тўдасини улар ўз йўналишини ўзгартирди.

– Дельфин! Тўда чапга қараб кетяпти! Йўналишни қуёшга қарама-қарши олинглари! Қуёшга қарши йўналиш! – балиқ овловчилар вертолётдан огоҳлантиришди.

Сайнер қайтиб тўла-тўкис тўданинг йўлини кесиб қуёшга қарама-қарши кела бошлади.

– Пастроққа тушинг! Чуқурроқ! – дея Денгиз чақирди, бироқ кеч эди. Тўда тўрнинг ичига тушиб бўлганди.

– Табриклаймиз! – вертолётдан жўнатишди.

– Раҳмат! – сайнердан жавоб беришди.

– Тугади! – Денгизнинг овози келди.

Тўрни кўтаришди, балиқларнинг бир-бирининг устига қалашиб ётганидан Денгиз қонга бўялди. Бандаргоҳда, очиққан чағалайларнинг чийиллаши эшитилди. Қирғоққа балиқ ишқибозлари югуриб келишди.

Қуёш олтинранг қўли билан бир ҳовуч балиқни олди ва олтин тангачаларини ялтиратиб кема саҳнига сочиб юборди.

— Ҳа, Худонинг ҳар куни шундай! — дея Қуёш Дунгизга шикоят қилди сувга қонга беланган қўлларини ботириб.

— Худонинг ҳар куни! — Денгиз чуқур нафас олди.

Соат бир ва тўрт оралиғида Денгиз қирғоқларида одамлар зим-зиё йўқ бўлишди. Кейин улар яна ўз уйчаларидан чиқишиб, эрталаб соат олтидан биргача нима билан шуғулланишган бўлишса, яна шу иш билан машғул бўлишди.

Қуёш ҳар жой-ҳар жойлардаги булутлардан бир-бир кўриниш бериб, дунёга қия кўз билан назар ташлади.

Кечқурун Қуёш ботаётган тинч пайтда, Денгиз секин деди:

— Сен эрталаб қирғоққа чиқариб ташлаган одам вафот этди...

— Қандай тарзда йўқ бўлди? — Қуёш хиралашди.

— Йўқ. Одамлар йўқолмайди ва батамом тугамайди.

— Ундан нима қолди?

— Бахтсиз ота ва бахтсиз хотин.

— Бошқа ҳеч нарса йўқми?

— Тугалланмаган эскизлар қолди, холос. Кичкина, тугалланмаган эскиз...

— Кимнинг танаси.

— Билмадим. Унинг боши йўқ...

— У қандай кўринади?

– Унинг узун танаси, тик қомаги, юқорига қаратилган чиройли қўллари бор. У қўшиқ айтади, ўйинга тушади, сувда сузади, учишга тайёрланади, ёки кимнидир қучишни хоҳлайди, билмадим... Балки кимнингдир олдига боришга шошилаётгандир ёки кимдандир қочаётгандир, билолмадим...

– У қандай тана?

– Бу ҳақда ҳеч ким билмайди. У Одам ўзи ҳақидаги фикрларни бирга олиб кетди.

– Одамлар ўзлари нима хоҳлашаётганини билишмайди, – деди Қуёш.

– Бундай демагин? – эътироз билдирди Денгиз.

– Ўлими олдидан у нима деди? – сўради Қуёш.

– Ҳаво ҳақида? – жавоб берди Денгиз.

– Нима бўпти?

– Кейинчи.

– Нима бўпти?

– Етишмайди!

– Ҳаво етишмайди? – ҳайрон бўлди Қуёш.

– Етишмабди! – хўрсинди Денгиз.

Қуёш индамасдан булут ортига беркинди.

Денгиз секин чайқалди.

Қуёш уйқуга кетишдан олдин Ерга яна бир қараб қўйди. У кун ботишини кутаётган бир тўда одамларнинг эркак ё аёл эканлигини ажратиш учун жуда пастда турарди. Одамлар бир-бирига ўхшайди. Улар қумда ётишибди. Уларнинг иссиқ баданларидан енгил буғ кўтарилиб турарди.

Шунда Қуёш ўзининг олтин қўллари чўзиб, қирғоқда ётган тўнкага яқинлашиб Денгиздан сўради.

Сен ҳозир уни олиб кетдингми ёки мен уни шу пайтгача кўрмай қолдимми?

Бу тўнка кейинги беш йилда Денгизга шу қадар ёпишиб олгандики, ҳатто умуман эътиборни тортмасди.

– Бу тўнка эмас, Қуёш, бу Одам!

– Сўрагин у бу ерда нима иш қиляпти?

– АрзимаЙди... Менинг ҳар бир саволимга у нимадир сўрайди... Унинг орзусининг чеки-чега-раси йўқ...

– У нимани сўрайди?

– У мендан қачонлардир ҳаво яхши бўлишини сўраганди. Кейин ўтин, балиқ, қум, туз сўради. Сўнгра ерни... Мана ўттиз уч йилдан бери ўғлини қайтариб беришимни сўраяпти. Мен уни қаердан топаман?!

– Сен уни бу Одамдан олиб қўйган бўлсанг, унда уни қайтаришинг керак!

– Йўқ менмас! Унинг ўғлини бошқалар олиб қўйишувди, бироқ айбни менга тўнкашди!

– Айтгин унга – мен у билан гаплашмоқчиман.

– Одам! – Денгиз хўл қўллари билан унинг яланг оёқларига тегинди.

– Сен билан Қуёш гаплашмоқчи!

Одам жим турди.

– Сен – Одам, мени эшитяпсанми? Мен Қуёшман, мен сен билан гаплашмоқчиман!

– Сўйлагин. Мен сени эшитаман! – кўзларининг қири билан Ёруғликка қараб жавоб берди Одам.

– Менинг тилимга тушуняпсанми?

Сенинг ҳам, Денгизнинг ҳам тили тушунарли.

– Унда нега унинг сўзларига жавоб бермайсан?

Ёшлигимда нима хоҳлашимнинг барчасини унга айтиб берганман... Ҳозир эса ундан ўтиниб сўрайдиганим – ўғлимни қайтарсин!

– Сен иложи йўқ нарсани сўраяпсан?

– Мен раҳмдиллик қилиб сўраяпман, мен ўз ўғлимни талаб қилаяпман!

– Сен мағрурсан, Одам! – деди Қуёш.

– Ҳа! Мағрур ва енгилмасман! – жавоб берди Одам.

– Сен нимага қодирсан?

– Сен-чи!

– Ҳамма нарсага! Мен денгизларни қури-тишга, чўлларни ёндиришга, ўрмонларни чўлга айлантиришга, ҳаётни тўхтатишга...

– Яна нимага? – кулди Одам.

– Яна! Ўйлагин!

Қуёшдан бирданига қизартирилган гултувак, кейин ағдарилган кўза, сўнгра қўзиқорин, ундан кейин қуён, бўри, фил, йўлбарс, арслон каби-лар ҳосил бўлди, яна бир зумда Қуёш подшолар тожи сиймосига кириб қолди. Ниҳоят Қуёш яна ўз ҳолига қайтди.

– Мен яқинда кетаман, дунё зимистонга ай-ланади. Билиб қўйгин, Бўтам – қоронғилик ҳам менман! Мен бу ҳамма нарсаман! – деди-ю Қуёш чарчаб осмоннинг бир четига бош қўйди.

Инсон кулди.

– Сен нега куляпсан? – сўради Қуёш.

– Барча нарса менман! – жавоб берди у.

– Ҳа? Буни нима билан исботлайсан?

– Мен кулсам, сен шу заҳотиёқ йўқ бўласан, Қуёш! Мен борлигим учун сен борсан. Менинг битта ҳаракатим билан йўқ бўласан. – Одам қўли билан юзини беркитди. Тамом! Мана, йўқсан!

– Сен, Одам, сурбетсан. – Мен ҳали ҳам-масини айтганимча йўқ. Мен сени майда-майда бўлакларга бўлиб ташлашим мумкин! Ана шун-

дай! — Одам кўрсаткич бармоғини юқорига кўтарди. Бирданига Қуёш ўзини сездик, Одам кўзи олдида кичик-кичик милтилаб турган парчаларга бўлиниб кетди. Қуёшнинг ҳам нафаси сиқилди.

— Қўйвор мени, Одам! — ялинди Қуёш.

Одам юзидан қўлини олди.

Қуёш кўкрагини тўлдириб нафас олди.

— Мен сенга нима дегандим? Одам бу — энг қудратлиси, сен унга хизмат қиласан. Сен ҳозир мендан кетасан, менинг укам — Одамга борасан, эртага бу ерга менга хизмат қилиш учун етиб келасан.

— Агар қайтиб келмасам-чи? — сўради Қуёш, унинг ўзига ишончи йўқ эди.

— Қайтиб келасан! Соат олтида келасан ва кун бўйи менинг хизматимда бўласан!

— Эй, сен эшитаяпсанми? — таҳқирланган Қуёш Денгизга мурожаат қилди.

— Эшитаяпман! — Денгиз ўрнига Одам жавоб берди.

Мудраётган Денгиз ҳаммасини эшитаяпти.

Қуёш чегарасидан чиқди. Одамга қасдма-қасд ҳаммасини қайтаришга тайёр эди. Аммо Вақт — олий ҳакам. Уни қайтариб ҳам ҳеч нарса қилиб бўлмайди. — У ўз ҳукмини ўтказади. Қуёшнинг ярми сувга яширинганди.

Шунда Ёруғлик шошилиб ўз фикрини айтди:

— Одам ! Бу ҳаётда унинг ўрни белгилаб берилган. Сигир ўт ейишни ва ерда юришни билади; дельфин унинг яшаши жойи денгиз, овқати балиқ эканлигини, қушлар осмонда учишни ва дарахтларда яшашни, судралувчилар қорни билан юриб, инларига яшириниши билади. Сен бир ўзининг

нимангга кериласан?! У ёқ-бу ёққа юрасан, дарбадар кезасан, ўзингга жой тополмайсан, тиним билмайсан! Тинчлан, Одам! Қуруқликда, сувда ёки ҳавода яшайсанми! Қандай махлуқсан, Одам! Сен қаердан пайдо бўлдинг?! Нимани хоҳлайсан?! Нимага интиляпсан?!

Одам Қуёшнинг бу сўзларини эшитмади, у уфққа деярли кириб бўлганди.

Ёруғлик бўшаб қолган қирғоққа кўзининг бир учи билан охирги марта нигоҳ ташлади.

Одам билан ёнма-ён унинг сафида Инсонга ўхшаган — Одамча турарди.

— Сен ким билан, бобо? — сўради Одамча.

— Ўзим билан, неварам! — жавоб берди Одам.

— Бобо, қарагин! Қуёш яшил рангда товланяпти!

— «Ҳа Қуёшнинг яшил ранги бахт белгисидир...» — халқда шундай мақол бор! — деди Одам ва Одамчанинг бошини майин силаб қўйди.

Қуёш яширинган жойда яна бир неча лаҳза яшил нурлар таралиб турди.

Бироқ уни боладан бошқа ҳеч ким англаб етмади...

Эртаси куни роппа роса тонгги олтида Қуёш Эрцаху тоғининг олтин тожи бўлиб чор атрофга заррин нурларини сочди.





ҚОНДОШЛИК

Жўка дарахтининг остида бошини қуйи эгганча бузоқчаларнинг арқонини ушлаб ялтирбош болакай ўтирибди. Ғамгин кўзлари билан ўзининг лой-балчиқ чапланган яланг оёқларига синчиклаб разм солганча ўйга чўмди: «Бу чол отамга шундай қуйиб қуйгандек, ўхшайдики! Оқарган оппоқ сочлари... Қоп-қора қошлари... Кенг бурни... Чиройли кўзлари... Овозиям майин, ёқимли... Агар кўзимни юмсам, отам эканлигини тасаввур қилиш ҳеч ҳам қийинмас!..»

Болакай қимтинибгина бир чеккада турди.

— Мен шунинг учун сизни безовта қилдим, ҳурматли, Кишварди!.. Булар билан курашишга менинг бошқа кучим қолмади! Ярамаслардан бутунлай қўлимни ювиб қўлтиғимга урдим!.. Ҳамма болалар бир гўр — китобга яқин йўламайди, буям шундай. Кечасию кундузи мана шу бузоқлари билан бирга.

Учинчи санада нима қилганини биласизми? Господзедаги маҳалла қудуғига катта тарвузни улоқтирибди! Тарвуз эса қудуқнинг ичида ёрилиб кетибди, мана деярли икки ҳафтадан бери, ҳар иккала хонадон сув ўрнига шарбат ичяпмиз!..

— Э худойим-эй. Шунақами, ўғлим?! Безовта бўлманг, азизам Юлия! Мен уни Гурияга

олиб кетаман-да, чинорнинг учига оёғидан осиб қўяман. Ана шунда мушукдай ювош бўлиб қолади!

— Сиз уни у ерга нимага осингизни билмадим-у, мен шуни сизга айтдим, қўйдим-да: яна хаёлимга бир гап келди. Онасининг жуда бахти кулган экан — бу ярамасни кўрмай ўтиб кетди. Айтгандай, унинг отасининг ҳам бахти кулган...

— Азизам Юлия, сиз нима деб ўйлайсиз, уни эплай олармикансиз? Билмадим, ҳеч балони билмайман... Ўзингиз ўйлаб кўринг: яқинда уни тегирмонга бергандим... Саралаб қўйилган маккажўхорини ўғирлаб гумдон қилган. Қўлида беш фунт ун билан қайтиб келди. Қолган нарсаларни Валико Кухалашвилининг саёқ арзандарига бўлиб берган, менимча. «Бола-чақам кўп, оч-наҳор ўтирибди» — деб зорланарди бечора. Эҳ, тавба-эй! Э худойим-эй! Шунақами, ўғлим?!

— Бу ҳали ҳолваси! Аввалги куни Кукури Угулава деган бетайин ўртоғи билан ўзларининг география фани ўқитувчиси Датико Свеваниннинг боғига ўғирликка тушган. Ўйлаганиям қўрқиб кетасан киши!.. Шафтолини теришганда уни олиб бориб товукқа алмаштиришган. Вой, худойим-эй!

Ана шунақа! Шундайми, ўғлим?!

— Ҳа, бунча «шунақами», «шунақами?» деб такрорлаб қолдингиз! Мени алдаяпти деб ўйлаяпсизми?

— Нега энди, нега энди, азизам Юлия! Наҳотки, уни бу йўлдан қайтариб бўлмаса? Наҳотки, дийдаси қотиб кетган бўлса-я?!

— Йўқ, нималар деяпсиз... Уни қутқаришнинг йўли бор, бироқ бунга менинг кучим етмайди... Бунинг учун эркак кишининг қаттиқ қўли керак. Бундан ташқари, зиммамда улардан яна иккитаси

бор — Зураб ва Вахтанг, Колигинамнинг болалари. Улар нисбатан тузукроқ.

— Ҳимм... Нима десам экан, азизам, Юлия, Уларнинг ота-оналари тириклигида мени яқинига ҳам йўллантишмасди... Мен унга бегонаман, тушуняпсизми, бегона!.. Бундай деманг, ҳурматли Кишварди! У нима қилсаям ўғил бола, эркак билан қандай тил топишишни яхши билади... Қолаверса, у авлодингиз давомчиси... Ҳа, албатта, худди шундай... Азизам Юлия унинг ўқишлари қанақа, ўзи?

— Ҳимм!.. Ўз ўқитувчисининг боғидан шафтоли ўғирлаган, «Декамерон» номли болалар ўқиши мумкин бўлмаган китоб учун бувисининг кумуш қошиқларини сотиб юборган боланинг ўқиши ҳақида нима ҳам дейиш мумкин! Худо ҳаққи, бир ўйлаб кўринг-чи, ҳурматли Кишварди.

— Шунақами, ўғлим?! Бўлди етади. Қарорим қатъий! Уни Гурияга олиб бориб, чинорнинг учи-га оёғидан осиб қўяман!

— Буни қаранг, биз унинг ташвишини чекаётибмиз, у эса пинагини ҳам бузмайди-я! Кимга гапиряпсан ҳам демайди!

— Бола эса жўка дарахтининг остида кўзларини юмиб ўтирар ва ўйларди: «Бечора бувим Юлия чарчаб кетди... Илгари қандай чиройли овози бор эди, ҳозир эса жуда қаҳрли!.. Балки бу менга шундай туюлаётгандир. Бу киши бобонгларми — дерди шундай бемалол ва ёқимли оҳангда... Ҳа, кўриниб турибди, у чарчаган... Аҳ, у мени шу бобом олдига юбормасинда, бундан кейин уни ҳеч қачон хафа қилмайман!.. Нима бўлганда ҳам жўнатмасинда... Нима бўлса ҳам жўнатмасин...»

— Ота-онаси йўқ азизам, Юлия... Уни жазолаш ярамайди. Меҳр ҳам керак...

– Етимдан етимнинг фарқи бор. Беш қўл ба-
равар эмас. Меҳрибонликда у кўп нарсани тушу-
нади! Меҳрибонлик...

– Шу тўғрими, ўғлим?! Уни қандай қилиб Гу-
рияга олиб бораман, қандай оёғидан осаман... Бо-
лани қачон олиб кетиш керак, азизам, Юлия?

– Хоҳласангиз ҳозироқ олиб кетинг! Боланинг
нарсаларини йиғиштириб жўнатиш қийин эмас?

– Қандай қилиб... Ҳеч нарсаси йўқ-ку...

– Ўтган йили ҳам уни Авчаладан худди шун-
дай ҳолатда олиб келгандим, ҳурматли Кишвар-
ди... Балки тузукроқ кийим-бош олиб берарсиз.

– Бечорагина болам!

– Йўлга чиқишдан олдин у-бу нарса еб ола-
сизларми, ҳурматли Кишварди...

– Ҳа, йўқ, безовта бўлманг, азизам Юлия...
Самтредиада худди уйдагидек овқат беришади, у
-бу нарсалар еб олармиз.

– Ихтиёрларингиз... Оқ йўл сизларга... Ҳа,
сизларни Худо ёрлақасин!..

– Мана болани, ўзингиз билан олиб кетинг,
ҳурматли Кишварди!

– Нима бу?

– Боланинг ҳужжатлари... Сентябрь ойида бо-
лани мактабга берсангиз, керак бўлиб қолар... У
тўртинчи синфга ўтди... Маълумотномасида хато
қилиб Ломжария Нодари ўрнига Ломжария На-
дири¹ деб ёзиб қўйишган. Менимча, бу хато эмас,
ўзи шунақа бўлади.

– Тўғрими, йигит? Начора уни Гурияга олиб
кетаман, у ерда чинор дарахтининг тепасига
оёғидан осаман...

¹ Сўз ўйини: Нодари эркакча исм Надири – вазоҳатли дегани.

— Осасизми, нима қилсангиз ўзингиз биласиз, менинг кўзимга кўринмаса бўлгани!

— Оёғидан, оёғидан осаман!

— Худо сизга мададкор бўлсин!

— Мен уни бундай қаттиқ қийнасам тошлар ҳам эриб кетмайдими!

— Ҳурматли Кишварди, хўп, хайр!

— Сизга яхшиликлар ёр бўлсин, азизам Юлия!

1938 йилнинг август ойида Хони деган жойда Нодар Ломжариянинг имперетинлик буви-си — онасининг онаси, Юлия Микеладзе ва унинг гуриялик бобоси, яъни отасининг отаси ҳурматли Кишварди Ломжариялар ўртасида болани бир-бирларига топшириш тадбири бўлиб ўтди.

Бир соат ўтгач, аниқроғи 1928 йилнинг 14 июль куни Тбилисида ишчи оиласида дунёга келган болакай қизиган, чанг кўчадан бобосининг ортидан, ипга боғланган бузоқчадек имиллаб борарди.

Бобо билан невараси Хонидан Кулашгача фойтунда, у ердан Самтредиагача кўп ўринли узун аравада етиб олишди. Кейин тамади ҳам қилмасдан Чохатауридан ўтадиган чой фабрикасининг юк машинасига чиқишди. Ундан кейин Интабуети қишлоғигача пиёда кетдилар.

Бобоси олдинда, невараси орқада. Бобо кексаларга хос хаста товушда йўталди, ихради. Рўпарадан келаётган йўловчига кўзи тушиб, жим бўлиб қолди. Бошини эгиб, саломлашди-да, сўнг яна ихрашни бошлади. Баъзи-баъзида худди қари от орқада қолиб кетаётган тойчоғига яккаю ягона зурриётини йўқотиб қўйишдан қўрқиб қарагандек болакайга қайрилиб қўярди.

Бола йўлида индамай кета туриб ўйлади: «Мана, кекса, мункиллаб қолган қария бошининг ичига кириб кетган шляпаси... Мана шу кекса чол — менинг бобом. Отамнинг отаси... Бобом!.. Унинг ортидан бундай қийинчилик билан юришга мени нима мажбур қилдйкин? Нима учун мени жазолашяпти, худди қулга ўхшаб бундай чанг йўлдан кетиб бораяпман? Йўлдан икки қадам четга чиқсам тамом, вассалом тўрт томоним қибла!.. Бир пасда ғойиб бўламан! Йўқ ундай қилолмайман! Қандайдир куч мени орқага бобом томонга тортади — бошқа ҳеч қандай чегара йўқ! Бу қандай куч? Нима учун мен оч-наҳор, чарчаган, иссиқдан ҳолсизланган, чанқаганни баҳона қилиб йўлдан қайтишга ҳаққим йўқ? Нимага? Бу кучнинг номи нима?»

— Неварам нима ҳақида ўйлаяпсан? — кутилмаганда қайрилиб беҳосдан бобом мендан сўраб қолди?

— Ҳеч нарса ҳақида! — ўйламасдан шошилиб жавоб берди болакай. У бошқача саволни кутганди бироқ бундай бўлмади.

Чол йўлнинг чеккасига чиқиб, ўтириб олди. Дам олгандан кейин диққат билан болага қарадида, бармоқларини эгиб санашга тушди: 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38.

— Неварам, сен йигирма саккизинчида туфилгансан. Ҳозир бизда ўттиз саккиз. Демак, сен ўн бирга қараб кетдинг... Кап-катта йигит бўлиб қолдинг... Қандай қилиб сен ҳеч нарса ҳақида ўйламаслигинг мумкин? Ёки бобонгдан яширяпсанми, а?

— Э, йўқ, бобо ҳеч нарса ҳақида ўйлаганим йўқ! — дея бола алдади.

— Энди ўйлашнинг ҳам вақти келди, неварам, ҳа!.. Чолнинг йўтали тутди ва инқиллаб ўрнидан зўрға турди. Шу алпозда йўлни давом эттирди. Бола эса унинг орқасидан арқонга боғланган бузоқчадек эргашди. Бобо-невара шу тарзда йўлда кетиб боришарди...

* * *

Қуёшнинг иссиқ тафтидан куйган, сочлари ўсган болакай чинор дарахти тагида ўз тақдирини кутиб ётарди. Маъюс кўзлари билан ҳар хил хас-хашак, тиканлар ёпишиб қолган яланғоч оёқларига қараб туриб ўзича ўйлади: «У бир йил ичида қанчалик қариб, букчайиб қолибди! Юзларида ажинлар кўпайибди. Овози қандайдир ҳазин. У нима бўлганда ҳам ёш, чиройли, ёқимли, мафтункор кўзлари, юмшоқ қалб, сочлари ва юришлари менинг онамга ўхшаб кетади. Агар кўзимни юмиб турсам, худди онам деб тасаввур қилиш мумкин!»

Болакай бу жойда бегонасираб турди. Шу билан бирга, қўрқиб ҳам кетди.

Ҳурматли Кишварди, мен тинчимни йўқотдим! Унинг онасининг руҳи ўнгимда ҳам, тушимда ҳам намоён бўляпти... Унинг овози мени таъқиб қиляпти... Сиз уни олиб кетганингиздан бери қўлларимни совуқ сувга ҳам ургим келмайди, гўёки юрагим юлиб олингандекман. Менинг боламни қайтариб беринг, ҳурматли Кишварди!..

— Ҳм-м... Ў азизам, уни сиздан олган вақтимда у бола эди. Энди у катта йигит, ҳамма нарсани ўзи ҳал қилади. Агар сиз билан кетишни хоҳласа мен ҳам ҳеч қандай қаршилик қилмайман.

– У мендан хафа... Уни мен билан қайтишга кўндирга оладиган ягона одам сизсиз, ҳурматли Кишварди. Фақат сиз уддасидан чиқа оласиз. Сиз ақлли инсонсиз...

– Азизам Юлия, сизда бунақалардан яна иккитаси бор-ку... Ҳеч бўлмаса биттасини менга қолдиринг!

– Ҳа, гап фақат сондами? Ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи бошқа. У менинг набирам, ҳурматли Кишварди!

– Шундайку-я... Лекин мен нима қилишим керак? Ахир ўлганимдан кейин Ломжария авлодини давом эттирадиган ягона меросхўрим у...

– Мен унинг фамилиясини ўзгартирмайман! Майли у иккаласининг ҳам фамилияси Ломжария бўла қолсин. Бироқ болани менга қайтаринг?

– Азизам Юлия, сиз уни мендан олиб кетишга келдингизми?!

– Нариги дунёга гуноҳ билан кетишимга йўл қўйманг, илтимос! У ерда онасининг юзига қандай қарайман?!

– Эҳ, азизам Юлия, Худо билади нариги дунёга қай биримиз олдинроқ кетамиз. Агар сизлардан олдинроқ борсам, онаси ва отасининг юзига қайси кўз билан боқаман?

– Худойим умрингизни узоқ қилсин, ҳурматли Кишварди!

– Боғим, узумзорим, тегирмоним, қабрим ва қабримдаги ёзувим ҳам шу боланики. Уриб ўлдирсангиз ҳам болани сизга бермайман!

– Бўлмаса ўзимни ўлдираман! Ҳозирнинг ўзидаёқ кўз олдингизда!

– Вой, Худо, азизам Юлия, сиз нималар деясиз!.. Ўғлим, бувинг билан кетасанми?

— Ҳа, у буни тан оляптими? У сиздан уял-
япти!

— Тўғрими, болам?

— Унга онасининг меҳри керак, ҳурматли
Кишварди! Кийимларини ювадиган, дазмоллайди-
ган, овқатини тайёрлаб берадиган, меҳрибонлик
кўрсатадиган, бошини силайдиган инсон керак.
Сиз унинг ўрнини боса оласизми?

— Нималар деяпсиз... Худога шукур шу пайт-
гача мен у билан ёмон яшамадим... Сизни бирон
марта бўлса-да, ёрдамга чақирганим йўқ-ку...

— Ҳурматли Кишварди, сиз билан баҳслаш-
майман! Лекин шундай бўлса-да, ухлашдан олдин
оёғини ювиб қўйиш, мактабга унинг ортидан бо-
риш — бу ишларни қойиллатиб бажараман. Бу
ишлар эркакларга асло ярашмайди!..

— Бизнинг мактабда ҳам уни ҳеч ким хафа
қилгани йўқ... Ҳа, сизнинг мактабингизда уни
ёмон хулқли бола дейишади. Сиз буни қўллаб-
қувватладингиз... У ҳеч ҳам сизлар ўйлаганчалик
ёмон бола эмас...

— Нима учун ўшанда менинг тилим узилиб
тушмади, экан-а!

— Сиз ўйламанг, у тарбияли болага айланиб
қолди деб, шафтолиларни ўғирлашни ҳам ташла-
гани йўқ!

— Худо сизга соғлик берсин!

— Ё энди ун улашишни ҳам тўхтатди, деб
ўйлайсизми?

— Э, униям бошидан қолсин. Менинг ҳамма
нарсам шуники! Ҳаммасини ёндириб юбормай-
дими, мен бунга қаршимасман?

— Чекмайдими, ярамас!

— Бу ундай беақл боламас.

– Сиз, мана мендан сўранг? Тамаки халтам-
ниям, ҳамёнимниям шип-шийдам қилди.

– Хўп, майли, чекса, чекар бу унинг иши!

– Ўзингиз айтдингиз-ку, кап-катта йигит деб.

– Яна бир ой сабр қилинг. Ипак қурти тутта-
ним учун мукофот пули оламан, шунда уни яхши-
лаб кийинтираман... У шундай афтодаҳол, ярим-
йиртиқ бир аҳволда сизнинг олдингизга кетмайди!

– Сиз фақат жавоб беринг. Кийим, пойабзал
олиб бериш бу менинг ишим! Ўзимникини ечиб
бўлса-да, уни кийинтиришга тайёрман!

– Ҳимм, сизнинг кийимингиз ўзи унга роса
лойиқ тушади-да, ўзиям?

– Албатта, сизга ҳазил, ўйин-кулги бўлса.
Менинг юрагим қон бўлиб кетяпти!

– Азизам Юлия, мен сизга айтдим: у катта
йигит бўлиб қолган буни ўзи ҳал қилсин!

– Сиз унинг учун авлиё даражасидасиз,
сизнинг ҳар бир сўзингиз унга қонундай гап...
Ҳурматли Кишварди, айтинг унга!..

– Худодан қўрқинг, ахир, азизам Юлия! Ахир
қандай қилиб ўз жигарбандимга, томирида қони
оқиб турган болага уйимдан кет деб айтаман. У
менинг авлодим ва қондошим бўлса?!

– Нима мен унга бегонаманми? Ахир у ме-
нинг ҳам жигарбандим ва қондошим эмасми?..
Худо билади, менинг яшашимга бир йил қолдими-
йўқми. Ўтинаман сиздан, ажалимдан олдин мени
ўлдирманг, болани менга инъом қилинг!

– Азизам, Юлия...

– Олдингизда тиз чўкаман!..

– Нималар қиялсиз! Туринг ўрнингиздан.
Худо хайрингизни берсин!.. Майли сиз айтгандай
бўла қолсин!..

— Э қодир худойим, унга бахт ва қувонч бергин!

— Энди менинг ортиқ бахт ва шодлигим қолмади...

— Худо шоҳид...

— Бувинг билан кетгин, неварам!..

Ушбу суҳбат боланинг гурийлик бобоси ва имперетинлик бувиси билан уни бобоси олиб кетгандан кейин роппа-роса бир йилдан сўнг содир бўлди. Лекин бу галги жараён олди-берди маросими эмас. Бу юраги жўшиб турган икки қоннинг тўқнашуви ва иккала юракнинг қонли нидоси эди. Бу икки меҳр ўтининг кураши сабаб боланинг юраги шиддат билан тепа бошлади, томоғига аланарса тиқилгандай бўлди. Танасини совуқ тер босди, титроқ бутун вужудини ловуллаптиб юборди. Қандайдир кўринмас бир куч уни бувисига тортса, қайсидир бир ҳиссиёт эса бобосига тортарди. Бола бир неча маротаба шундай оғриқни ҳис этди — гўё унинг вужуди қайноқ сув ичида қолди. Бобоси билан бувиси ўртасида кечган қизғин, шиддатли баҳс тугамагунча болани қандайдир қўрқув, тушунтириб бўлмайдиган кутиш ва ҳаяжон ҳисси тарк этмасди.

Бувиси ўрнидан туриб болага яқин келиб уни қучоғига олди.

— Болагинамдан ёдгорим, қувончим, чироғимни ёқувчимсан, юр мен билан, менга иккита ҳаётни бахш эт, болажоним!..

Бувиси йиғлади, унинг кўзларидан оққан иссиқ кўз ёш томчилари боланинг бошига тушди. Ўпкасини бўшатиб олгандан сўнг у секин болани ўз бағрига олди. Бироқ бола жойидан қимирламасдан турарди, худди темир қозикдай,

томирлари қотган, дарахтга ўхшарди, илдизи ер қаърига чуқур кириб кетгандек эди, гўё.

— Боргин неварам, бор ўзингнинг кекса бувинг билан... Дийдорингга тўйиб бўлгандан кейин яна ўзимга қайтиб келасан... Бу вақт ичида мен сенсиз зерикиб қоламан... Сен нима деб ўйлагандинг? Бировга севимли невара бўлиш осон деб ўйловмидинг! Оғир, оғир невара бўлиш, айниқса, кексайиб қолган мен ва бувингга ўхшаганларга... Бор у билан, меҳрибонгинам... Сенинг болтанг, чўкичинг, тўқмоғинг, сава-тинг, сигиринг, араванг ҳеч қаёққа кетмайди, қайтишингни кутишади...

Бола бобонинг бу сўзларни эшитиб, ҳайрон қолди! Бобоси санаган болта, чўкич, тўқмоқ, сумка — буларнинг бариси ҳовлининг ҳар жой, ҳар жойида сочилиб ётарди. Сигир, арава, эчки бўлса умуман ҳовлининг бошқа томонида эди. Лекин бобо уларга қарамай, қўли билан улар турган жойларни аниқ кўрсатиб берарди.

Бобоси сўзида давом этди:

— Мана сумканг, дарсликларинг — грузин тили, тарих китоби... Яна нима қолди? Шиминг, кўйлагинг ва оёқ кийиминг. Самтредиагача ялангоёқ кетгин, бўлмаса, бу оёқ кийиминг билан уйгача етиб боролмайсан. Бўпти, барисини олгин... Энди жўнагин!

Кишварди Ломжария унинг невараси энди темир қозикқа, томирлари ернинг қаър-қаъригача сингиб кетган дарахтга айланганини тушунди. Ер қаърига илдизи чуқур кетган бу томирларни оддий насиҳат ва бошқа бирор нарса билан жойидан суғуриб олиб бўлмасди. Бошқача йўл тутиш керак эди. Бироқ қанақа йўл?

Кишварди Ломжария шуни тушуниб етдики, унинг невараси икки авлоднинг шиддаткор, жанговар қони гупуриб турган икки томонга зарб билан тортиляпти. Унинг қайси бири устун келади. Улардан қайси бириси ғалаба қозонади? Қайси қондошлик ғолиб келади?

Курашишни бундай аҳволда давом эттириш мумкин эмас... Улардан кимдир буни биринчи бўлиб, мардлик қилиб тўхтатиши лозим. Бу ерда қони қайнаб, жўшиб турганда кимдир биринчи қадамни ташлаши керак-ку, ахир.

Кишварди Ломжария боланинг бувисидан ўтиб сўради:

— Хўш, нимани кутяпсан? Сен билан айтишишдан чарчадим!

Бола бобосига қўрқа-писа қаради.

— Орқангга қараб ўтирмасдан, жўна! Тушундингми?!

Бобосидан қаттиқ хафа бўлганлигини ва бувисининг самимий, меҳрибон эканлигини бола бир пайтнинг ўзида тушуниб етди. Ич-ичидан тўлиб келаётган кўз ёшлари кўз олдини қоп-қоронғи қилди. Боши ўз-ўзида кўкрагигача эгилиб қолди. Бир оғиз сўз айтилмади. Жимгина, худди арқонга боғланган оғир аравадай Чохатаурининг тупроқ йўлига бурилди. Қариб, мункиллаб қолган, бошдан-оёқ қора кийинган бувисининг ортидан эргашди.

Кишварди Ломжария тошнинг устига бориб ўтирди-да, мис чойгумида қачон сув қайнашини кута бошлади.

Кишварди Ломжария оловга тикилганча хаёл сурарди. Шу тариқа беъмани хаёллардан ўзини узоқроқ тутишга ҳаракат қиларди. Йўқ, инсон

ўз хаёлларидан қаёққа ҳам қочиб кетарди. Ахир, одам ожиз банда-ку... «Болани бермаслигим керак эди... Кекса кампирнинг аччиқ кўз ёшларига чидаб туролмадим... Энди ўзим шу аҳволга тушиб турибман. Кейинги ҳафта кампирни-кига бораман-да, болани қайтариб беришини сўрайман. Агар болани қайтармаса, мажбурлаб бўлса-да олиб келаман... Шунақа дейман сен менинг авлодим давомчиси ва қондошимни олиб қолишга қанчалик ҳақнинг бор? Сен ахир Худо эмассанку!» Аммо... у ҳам менга шундай сўзлар билан жавоб қайтариши мумкин-ку?! Ахир мен ҳам ожиз бандаман, бу ёғимдан у ёғим яқин оддий бир инсон... Бола менга қандай ришталар билан боғланган бўлса, унга ҳам худди шундай... Эҳ, одам бўлиш қанчалик қийин... Йўқ, бўлмайди, кейинги ҳафта бораманда кампирнинг оёқларига йиқиламан. Йўқ, бир ҳафтага сабр қилолмайман... Эртагаёқ тонг саҳарда йўлга отланаман... Э Худо, тезроқ тонг ота қолсайди!..»

Шуларни ўйлаб тош олдида мис қумфонда қачонлардир сув қайнашини кутиб ўтирганди, кутилмаганда эшик очилиб бошини эгиб остонада оёқ кийимини елкасига ташлаб олган болакай кўринди.

— Эҳ, Худо ўзингга шукур! — деди бобо.

— Мен қайтдим, — секингина сўзлади невар.

— Қайтишингни билардим, — деди бобо.

Сўнг Кишварди Ломжария тоғорага мис қумфондан иссиқ сувни қуйди-да, неварасининг чарчаган оёқларини узоқ ювди. Кейин уйга кириб, тахтада у ётиши учун жой тайёрлади, ўзи эса кичкина хонасига кириб кетди...

Ярим кечаси чолни боланинг овози уйғотди:

– Бобо сиз билан ётсам майлими?

– Келгин, неварам, – деб чол деворга яқинроқ сурилди.

Бола бобосини қучоқлаб олди.

«Бобомнинг баданлари музлаб қолибди-ку, бечорагина бобом!» – ўйлади невара.

«Боланинг қанақа тафти бор!» – ўйлади бобо.

Бироз вақт ўтгандан кейин бобо сўради:

– Биласанми, сени нима тортиб келди?

– Йўқ!

– Мен сенга айтаман: қондошлик сени мен томонга етаклаб келди, мана нима! Қондошликдай қудратли куч йўқ дунёда, неварам!..

Кечаси улар бошқа бир оғиз ҳам гаплашишмади. Ҳеч нарса ҳақида ўйламадилар ҳам, ҳеч нарса ҳақида сўзлашмадилар ҳам.

Бобо ва невара ширин тушлар кўриб ухлашди...

Икки танада оққан бир хил қон – меҳр қони ўйлади ва гапирди. Бироқ у нима ҳақида ўйлади, нималар ҳақида сўзлади. Қондошлик бу ҳақда фақат ёлғиз Яратгангагина аён!..





НОШУКУР БАНДА

Гудули Бережиани юз ёшга тўлганда унинг шаънига ҳеч ким икки офиз илиқ сўз ҳам айтмади. Шунга ҳам сиқилиб ўтирадими — ана қишлоқ қабристонига салкам юз элик йил яшаб ўтганлардан бир қанчаси паноҳ топишган! Шундай бўлгандан кейин қўни-қўшнилар Гудулини табриклашни унутган бўлишса, унутишгандир-да. Устига-устак туғилган куни ўзининг ҳам эсига келгани йўқ.

... Гудулини ўша эрталаб «Лонгиноз» лақабли хўроз уйғотди. Унинг кўзи энг аввал қўшнининг кучугига тушди:

— Хўш, бугун мендан яна тухум ўғирлагани келдингми?.. Кет очофат, оёқ тагида ўралашмагин!

Кейин қўшнисининг хўрозига ўдарайлади:

— Ёруғлик тушмасидан мени уйғотишдан кўра, ўзингнинг ҳарамхонангга бир қараб қўйсанг бўларди! Сенинг додингни Ардалион Брокишвилининг хўрози берсин-да?

Гудули хўрозга танбеҳ бергандан кейин айвондан тушиб, ошхонага қараб йўналди. Ўчоқ олдида чўккалаб, кул босган кўмирни ўзи томон тортди-да, устига шох-шаббаларни ташлаб пуфлай бошлади. Қуруқ шохчаларга ўт илашганидан кейин

қумфонга сув қўйди. Сув илигач, сут софиладиган хурмачага қуйиб, молхона томон йўналди. Охурга боғланган сигир катта ўйчан кўзлари билан эгасига тикилди ва мўълади.

— Ҳозир, тўхтаб тур! — Гудули сигирнинг сағрисига қўли билан уриб қўйди. Сигир кавш қайтаришни тўхтатди. У Гудули қачон соғишини кутиб секин-секин юрди. Гудули уч оёқли стулни сигир томон суриб қўйди, унга ўтириб сигирнинг елинларини соға бошлади. Хурмачага ипак толасидай нозик сут тизиллаб тушишни бошлади. Соғим унчалик кўп бўлмади.

— Сен бечорагинанинг тоза мазанг қочибдику! — деди Гудули. Нима қилай, отахон, мен ҳам қаридим-да, — дея ўзини оқламоқчи бўлди сигир.

Гудули молхона эшигини ланг очиб, сигирни жўхориюяга ҳайдаб юборди.

— Бор, қорнингни тўйғаз жонивор!.. Сен сигирмассан, ҳеч нарсага ярамайсан, сени бўри есин!.. Бор, кет!

Сигир хоҳламайгина қовжирага: ўтларни чимдий бошлади.

— Салом, Гудули!

Гудули сут софилган хурмачасини тиззасига қўйганча ёғоч кулбасининг пиллаюясида ўтириб, узоқ хаёлга толганди. Қуёш ўз уйидан бош кўтариб тилларанг нурларини тоғ орасидан секинлик билан дунё рамини ўйламай, чор атрофга ёя бошлаганди.

— Салом, Гудули!

Гудули овоз келган томонга қаради. Нок дарахти тагида бошини қашиб Уча Мелимонадзе турарди.

— Гудули эмас, Гудули бобо дегин! Сенга неча марта айтдим, эси паст!

— Салом, Гудули бобо!

— Ҳа, баракалла!

— Онам айтдилар, сиз мени мураббо билан сийлашингиз керак экан!

Гудули кулди:

— Балки, сут билан сийларман?

— Йўқ, мураббо билан!

— Хўш, унда шуни билиб қўй: сут ичмасанг — мураббо ҳам емайсан!

— Қани, кўрсатинг...

Гудули хурмачани кўрсатди.

— Онам хом сут ичма, деганлар. Касал бўлиб қоларканман.

— Ма ич. Йўқ ичмайман.

— Э-э, онанг нимани биларди. Сен аёллар ҳақидаги мақолни эшитганмисан? Ҳа, майли эшитмай қўя қол. Ҳимм, хом сут ичмас эмиш! Мана, мен турилганимдан буён хом сут ичман, тирик юрибман-ку?! Касал бўлармиш, ҳе ўргилдим, сендақа ақллилардан!

— Ҳай, майли, нима десанг шу...

Уча чуқур хўрсинди ва шу заҳоти...

Қарагин сут ўфил боланинг қорнини қандай шиширади. Гудули кулгудан ўзини зўрға тийди. Ниҳоят, Уча енги билан лабини артиб, идишни Гудулига қайтарди ва безовта бўлди:

— Озгина ёрдам беринг...

Гудули индамасдан идишни боланинг қўлидан олди.

— Менга қара, Уча, бугун мактабга бормайсанми?

— Бугун якшанба-ку! — маза қилиб кулди у.

– Бугун шанба! – қовоғини уйди Гудули.
– Э, йўқ, якшанба, – яна қайтарди Уча.
– Наҳотки... Аҳ, вой Худо! Мен кекса аҳмоқ,
қандай эсимдан чиқардим! – Гудули кўкрагига
муштлади ва қўллари билан тиззаларига урди.

– Шунга нима бўпти, Гудули бобо? Шанбами,
якшанбами, сизга нима фарқи бор. Сиз мактабга
ҳам, ишга ҳам бормасангиз... – қарияни юпатди
Уча.

– Шошма? Бугун нечанчи?

– Бугун – 28 якшанба куни, ноябрь оyi, 1970
йил! Маълумот берди Уча.

– Аҳ, каллам қурсин! – дея ғудраниб Гудули
ўрнидан турди. У боланинг шошилаётганига эъ-
тибор ҳам бермади. Гудули хонага кириб кровати
тепасига илиб қўйилган календарга қаради. Кален-
дардан узоқ вақт кўзини узолмади. Кейин унинг
варағини йиртиб, олдинги жойига қайтиб келди.

– Нима бўлди сизга, Гудули бобо! – Уча
қариянинг ёнига чўкиб, унинг тиззаларига
қўлларини қўйди. Пастдан тепага қараб қария-
нинг ҳайратланган нигоҳига назар ташла-
ди. Боланинг саволига жавоб бермасдан Гудули
чўнтагидан кўзойнагини олиб тақди, битта ҳам
сўзни қолдирмай, календарь варағидаги маълу-
мотларни ўқий бошлади:

28 ноябрь

Якшанба

Қуёшнинг чиқиши – 8, 06

Қуёшнинг ботиши – 17, 32

Куннинг узунлиги – 9, 26

Янги ой – 24 ноябрь

Ойнинг чиқиши – 10,55

Ойнинг кириши — 20,31.

Кейин варақ орқасидаги маттни ҳам синчиклаб ўқиб чиқди: Биласанми? Болам.

Бир кунда одам қарийб 20 минг қадам босади, бир йилда 7 миллион, 70 йилда 5000 миллион қадамдан иборат дегани, бу эса тахминан Ердан Ойгача бўлган масофани ташкил этади.

Гудули осмонга қараб қуёшни, кейин нигоҳини ғарбга қаратиб ойнинг кичрайишини кўрди. Қуёш ва Ой осмонда бир вақтнинг ўзида бир жойда эди. Аммо Гудулига шу дақиқада Ой негадир узоқроқдек кўринди.

Яна ўқишда давом этди:

Ер билан Ой орасидаги масофа 384 минг километр бу экватор узунлигидан 9 марта кўп. Демак, бундан келиб чиқди, инсон 70 йил умри мобайнида ер курраси экватор чизиғи бўйлаб 9 марта айланиши мумкин экан.

Гудулининг боши айланиб кетди...

— 70 йилда — 9 марта... Юз йилда-чи? Ўн, ўн бир, ўн икки марта...

У ўзининг қуруқшаган, суяги чиқиб қолган, титраётган тиззаларига қараб туриб, бирданига худди экваторни ҳозиргина ўн икки марта айланиб чиққан одамдай, вужудидаги қонни аёвсиз симираётган даҳшатли бир ҳорфинликни сезди.

Сўнгра оёқларига қараб сўзини давом эттирди:

— А, эшитяпсизларми? Агар юз йил мобайнида қишлоғимиздан Озургети (бу Махарадзе шахрининг эски номи) орқали Батуми, Москва у ердан Германия, Америкага, кейин қайтишда Япония, ниҳоят, Озургети ва уйимизга қайтсак, биз она Сайёрани ўн икки марта айланган бўлардик... Нима? Тушундингизми?

У тиззаларини секин сийпалаб қўйди:

— Лекин бундай бўлмади... Ер шарини айланиб чиқолмадик... Аммо Худо шоҳид, биз бир дақиқа ҳам тиним билмадик... — Гудули кулди. — Хўш, нима бўлди энди? Бир жойда айланиб-миз?.. Бу ердан кўп нарса топдикми? А, қандай йўлни босиб ўтдик!.. Нолимайман! Шу юз йил ичида мени уйимдан ташқарига, қўшниларибга, қишлоқни бемалол чарчамасдан шунча вақт олиб юрганингиз учун миннатдорман... Раҳмат, сизга катта раҳмат! — Гудули тиззаларини яна бир марта силади.

1970 йил 28 ноябрь эрталаб соат саккизда Гудули Бережиани юз ёшга тўлди. Қария шуларни ўйларкан, бутун бадани титраб-қақшаб оғрий бошлади. Гудули қўрқиб кетди. Ёшлигида отиш ёки пойга мусобақаларига чиқиш, ёки бўлмаса отга сакраб миниш олдидан шундай бўларди. Айниқса, унинг доимий рақиблари эгизак ака-ука Керкадзелар билан шу ҳолат юз берарди. Уларнинг ашадий ишқибози ва томошабини уларнинг синглиси Талико эди. Ўшанда унинг ёш, кучли юраги шундай аниқ тепарди-ки, лекин шунда ҳам у ҳеч нарсадан қўрқмаган. Ҳозир эса Гудули жуда қўрқди. У юрагини қўли билан ушлади-ю, жим бўлиб қолди. Бир неча дақиқа ичида унинг ёшлик йиллари кўз олдидан бир-бир ўтди... Кейин эса ҳаммаси ўз жойига тушди. Юраги ҳам ўзининг доимий, бир маромдаги, ҳеч кимга кўринмас ишини давом эттирди. Гудули кўкрагини тўлдириб тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди ва ўзини анча енгил сизди. У қўли билан елпигандан сўнг, юзларида тер пайдо бўлди, яна бир марта нафас олиб, майингина жилмайди.

– Қуллуқ юрагим, сендан миннатдорман, катта раҳмат сенга! – деди ва секингина юрагини силаб қўйди.

Гудули ҳовлига чиқди ва ёлғизоёқ йўл бўйлаб юриб у ёқ-бу ёғига қараб, нокнинг соясига бориб ўтирди. Уча унинг ортидан кузатиб юрди.

– Бундан дарахтнинг жони оғримайдами? – сўради Уча, у ерга санчиб қўйилган болтани силтаб тортаркан.

«Бошланди, – деб ўйлади Гудули, – энди унинг саволларига жавоб бер!..

– Ҳа, болам агар дарахт болтанинг зарбидан озор чекса, унда инсон у дунёю бу дунё гуноҳдан фориф бўлолмайди-ку!

Гудули кейинги саволни кутди, бироқ Уча жим эди. Болтанинг пискадай ўткир чархланганига қўлларини эҳтиёт бўлиб юргизиб кўрди ва ўзича сўз юритиб деди:

– Албатта, жони оғрийди. Оғриганда қандоқ!

Гудули болани чақирди-да, ёнига ўтқазиб унинг тап-тақир сарғайган бошига қўлини қўйиб секин сўзлади:

– Уча, бугун сенинг Гудули бобонг юз ёшга тўлди...

Уча ишонқирамай қарияга қаради ва кулиб юборди.

– Сен нимага кулаяпсан. Тентак?

– Ҳа, сиз ўтган ва ундан олдинги йили ҳам юз ёшга кирмаганмидингиз?

– Ҳай, тушунмаган бола! Қандай қилиб мен юз ёшга тўлишим мумкин?!

– А, неччига киргансиз бўлмаса?

– Неччи бўларди! Ўтган йили тўқсон тўққиз, ундан олдинги йили тўқсон саккизга! Бугун эса юз ёшга!

– Ҳа, шундайми? Сиз доимо бир хилдасиз-ку!
– Галварс! Сенинг отанг шундай эди!
– Онам айтдиларки, сизнинг ёшингизга ёш ҳам қўшилмас экан, камаймас ҳам экан... «Бу чоли қурмағур, – вақтни ҳам тўхтатиб қўйган, дедилар».

Гудули кулиб турган боланинг кўзларига қараб ўзининг ўтиб кетган қайтарилмас болалигини кўргандай бўлди... У юзини тескари буриб сўради:

– Онанг ўлим, қариб-чириган қарияни олиб кетмаслигини айтмадими?

– Айтди.

– Демак, мен вақтни тўхтатибманда, а? У шундай дедими?

– Ҳа.

– Эҳ, неварам, вақтни тўхтатишга юз жуфт буйволнинг ҳам кучи етмайди!

– Кимнинг кучи етади?

– Ҳеч кимнинг. Балки, муддати келар, кун ва вақтнинг ўзи тўхтаб қолар...

Уча чалқанчасига ётиб олди.

– Қаранг, осмонда қуёш ва ой бир жойда турибди! – деб хитоб қилди у.

– Кўрдим, кўрдим болам?

– Бу қизиқ қуёш ва ой, кутилмаганда бир вақтда чиқадими?

«Мени ақдан оздиради бу бекорчи бола!» – деб ўйлади Гудули.

– Айтинг-чи, қандай қилиб улар бир вақтда чиқишади, а! – яна савол берди Уча.

– Мана шундай: осмон – бу худонинг кўзи, у барчасини алмаштиради – кун ва тунни, тушунтирди Гудули.

– Қандай қилиб ҳайрон бўлиб сўради бола, Худонинг кўзи борми?

– Ҳай, ҳай худо ҳаққи, бас қил! – жаҳли чиқди Гудулининг.

– Айтингда, энди?

Гудули баданидан иссиқ терлар чиқиб кетди.

– Эшитгин: сенинг кўзларинг борми?

– Ҳа, албатта!

– Қани уни юмгин-чи! Тезроқ!.. Нимани кўряпсан?

– Ҳеч нарсани. Қоронғи!

– Энди кўзингни оч!.. Энди-чи?

– Ҳаммаёқ ёп-ёруғ!

– Ана кўрдингни. Бу худонинг иши: у бирданига кун ва тунни кўраверади.

– У ҳолда мени ҳам худо қўллаб-қувватлайдими? – деб Уча ўтириб олди. – У билан мен бир бутунмизми?

– Албатта, неварам бир тўқиссан! Бутун олам сенга тегишли! – Гудули болани бағрига босиб қаттиқ қисиб ўзига тортди. У яна нимадир демоқчи бўлувди, Гудули ундан олдинроқ ҳаракат қилиб, қўли билан унинг оғзини беркитди:

– Бўлди, бас қил! Худо ҳаққи, бўлмаса сени ўлдириб қўяман, кейин ўзимни!

Уча қариянинг бағридан қутулиб чиқди-да:

– Яна битта, битта савол! Охиргиси!

– Майли!

– Эрталаб онам айтди, менинг отам аҳмоқ, ярамас ва аблаҳ экан, биз учун у ўлган ҳисоби дедилар... Шу ростми?

Гудули гарангсиб қолди.

– Ҳа, рост, болам... – деди-ю, бирданига тўхтаб қолди: – Сен бу сўзларни айтмаслигинг

керак. Нима бўлган тақдирда ҳам, у сенинг от-анг!

– Нега бўлмаса рост дедингиз?

– Ахир шундай ўғилдан юз ўтирган одамни яна нима ҳам дейиш мумкин?!

Уча, жимгина ўрнидан турди-да, дарвоза томонга йўл олди.

«Мен буни айтмаслигим керак эди! – деб Гудули ўзича афсусланди. – Бола учун отаси фарштаку... Унинг бундай пасткаш эканлигини у қаердан ҳам билсин!»

– Уча! – бақирди Гудули.

Уча, ортига қарамай кетаверди.

– Уча ортингга қайт, болам!

Уча тўхтади.

– Эшитгин мени, болам! Сенинг отанг аблаҳ эмас, мана биз аблаҳмиз у Таризэл, Афтондил ва Фаридун¹. Сен нима ҳазилни тушунмайсанми?

Уча ишонқирамай, кўз қири билан Гудулига қаради.

– Бу ёққа кел, менинг олдимга, неварам! – кўли билан имлаб болани олдига чақирди.

Гудули бирданига бир томонга оға бошлади... Аввалига у шундай туюлган бўлса керак деб ўйлади... Сўнгра у аниқ билдики, бу ҳазил эмас экан, оёқлари орасидан пешоби оқа бошлаганда бу янада аниқроқ кўринди. Гудули шунда: куним битди шекилли, деб ўйлади.

– Ё Тангрим, бундай шарманда қилмагин дея, ёлворди Гудули.

¹Таризэл, Афтондил, Фаридун – Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асарининг қахрамонлари.

Аmmo бундай ҳолатда бу гапларнинг бариси бекор эди. Бутун баданидан иссиқлик чиқиб кетаётганди...

— Уча, менга ёрдам бергин! — бехосдан Гудулидан эшитилар-эшитилмас бўғиқ овоз келди. Бола унинг олдига югуриб келгунча, у тиззалаб ўтириб олиб, аччиқ-аччиқ кўз ёшларини тўкаётганди.

Орадан бир соат вақт ўтгач, Гудули ўзига келди.

— Энди уйингга боргин, болам...

— Онамни чақираман!

— Йўқ керакмас, болам. Бор уйингга!

— Онамга айтаман!

— Йўқ, керак эмас!

— Нимага йиғладингиз, бўлмаса?

— А, шунчаки, ўзим, сени алдадим, Гудули бобосини яхши кўрадим-йўқми шуни билмоқчи эдим...

— Нима мени кун бўйи алдамоқчимисиз?

— Йў-ўқ. Эсим кирди-чиқди бўлиб қолган, қаричилик... Бор, ўғлим, энди мени тинч қўй... Бироз дам олай...

Уча кета бошлади. Дарвозага етганда орқасига ўтирилди.

— Бораверсанг-чи, қайсар бола! Уча чиқиб кетди.

Мени ўз ҳолимга қўй, жўна, жўна, болам...

Мен энди дам олишим керак...

Уча секин қадам ташлаб юриб кетди. Дарвоза олдига борганда яна қайрилиб бир қаради.

— Бор, ўғлим бор! — Гудули ўзига келгани маълум бўлди.

Уча чиқиб кетди.

Гудули дарахтга суянганча бўшлиққа лоқайд назар солди. Миясида ҳеч нарса йўқдек эди,

гўёки бўм-бўш... Бутун борлиқ сукутда. Қишлоқ ҳам, ер ҳам, осмон ҳам сукунат уммонига фарқ бўлган. Гудули шундоққина кўз олдида пишган ноклар узилиб ерга тушиб, пачоқланиб кетаётганини кўрди. Узун тарновда чопқиллаб оқаётган булоқ суви нақд рўпарасида, аммо унинг жилдираётгани қулоғига кирмасди. Ер устида шамол маккажўхорининг қуриган баргларини ўйнаётганини кўрди, бироқ унинг овозини эшитмади. Дарвоза олдида келган сугир бўйинини чўзиб ҳовлига кирмоқчи бўлиб мўралаётганини, четан деворга қўниб олган Лонгиноз хўрози бақувват қанотларини силкитаётганини, кўзларини қисиб, тушмуғини очганини кўриб турарди. Лекин на сугирнинг мўрашини ва на хўроз қичқириғини эшитарди... Атрофда сукунат ҳукмрон эди, фақатгина кутиш, бениҳоя қалбни ларзага соладиган номаълумлиги билан қўрқитувчи кутиш бор эди, холос. Нок дарахтига суянган, тошдек қотган Гудули ўзи ҳам худди, эски қуртларга ем бўлган ва болта кўтарган инсонни кутаётган дарахтга ўхшаб турарди. Ҳолингга вой, Гудули Бережиани, шўринг қурсин!

... Тушкунлик исканжасида қолган Гудули шу алфозда яна анча вақт ўтирди. Кейин аста-секин яна ўз ҳолига қайта бошлади. Қалбида умид учқунлари порлади. Юраги яна ура бошлади, томирларига қон югурди. Гудули, аввало, ўз юрагининг уришини, кейин маккажўхорининг қуруқ баргларини, сўнгра эса сугирнинг мўлашини, ундан сўнг сувнинг жилдираб оқишини, ниҳоят хўрози Лонгинознинг овозини эшитди. Гудулига жон кирди.

— Худога шукур... — секин сўзлади ва битта-битта қадам босиб уйи томон юриб кетди. — Хўш, Гудули ўзингни тут! Ҳали ҳеч нарса бўлмади... Ҳеч қандай қўрқинчли эмас... Бу тасодифан содир бўлди... Балки ростдан ҳам ҳеч нарса бўлмагандир. Балки менга шундай туюлгандир.

Гудули қуёшга қаради — офтоб ҳийла ғарбга қараб силжиганди. Кейин секин зинапояларга оёқ қўйди. Биринчи зина... Иккинчи... Учинчи... Бешинчи... Яна дунё остин-устун бўлди. Яна барчаси боягидек. Яна Гудули ёмон даҳшатли ҳароратни туйди. «Бу чоли тушмагур вақтни тўхтатиб қўйган!» — Бу гапни ким айтганини эслашга улгурмади — гуп этиб зинапояга ағдалириб тушди.

— Салом, муҳтарам Гудули! Гудули кўзларини очди.

— А? Нима дейсан, Ксения? — деб сўради у норози оҳангда. Шу топда қариянинг бир ўзи холи бўлгиси келди.

— Уча чопқиллаб бориб онасига Гудули бобомнинг аҳволи оғир деди...

— Ҳеч қиси йўқ, азизам! Юрак озгина эркалик қилиб туради-да. Мана ўтиб кетди...

— Балки бирор ёрдам керақдир, ҳурматли Гудули? Ёки дўхтир чақирайми?

— Йўқ, йўқ, Ксения! Шарт эмас!

«Ҳозир бошланади — дўхтир, касалхона, минг хил дори-дармонлар... Э, парвардигор ўзинг кечир!..»

— Балки валерианка ичарсиз?

— Йўқ, йўқ!

«Кимга кераги бор бунақа ҳаётнинг? Валерианка, эмиш!»

— Валидол-чи.

— Валидол ҳам керак эмас!

— Сизга қандай ёрдам керак, ҳурматли Гудули? — деди аёл тоқатсизланиб.

— Менга ҳеч нарса керак эмас, азизам! Уйингга бор болаларингга қарагин...

«Бу ҳали ҳолва... Ҳадемай узун-қисқа бўлиб, қўшнилар кириб келади... Яна шу савол-жавоб... оворагарчиликлар... Э Худо!»

— Ҳаҳ ярамас бола, ўлим тўғрисида бир нималардир дегандир-да... Ҳойнаҳой, онам айтди деган... Шошмай турсин, бу ерга келсин кўрадиганини кўради!

— Сенга нима бўлди, Ксения, қўйсанг-чи!

«Вой Худо, намуноча чаккаги очилди! Илгарилари мен унинг бунақалигини ҳеч билмаган эканман!»

— Кимдан чиқди бунақа гап? Илойим тилига чипқон чиқсин!

«Нега у ўзини қарғаяпти. Уча ёлғон гапирмайдиган-ку!»

— Худо ҳаққи, тўхтатсанг-чи! Уйингга боргин!

— Бугун сизнинг туғилган кунингиз экан, ҳурматли Гудули? Худо сизга яна юз ёш умр ва бардамлик ато этсин!

— Раҳмат, Ксения!

— Наҳотки, шаҳардан жигарларингиз келишмаса? Юз ёш-а! Ҳазил гапми!..

— Келишади, албатта, келишади!

«Бир ой ўтар, уч ой ўтар... Кейин ҳаммасининг жонига тегаман. Касал одамга ҳамма ҳам қараёлмайди...»

— Бу дунёда фарзандлари билан мақтанишга ҳадди сиғадиган одам бор бўлса, ўша — сизсиз,

хурматли Гудули! Бириси Батумида, бири Поттида, бирови Кутаисида, тўнғичингиз Тбилисида. Тўртови ҳам олим, обрў-эътиборли... Дарвоқе, неваралардан нечта, хурматли Гудули?

— Бугун авлодимиз — йигирма уч киши, лекин улардан нима наф? Ёнимда ҳеч ким йўқ.

— Унақа деманг, хурматли Гудули! Сиз бахтли одамсиз!

— Ҳа, албатта...

«Вой Худо, унинг валдирашлари қачон тугаркин?»

— Уйга бораман-да, ўғлимни жўнатвораман.

— Хавотир олма, Ксения. Озгина ухласам ҳаммаси яхши бўлади.

— Худо ҳаққи, бирор нарса керак бўлса, тортинманг! Ўз қизингиздай чақираверинг!

— Раҳмат, азизам!

— Тузалиб кетинг, хурматли Гудули.

— Сен ҳам соғ бўлгин, Ксения!

Аёл кетди. Гудули эса маъюс нигоҳ билан уни кузатиб қўйди. Мана у кетяпти — ёш, бақувват... Гудули эса зинапояда ўтирибди. Э, Худо ҳаммасидан қудратлисан Қодир эгам, уятга қолдима-а?! — дея хаёлидан ўтказганча ноябрь қуёшининг синиқ тафтида қўнишиб ўтирарди...

... Инсоннинг табиати ғалати!.. Ёш соғлом инсонни кўрганида, ўзининг кексалиги ва беморлигидан афсус чекади. Ва аксинча, ундан-да қарироқ ва кучлироқ кимнидир кўрса, қалби хотиржам тортади, ҳаётга қайта умид уйғонади. Мана бугун ҳам Учани қучоқлаб туриб Гудули бу ҳақда балки юз марта марталар ўйлади-ёв. Э, Парвардигор, шу боланинг ёшлигини менга бер, мендан нимани хоҳласанг шуни ол!» Ҳозир эса Ксенияга қараб туриб, у ўзи

ҳақида шундай деди: «Эй қудратли Худо. Шу аёлнинг ёшини менга бергину, ўрнига нимани истасанг шуни олгин!» деган гап ўтди кўнглидан.

Ва шу заҳотиёқ уятдан юзи қизариб кетди. Гудули Бережиани уятдан ер ёрилса, ерга кириб кетарди. Худо унга юз йил умр бериб қўйибди, шунинг шукронасини қилиб қадрига етмаганидан хижолат бўлди ...

Қуёш ботгунига қадар эрталабки ҳолат ҳақида қатъий туриб уч марта эслади... Шундан кейин ер юзида юз йил яшаган Гудули Бережиани қуёш билан юзма-юз туриб, тиз чўкиб, бошини қуйи эгиб шундай деди:

— Алвидо офтоб, менинг беадад миннатдорлигимни қабул қилгин!

— Эй, инсон нима учун мендан миннатдор бўлаяпсан! — ҳайрон бўлди қуёш.

— Эй, Худойим сенинг беминнат қуёшинг учун, шу юз йил ичида сен қоронғи кечадан менга ҳар эрталаб бахтиёрлик бахш этдинг!

— Арзимаydi, табаррук инсон! — деди қуёш ва кўздан ғойиб бўлди...

— Раҳмат сенга, олам чироғи!...

Гудули дарвоза олдида мўлтираб турган сизирни ҳовли ичига киргизди. Сизир ҳар доимгидек офилхонага кириб, соғувчи соғишини кутди. Гудули сизирнинг сағрисини узоқ силади, бошини қашлади, аммо бу сафар уни соғмади...

Бугун дамингни ол, жонивор, бемалол кавш қайтариб ётавер. Ташаккуримни қабул эт!

Нима учун ташаккур айтаяпсиз? — дея ҳайрон бўлди сизир.

– Чунки сен менга ҳар куни эрталаб бир стакандан сут бердинг.

– Соғлигинг учун! – деди сизир ва чўзилиб ётди.

– Сенга раҳмат говмишим!..

Гудули орқа ҳовлига ўтиб, товукларни кечаси бўлса-да, қаторлаштириб уларга назар ташлади, ундан олдин жўжаларнинг уйчаси эшигини ёпди. Кейин Лонгиноз хўрознинг қип-қизил чиройли тожини майин сийпалаб қўйди.

– Эртага мени хоҳлаган пайтингда уйғотавер. Энди хайр, мингдан-минг раҳмат сенга.

– Нима учун мени мукофотлаяпсан? – ҳайрон бўлди хўроз.

– Ҳар куни эрталаб, чин кўнгилдан мени уйғотганинг учун!

– Арзимади! – деди хўроз ва уйқуга кетди.

– Ташаккур, Лонгиноз!..

Гудули исчиноқни хум ёнига қўйди. Эҳтиёткорлик билан унинг атрофидаги лойни кесиб олди, чўккалаган ҳолда секин қопқоғини кўтарди. Ўттиз пудли хумдан шиддатли дим кўтарилди. Гудулининг димоғига вижиллаган винонинг ўткир ҳиди келиб урилди. Гудули эсдан оғдирадиган ҳидни симирди, қора туйнукка назар солди, сўнгра, секин-аста ён томондан қовоқ чўмични ёнбошлашиб туширди. «Билқ, билқ, билқ», – чўмичдаги вино билқиллади. Гудули лабларини чўмичга теккизди ва деди:

– Офарин сенга, эй бодаи ноб. Офарин сенга бебаҳо токнинг сеҳрли шарбати!

– Азиз лампа чироғим менинг чексиз миннатдорлигимни қабул этгин!

– Нима учун? – жарангдор, ҳайратланарли овоз янгради.

— Чунки шу юз йил мобайнида бахтли ва қайғули кунларимда менинг ишончли дўстим эдинг.

— Соғлик учун! — чуқур нафас олди лампа чироқ.

— Ташаккур сенга!..

Гудули пастаккина стол ёнида ўтирибди. Қўлида финжон тўла мусаллас. Айвоннинг устунда қариянинг боши устида осилиб турган чироқ милтираб ёниб турибди. Гудули Бережианинг кўзларидан оқаётган ёш томчилари бўйинларидан тушиб столдаги зофора нони ва тоза пишлоқ устига томаётганди. Гудули Бережиани ростакамига йиғлаётганди...

Бир соат бурун Гудули бутун ҳовлини айла-ниб чиқди. Ер ҳайдайдиган омочни ушлаб кўрди, анча эскириб қопти. Болтага назар солди, ейи-либди. Болғани қўлига олди, деярли ишқаланиб бўпти, белкуракни ушлаб кўрди, ярмигача чириб бўпти. Пичоқ Гудулининг олдида стол устида турибди, у ҳам кафтда нафас оляпти... темир... темирки вақтга чидамагандан кейин, инсон нима деган нарса?!

Мана шу шаробни ўртага қўйиб қасам ичишга ҳам тайёр — Гудули умрига ачинмайди. Гудули касал эмаслигини ҳам билади. Шунчаки чарчаган, қариб-чириб тамом бўлиб қолган, вассалом. Анави омоч, болта, болға ва пичоқлар каби яроқсиз ҳолга келган.

Гудули ҳамма нарса — осмон ва ер, уй ва ҳовли, кучук, товуқлар билан хайрлашиб бўлди. Бироқ у ўзининг тенгдоши бўлган нок билан анча узоқ вақт видолашди.

— Алвидо! — деди у нок танасини қучоқлаб. Орамизда энг бардошлиси сен экансан! Сенинг илдизинг бақувват, елкаларинг осмонни тутиб турибди... Сен сулоламнинг уч авлодини соянгдан баҳраманд этдинг, яна қанчасига беминнат хизмат қилишингни худонинг ўзи билади. Мана салкам бир асрдирки, ҳар йили мўл-мўл ҳосил берасан. Ҳамон дуркун, тетик ва бардамсан, шохларинг ҳалиям бақувват ва кучли бўлиб турибсан. Сен ҳовлимнинг қувончи ва безагисан, сен қишлоғимнинг барча қушларига бағри кенг ошёнсан. Раҳмат сенга, қадрдоним!

— Қуллуқ! — деб қўя қолди дарахт. У ўзининг баҳосини яхши биларди...

«Шон-шараф сенга табиат, — дея кўнглидан кечирди Гудули, сенинг донолигинга қойил! Сендан кейин дарахт, ер, осмон ва қуёш барқарор бўлишини ҳис этиш — қандай бахт!..»

Гудули сўнгги ташаккурномасини ўз юрагига, кўзи, қулоқлари ва ақл-заковатига берди.

— Нима учун? — деб сўради юрак таажжубланиб.

— Нима учун бўларкан? — ҳайрон бўлди Гудули. Шу юз йил ичида сен бирон марта ҳам менга хиёнат қилмадинг. Қўлларим, қулоқларим, кўзларим ва ақл-идроким ҳам шунча йил ичида менга беминнат хизмат қилди. Наҳотки, бу кам бўлса?!

— Арзимаиди, Гудули, арзимаиди!.. Энди мен дам олай... Жуда чарчаганман, Гудули!

— Раҳмат сенга юрагим!..

Ана энди она-бола билан хайрлашишим керак. Мана бу эса фожиа, хотира панд беряпти, уларнинг исмлари нима эди-я? Вой Худо эслашга ёр-

дам бер! Онаси-ку майлига, боланинг исми нима эди? Қодир эгам, хижолатга қўйма, боланинг исмини эслат!..

Аммо ҳеч қандай садо чиқмади. Гудули на боланинг, на онасининг исмини эслай олди...

Шундан Гудули айвоннинг четига келиб, кўйлагининг ёқасини очиб чақирди:

– Ҳой, қўшни!

– Қулоғим сизда, ҳурматли Гудули!

– Кимсан!

– Ксенияман, ким бўларди! Танимадингизми? Ксения... Ксения... Унинг исми нима эди... Ксения...

– Бола уйдами?

– Уча-ми?

– Уча! Ҳа, ҳа, Уча эди...»

– Ксения уйимда бир воқеа бўлади... Қисқаси, сен шундай йўл тутгинки, бола ўзини йўқотмасин...

– Нималар деяпсиз, ҳурматли Гудули?!

– Сендан илтимос. Қўшнилар йиғилмагунча болани олдимга қўйма...

– Ҳурматли Гудули, сиз нималар деяпсиз? Ҳазиллашяпсизми?

– Хайр Ксения! Худо шоҳид, мен сизларнинг ҳаммангизни яхши кўрардим, барчангизга ташаккур! Раҳмат!

– Ҳурматли Гудули, сизга нима бўлди! Гудули хонага кириб, эшикни беркитди. – Гудули!!!

Бирданига Бережиани ҳовлисида қарсиллаб ўқ овози эшитилди. Шунақа қаттиқ пақилладики, атрофдаги уйларнинг деразалари зириллаб кетди...

Гудули Бережианини дафн этишга бутун қишлоқ аҳли келди. Издиҳом орасида қариндош-уруғлар ҳам анча-мунча эди-ю, аммо уларнинг

қайғураётгани кўпам сезилмасди. Бунинг устига, тўнғич ўғли Димитрий, тобут тепасида эмас, ҳовлидаги нок тагида хўмрайиб турар, шу ерда қаққайиб, келганларнинг таъзиясини қабул қиларди.

Димитрийнинг ёнига мен ҳам бордим:

— Бандалик. Худо сабр берсин.

— Э, қўйинг-э, ундай деманг, Нодар Владимирович! — деди у зарда билан. Бандалик дейсиз-а. Чоли тушмагур юзимизни ерга қаратди! Одамларнинг юзига қандай қараймиз энди.

— Начора, кўргилик. Кутилмаган иш бўлди-да...

— Секин айтасизми! Турган-битгани шармандалик. Ўртоқларимга нима дейман?! Нима деб тушунтираман? Тбилисида биз билан бирга туринг десам кўнмади. Ойингнинг қабрини ташлаб кетмайман, деди. Қаёқдаги сигир, товуқларни рўкач қиладими-эй. Худо сақласин! Қандайдир ориқ сигир ва ўзига оро бериб юрадиган хўрозни деб умрини ўтказди-да шу хароба уйда!.. Учасиз яшолмас эмишлар! Тавба? Ўз отанг шундай деб турса-я!

— Уча. Ким у?

— Қаёқдан биладан? Қўшнининг боласи эмиш? Отаси ташлаб кетган. Бу ёқда тайёр ҳомий бор-да! Ўша мишиқига ота ўрнида эканлар. Э, бунақа тирик етимлар Грузияда сон мингта!..

Нима дейишга ҳам ҳайрон бўлиб қолдим. Кетмоқчи эдим-у, Димитрий ҳали гапини тугатмаган эди:

— Ҳеч нарсадан зориққани йўқ!.. Хотиним Париждан иссиқ кўйлак-иштон келтириб берди!.. Э, қайси бирини гапирай!.. Дафн маросимини кўрдингизми? Қишлоқ қишлоқ бўлиб бунақа

маросимни, ҳеч кўрмаганди? Нималар деяпсиз? Отам қайсар эди, қайсарлигича кетди!..

— Сизга қандай тасалли беришни билмайман...

— Тасаллининг кераги йўқ! Миннатдорман сиздан!

— Омон бўлинг!..

— Қаёққа кетяпсиз?! Марҳамат қилиб айвонга, столга чиқинг! Охирги ҳурматни адо этинг! Эй, Митуша, меҳмонга қара!

Модомики, дафн маросими радиолаштирилган ва карнайнинг овози Моцартнинг мотам куйидан ҳам анча баландроқ янграётган экан, Димитрий овозини янада юқорироқ кўтаришга мажбур эди.

Мен йўлини қилиб кайфи ошиб қолган Митушага чап бердим бу ҳовлини тарк этдим. Дарвозага етганимда ерда ўтирган, чамаси етти ёшлардаги малласоч болага кўзим тушди. У бошини тиззасига эгганча юм-юм йиғлаб ўтирарди.

— Исминг нима болакай? — деб сўрадим энгашиб. Кейин унинг бошини силадим.

— Уча Мелимонадзе, — деди бошини бироз кўтариб ва ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Бошинг тошдан бўлсин. Катта йигит бўлгин ўғлим, — дедиму йиғидан ўзимни зўрға тўхтатиб, ҳовлидан тез чиқиб кетдим.

— Кейин беихтиёр орқага ўтиридим. Бу пайтда ношукур ўғил иккала қўлини силкитиб нутқ сўзлаётганди. Таъзияхонага ўрнатилган радиокарнайлар ғовури Моцарт мотам куйидан ҳам баландроқ бўлгани боис унинг сўзларини эшитмадим...



ОНАГИНАМ

Тбилисининг ажойиб, меҳрибон одамлари! Сизнинг қаршингизда қўлини чўзиб турган стакан, пасткаш, ишсиз, ўзининг фурурини бир ароқхўр ароққа сотган инсонга ёрдам беринг. Мен ҳам инсонманми? Мен ўз онамни соғинганман, уни кўришим керак. Уни шарманда қилдим? Уни жудаям соғинганман! Онамни бориб кўришим зарур, бунинг учун эса менга пул керак. Менинг меҳрибон онагинам... Тбилисининг азиз одамлари! Менга ёрдам қўлини чўзинг... Ўтиниб сўрайман!..

Титраган овоз эшитилди, бироқ унинг сохталиги билиниб турарди.

Ундан абжағи чиқиб кетган этик, ароқ ҳиди, қалампир, ачиган вино, сигарет тутуни, тер ва дудланган балиқ, ертўланинг сассиқ ачимсиқ ҳиди анқирди. Ваҳимали истиффор-монолог худди очиқ осмонда момақалди роқ гулдурагандек эшитилди. Бир неча сония — атиги бир неча сонияга олам сукунатта чўмди. Ертўла гўёки тошга айланган эртак шаҳар — ҳеч ким кутмаганда, ҳамма ўзи билан ўзи овора, иш билан банд пайтда худонинг балосига гирифтор бўлган шаҳарга ўхшарди.

...Бу ҳолат яна қайтарилган пайтда, маст киши столлардан бирида яқин туриб қалтираган қўллари

билан столга сочиб юборилган фикимланган уч сўмлик ва чақаларни йиғаётганди. Столда ўтирган бирон-бир эркак бу ароқхўрга у миннатдорлик билдирганда қайрилиб ҳам қарамади. Бир ёшроқ йигит бошини столдан кўтармасдан туриб шундай деди:

— Ҳай, майли...

Ароқхўр иккинчи столга бориб қўлини чўзди:

— Тбилисининг ажойиб, меҳрибон одамлари!..

— Валдирашни бас қил! — деди ўтирганлардан бири. — Камроқ ичгин хўпми, оғайни!

Ароқхўр бир стакан ароқни олиб ича бошлади. Унинг қўли қалтирарди.

— Хўш, нимадир де-чи! — деди иккинчи одам.

— «Нимадир»... — деб ароқхўр қайтарди, унинг юзида заҳархандалик зоҳир эди.

— Э, сен ҳали ҳазилни ҳам биласанми?! — ҳайрон бўлди учинчи одам.

Ароқхўр жавоб бермади. У жимгина ароқни ичди ва юзини бура туриб қўлини чўзди. У бошини кўтарганда, унинг юзида хотиржамлик мужассам эди, кўзлари эса ёнарди.

— Сенинг соғлигинг учун! — деди биринчи одам.

Ароқхўр стаканни столга қўйди, бироқ кетиб кетмади.

— Яна пул сўрашни хаёлингга келтирма! — деди қошларини чимириб иккинчи киши.

— Паттага... Онамни кўрмоқчиман...

— Биламан, ҳеч қанақа онанг ҳам, ҳеч қанақа патта ҳам йўқ!

— Уч сўм...

— Қанақа пул истайсан — қоғоз пулми ёки чақа пулми? — дея масхара қилди биринчи одам.

— Қоғоз! — ароқхўр тезда таслим бўлди.

– Бериб юбор, ярамаста!.. Кўряпсанку, ёпишиб олган! – деди учинчи одам.

Шунда биринчи киши чўнтагидан йигирма беш тийинлик тангани қўлига олиб, бош бармоғини устига қўйиб, осмонга отиб тутиб олди ва чап қўлида ушлаб ароқхўрга саволомуз қараб қўйди.

– Бургут! – бақирди у, қани илиб олчи у ҳеч нарсани ўйламай ўзига ишонч билан қўлини пулга чўзди. Эгаси эса уни кафтида қисди.

– Омади бор экан! – дея ўтирилди ҳамтовоқларига ва чақани ароқхўрга узатди.

У бошқа столга йўл олди.

– Ўртоқлар, бизнинг бахтимиз очилди, – деди столда ўтирган беш кишидан бири хурсанд бўлиб.

– Ёруф оламга, салом! – бошқа бир овоз янгради.

– Ма, ичгин! – кимдир стаканни узатди.

– Мен ичдим... – деди у, бироқ узатилган стаканни қўлига олди.

– Ҳимм, ҳушёр одам топилди! – киноя қилди биринчи одам, худди иккинчисидек ва барча бошқа одамлардек.

– Саломат бўлинглар! Ароқхўр стаканни оғзига олиб бориб, ичиб юборди ва кир-чир енгини ҳидлади.

– Фақат монологларсиз гапир! Тўғриси айт, онанг яшайдиган жойгача патта қанча туради! – деб сўради-ю, учинчи одам, икки бармоғи билан ички чўнтагидан бир тахлам беш сўмлик чиқарди.

– Биттасини бергин! – деб ароқхўр унга ялинди ва тупугини ютиб юборди.

– Эшак! Нима энди бизнинг ҳисобимиздан бойишни ўйлаб қолдингми? Ҳов, анави бўйни йўфонларга боргин, биласан. Улар махоркага ўн

сўмликни ўраб чекишади! — Бир тахлам пулнинг соҳиби фанер билан тўсиб қўйилган хонани кўрсатди. Табак тутуни келаётган ва маст-аласт қаттиқ кулаётган аёлларнинг кулгиси оламни тутган томонни кўрсатди.

— Майли, кўп қийнама бечорани! Унинг тақдири бизлардан нажот кутяпти! — деди кимдир.

— Ма, иккита бешталикини олгинда, жўна. Сен фақат онангнинг олдига Халқаро аэропортда самолётда учгин, тушундингми. Бўлмаса бошқа транспортда қаттиқ ўриндиқда қийналиб қоласан! — Пул эгаси тишсиз оғзини очиб кулди. Қолган тўрт киши ҳам унга қўшилиб хахолаб кулишди.

— Ароқхўр, пулни чўнтагига сола туриб, менинг кўчамда ҳам қачонлардир байрам бўлади, — деди. Шунда пулингни қайтараман!

— Байроқни олишни ҳам унутма!

Энди ҳар олти киши бараварига кулишди.

Ароқхўр тўртинчи столи айланиб ўтди, у ерда ўтирган икки кишидан бири бўлган верийлик ашаддий чўнтаккесар Зарзанни таниди. Чўнтаккесарларнинг аксарияти ароқхўр ва тиланчиларни кўргани кўзи йўқ. У ўз қиёфасида шу икки турдаги одамларни бирга акс эттирганди. Шунинг учун у пардали эшикдаги кабинетига қараб йўл олганди.

Бу хонада ароқхўрни кўп ушлаб қолишмади. У бу жойдан эсанкираган ва хижолат бўлган ҳолатда чиқди. Ароқни кўп ичганидан чайқалиб Ваке ўтирган гуруҳ йигитлари ўтирган столга яқинлашди.

— Тбилисининг меҳрибон ва ажойиб одамлари... дея ароқхўр ўз дийдиёсини бошлади ва қўллари билан юзини беркитиб олди.

— Мурувват кўрсатинг, ароқхўрга ёрдам беринг, пасткаш, ишсиз... ўтирган йигитлардан бири ушбу монологни давом эттирди.

Ароқхўр қўлини силтади ва хира нигоҳлари билан унга қаради.

— Нимага қараяпсан? — сўради у.

— Онамни жуда-жуда соғиндим... ҳиқиллади ароқхўр, — ўлимимни соғингандекман...

— Сенга нима халақит беряпти? Ўлгинг келаётган бўлса ўлавер!..

— Мен онамни кўришни истайман... дея сўзини қайтарди у.

— Ёш болага ўхшаб кўкрак олишни хоҳламайсанми?

— Онамни...

— Сен алдаяпсан, ярамас, сенинг ҳеч қанақа онанг йўқ! — югуриб чиқди озғинроқ бир йигит. Уни зўрға ўз ўрнига ўтирғизишди. — Сен ҳар сафар шундай қиласан! Мен ҳар доим ичмоқчи бўлиб яйраб дам оламан десам, сен қаердандир пайдо бўласану, юракни ўртаб халақит берасан. Бас, етади, сенинг шунчалик юракни қийнаганинг!

— Хўп, майли, кел бу ёққа, Симон пулни олгину кет бу ердан. Ма! — Чаккасидан иягигача узун чандиғи бор йигит бир неча қороз пулларни столга ирғитди.

— Менинг исмимни қаердан биласан? — ҳайрон бўлди ароқхўр.

— Биладан, Симон, биладан... Ма, пулни ол, сен меңдан олган пулларга ер шарини уч марта айланса бўларди. Худди Магелландек...

— Мен онамни кўришни хоҳлайман! — деди-ю, йиғлаб юборди.

Юзида чандиғи бор йигит пулни ароқхўрнинг чўнтагига тикиб қўйди ва уни оҳиста итарди:

— Бас етар энди, биз ҳам одаммиз, бизда ҳам юрак бор... — Кейин у ўз шерикларига юзланди:

— Йигитлар келинлар оналаримиз учун ичайлик... Бу лаънати юракни ўртаб юборди, йиғлаш керак!..

Тиланчи кейинги стол ёнида жимгина чайқалиб қўлини чўзган ҳолда турарди.

— Унга нима керак? — деди ўтирганлардан бири. Бу ертўлада эҳтимол ароқхўрга биринчи маротаба дуч келган одам эди.

— Мен қаёқдан биламан, — деди иккинчи одам ва жавоб қандай бўлишини олдиндан билган ҳолда унга юзланди: Сенга нима керак ўзи?

— Мен... — Ароқхўр умидсизланиб қўлини силтади.

— Ундан сўрагин, нега у фронтга бормабди? — Столнинг бир четида ўтирган ўзи ҳам фронтга бориб бемалол жанг қилиши мумкин бўлган товламачи киши суҳбатга қўшилди.

— У фронтга борганди! — қўшни столдан сўз қотди.

— Унда нега ярадор бўлмаган.

— У яраланган!

— Қани кўрсатсин-чи, қизиқди товламачи.

— Мен унинг ярасини биламан! — деб хахолаб кулди на соқоли ва на мўйлови бор, аламбало одамга ўхшаш бақалоқ кимса. — Ундан сўрагин бошқа нарса хоҳламайдими?

— Ҳей, каллаварам! — ароқхўрга юзланди биринчи одам. Нега сен бу оламда тиланчиликни танладинг?! Бориб кимнидир ўлдир ёки темир қутини бузиб ўмар, жуда бўлмаса чўнтаккесарлик қилмайсанми! Ҳе, сени қара-ю!

— Нима? Сен э шитаяпсанми, Андо, Барига нима деди? Жуда бўлмаса чўнтаккесар бўлгин дейди. Тур! Сен ярамаснинг тилингни кесиб оламан! — деди ўрнидан туриб Зарзака.

— Хўп майли, ўтир, ўзингни кўрсатадиган жойни топдинг. — Анда уни тинчлантирди.

Тиланчи столдан майда пуллар ва тангаларни санамасдан йиғиштириб, чўнтагига солиб қўйди. У оёқда зўрға амаллаб турган бўлса-да, столда ичилмай қолиб кетган ароқларни ичиб қўйиш истаги унга тинчлик бермасди. Унга тоза ҳаво етишмаётганди, у сиқилаётганди. Ивиган бадани ертўланинг пастидан шифтигача қоплаган бадбўй туманда худди сузаётгандек эди. Ертўла айлантираётган чархпалак қачон тўхташини кутар, тўхташи билан эшикни топиб сассиқ бўйдан халос бўлиб, тоза ҳавога чиқишини ўйларди. Мана чархпалак, секин-секин эшик очила бошлади, мана эшик... Ароқхўр унга қараб интилди... Э-й-й-й! Улгурмади! Эшик астагина ёпилди... У кута бошлади. Иккинчи маротаба айлана бошлади... Хўш... Барчаси тартиб билан ҳаракатланяпти... Биринчи столда жим турадиган ишчилар ўтиришиганди. Бироқ ҳозир стол бўм-бўш эди. Улар кетишганди... Иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи столлар... Эшик қани? Ё Парвардигор эшик қаёқда? Ҳа, мана бу ерда экан! Бу нимаси энди? Официант Сеит эшикни бутунлайига суғуриб олиб, елкасида кўтариб юрибди, гўёки эшикни еса бўладигандек!.. Энди нима бўлади? Бу ердан қандай чиқиб кетиш керак? Нима бўлсаям, бу димиққан хонадан бир амаллаб чиқиб кетиши лозим. Бўлмаса, юраги кўтармай бир нарса бўлиб қолиши мумкин... Нима қилишга ҳам боши

қотиб қолган. Йўқ, ҳар қандай йўл билан эшикдан чиқиш керак. Ёки Сеит ёрдамида чиқиш керак. У ўзи бормиди, йўқмиди? Ароқхўр ўзини эшикка урди ва Сеит эшик тутқичидан ушлаб олди...

Ертўлада идиш-товоқларнинг синган овози сўнг тошли йўлакка думалаган патнис, кейин эса шарақлаган шапалоқ овози аниқ-тиниқ эшитилди. Ертўлада бир неча секундга эртақлардагидек тошқотган жимжитлик ҳукмрон бўлиб қолди. Кейин бу жимлик йўқолди. Сеит ароқхўрни сочидан ушлаб эшик олдигача олиб келди ва орқасига бир тепиб кўчага чиқариб ташлади.

Тиланчи йиқилди. У мириқиб тоза ҳаводан симириди, юзини кўприқдан пастга энгаштирди ва қотди.

Ароқхўр бирданига ўзида алақандай алам, қачонлардир унутган бир ҳисни туя бошлади. У бу ҳиснинг нималигини ва қандайлигини ҳеч ҳам билолмади. Бу эса уни тобора чулғаб олди. Натижада юрагида оғриқ пайдо қилди. Шунда йўлдан ўтиб кетаётган йўловчи унга яқинлашиб, уни ердан турғазди. Тўсатдан пайдо бўлган ҳиссиёт аслида алақачонлар хотирасидан ўчириб ташлаган «иззат нафс» сўзи эканлигини эслади. У шунда йўловчини итариб ташлади ва унга эшиттирмай секин ҳақорат қилди. Бунинг боиси унинг олдида қанақадир махлуқ эмас, одам турганлигини ҳис қилиш эди. Ўтиб кетаётган меҳрибон инсон жим турди ва буни кўнглига олмай кулиб қўйди.

... Ароқхўр бурнидан оқаётган қонни қўли билан артиб кичик Меликишвили кўчасидан секин-секин юриб кетди. Йўловчи эса ундан ўзиб, кўчанинг нариги бетига ўтиб кетди. У шовқин қилмай, ҳеч кимга халақит бермай, юриб борар-

ди. Вино заводи олдидан чапга бурилиб, Пегри-ашвили тепалигига қараб йўл олди.

У ёғоч тахта устида ечинмасдан қотиб ухлаб қолди, бироқ ҳеч қандай туш кўрмади. Соат бир мартагина бонг урди. Бу ярим тун эмасди. Унга яна ярим соат бор эди. Демак, яна ярим соат кутиш лозим. У мана шу вақтни кўзини юммасдан кутди. Бу муддат эса унга жуда узоқ, гўёки бир асрдек туюлди. Кўз олдида икки қаватли ёғоч уй, кенг айвон ҳар хил чиройли кўринишлари билан намоён бўлди. Эшик бўсағасида катта кавказ кучуги, унинг олдида оқ кўйлак ва қора бахмал иштон кийган болакай савлат тўкиб турарди. Айвонда эса қора сочли, гўзал қоматли, оддий яшил кўйлақдаги ёш аёл уялинқираб қараб турарди. Аёлнинг қиёфаси ўзгариб борарди. У гоҳида очилиб бораётган гўзал жонондан кўзлари маъюс, юзлари ажин босган, сочлари оппоқ кампирга, кейин эса яна ёш ва гўзал аёлга айланарди. Буларнинг бариси унга ёшлигини эсига соларди. Айвондаги аёл эса унинг онаси эди. У мана шуларни эслаганди. Шундай бўлса-да, у кўзини юмди, бундай шарпалар уни қаттиқ қўрқитиб юборди.

Бундай ҳолат бир неча дақиқагача давом этди. У секинлик билан қоронғиликка ўрганиб, кўзини юмди, шу заҳотиёқ кўз олдидан таниш манзаралар ўта бошлади. Худди қўрқинчли бир спектакль қўйилгандай эди. Шарпалар пардалар туширганда пайдо бўларди, кўтарилганда эса яна йўқоларди. Буларнинг ҳаммаси шундай жонга тегиб кетардики, у тонг отгунча кўзини очгиси келмасди.

— Девордаги соатнинг чиқ-чиқи тинмасди.

Тиланчи енгил нафас олди: соат товуши шарпа билан биргаликда туманни тарқатиб юборди.

Тбилисида тонг отди. Йигит секин ўрнидан туриб, томоғини чайиш учун сув жўмраги олди-га келди. Жўмрақда сув йўқ эди. Шундан кейин у яна ўз жойига бориб ётди. Шарпа йўқолди, ўрнини бошқа ўйлар эгаллади, бу эса ундан баттар азоб эди. Шарпанинг ҳеч қандай зарари йўқ эди. Бироқ ўйлар, айниқса, аччиқ ўйлар уни қаттиқ эзиб кўярди. Ҳеч қанақа қимирлашга кўймайди, оёққа туришга халақит беради.

... Демак, ичиш керак. Агар ҳозир бир стакан ёки бир қултумми, бир томчими ароқ ичмаса, унинг ўлиши тайин. Қони тўхтаб қолади, у ўлади вассалом. Пул бунга топилади, кеча анча-мунча йиғишга муваффақ бўлди. Бироқ, қаёққа бориш керак? Балки, вокзал ресторанига борар? У кечасию кундузи ишлайди. Ҳа, ҳа ҳозироқ бораман? Ичаман... ичаман... ичаман... Бўлмаса ўламан! Мана қўл ва оёқларим мадори қурияпти, пульс пасаяпти, лабларим қуруқшаб кетаяпти...

Ароқхўр ўрнидан сакраб турди, эшикка томон борди, тутқични буради ва тўхтаб қолди...

Эшик олдида сочлари оппоқ, яшил кўйлақдаги гўзал аёл турарди.

Девор ортида, кўшни хонада соат миллари олтига бонг урганини, жўмрақда сув вишиллаб оқаётганини у эшитмади. У бир дақиқадан кейин ланжланиб кўзини очгунча аёл ўша жойда тошдан ясалган ҳайкалга ўхшаб қотиб турарди.

— Сиз кимсиз? — секингина сўради ароқхўр.

— Бир соатдан бери шу ерда турибман, таққиллатишга журъат қилолмаяпман, — жавоб берди у.

— Хўш... Сиз кимсиз ўзи?

— Сизнинг эшигингиз, балки, юзинчидир. Мен юзта эшикка бордим, бироқ тақиллатишга

шошилмадим... Агар сиз ўзингиз эшикни очмаганингизда, мен бу эшикни ҳам очолмасдим...

— Сиз ўзи мендан нима истайсиз, хоним?

— Сиз мени тиланчи деб ўйламанг... Аёлнинг овози титраб кетди. — Мен онаман!

— Кимнинг онасисиз? — қўрқув босди ароқхўрни.

— Солдатнинг онасиман... — Аёл руҳга айла-ниб сўзини давом эттирди: — Хабарнома олдим. Ўғлим ярадор ҳолда госпиталди ётибди. Нима бўлганда ҳам мен уни уйга олиб кетишим керак. Ҳар қанча қийин бўлмасин, елкамдами, эмаклабми уни олиб кетишим лозим. Бу менинг обрўйим, виждонимдир балки, ҳаётни хавф остига қўйиб бўлса-да, мен уни бажаришим керак.

«Сиз мендан нима истайсиз?» — ароқхўрнинг кўзлари шуни сўрарди.

— Мен тиланчи эмасман, ўғлим? Мен — онаман... Манзилга етиб олишим учун менга пул керак...

«Тбилисининг ажойиб одамлари!» — ароқхўр ўз овозини эшитди.

«Сиз нима учун менинг олдимга келдингиз сўради?» — унинг кўзлари.

— Менга йўқ демагин, болам, мени ўлдирма!.. Сенинг уйинг охирги нажотим. Бошқа борадиган жойим қолмади!..

Аёл бошини эгди. Ароқхўр унинг увадаси чиқиб кетган қора кўйлагига кўз ёшлари томчилаётганини кўрди. Гўёки катта хазинасидан пул бераётгандай қалтираган қўллари билан фижимланган, кир қоғоз пулларни чўнтагидан чиқариб, тезда аёлга узатди. У эса қўлларини бу пулга чўзмади ҳам. Шундан сўнг ароқхўр пуллар-

ни эшик остонасига секингина қўйиб қўйди, кейин бўм-бўш чўнтаklarини қайтариб жойига солди. Аёл йиғлади, ароқхўр у ўз миннатдорлигини сўз билан ифодаламоқчи бўлганлигини тушуниб етди. Шунда у оҳиста тиззалаб ўтирди, ўзини аёлниң оёқлари остига ташлаб секин сўзлади:

— Раҳмат, она!

Шу тарзда бир дақиқа ўтди. У ўрнидан турганда, аёл жойида йўқ эди. У турган жойда фикимланган, кир қоғоз пуллар сочилиб ётарди.

— Ё Парвардигор, наҳотки бу шарпа бўлса?

Жўмрақдан шариллаб шовқин солиб сув оқиб ётарди. Йигитниң эса сув ичгиси йўқ эди. Ароқхўрниң лаблари ва томоғи нам эди. Шу намлик туфайли унинг сув ичгиси келмаётганди. Бу эса иссиқ ва шўр эди.

Кун ёруғлашаётганди.

Қоронғи, ҳавоси йўқ йўловчига лиқ тўла вагонга текширувчи бир амаллаб чиқиб олди. Унинг ортидан вагон назоратчиси қўл чирогини ёқиб йўловчиларниң патталарини текширишни бошлади. Текширувчи йўловчиларни ва уларниң буюмларини диққат билан назоратдан ўтказди. Гўёки, улар орасида давлат жиноятчисини қидиргандек.

— Сизниң паттангиз? — кўзини ярим юмган ва ярим саволомуз оҳангда, йўловчилар индамай унга патталарини кўрсатишди.

— Сизниң паттангиз?! — дея ойна олдида ўтирган ориқ, соқоли олинмаган эркакка мурожаат қилди.

— Менда патта йўқ! — деди эркак киши.

— Нима?! —

— Мениң паттам йўқ! — деди эркак.

— Марҳамат қилиб айтинг-чи, сиз паттасиз қаерга кетяпсиз? — ундан сўради текширувчи заҳархандалик билан.

— Онамнинг олдига? — жавоб берди эркак.

— Кимнинг олдига?! Ҳайрон қолган текширувчи йўл назоратчисининг қўлидаги чироқни йўловчининг юзига яқинлаштирди.

— Онам ҳузурига! — сўзини яна қайтарди эркак киши.

«Қайси онангиз ҳузурига?!» — қайта сўраган текширувчи бирданига хурсанд бўлди. Бироқ юзлари мурданикидек оқариб кетган, кўз ёшларидан соқоллари ҳўл бўлган йўловчини кўриб қўрқиб кетди. Кейин жим бўлиб ортига қайтиб у ёқ-бу ёққа қарамасдан йўлида давом этди.

Поезд қоп-қоронғи туннел ичига яқинлашиб бораётганди.





ХАЗАРУЛА

Мен ўн тўрт ёшимда биринчи марта дарахт билан гаплашганим эсимда. Дарахтнинг ёши олтмишдан ошганди, худди бувим сингари. Бу олма дарахти эди ва уни Хазарула деб аташарди.

Илгари, ҳар йили қишда бувим Тбилисидан Хазарула олмасини олиб келардилар. Эрталабки биринчи поезд билан шаҳарга кириб келарди ва юзлари қип-қизил, гул-гул очилиб, қишлоқнинг хушбўй ҳидларини таратиб, вокзалдан тўппатўғри бизникига қараб йўл оларди. Мени бағрига қаттиқ босиб қучоқларди ва тўшагимнинг устига муздек дағал — катталиги муштдай келадиган — олмани ташлаган ҳолда бундай дерди:

— Ушла эркатойим, ҳовлимиздаги Хазаруладан сенга совға. Бутунлай бурушиб кетган бўлсада — қуритилган Дапино, Олмосхон таннозидан яхшироғини тополмайсан. Ош бўлсин, тилла болам, дардингни олай...

Олмалар чиндан ҳам жуда ширин эди.

Уруш бошланди, мен бувимнинг қишлоғига кўчиб келдим, у ерда Хазарула билан шахсан танишдим. Олма дарахтининг баъзи жойларини қурт еб, захмдан емирилган бўлишига қарамай, ҳамон мағрур, гўзал ва азамат эди; Серсоя қўлларини

кенг ёзиб, муаттар ис таратиб, қад кўтариб турарди. Шохларига илиб қўйилган чўмичлар, кўза ва хумлар — қайси бири кўпроқ, қайси бири камроқ билиб бўлмас. Аммо мен Хазаруламиз бошқа гулламаслиги, мева бермаслигини англаб етгандим.

Қирқ иккинчи йилнинг эрта баҳор кунларининг бирида бувим мени тонг отар-отмас уйғотди. Қўлида устарадек ўткир, ялтироқ болтани ушлаб турарди.

— Бу нима қилганингиз бувижон, — дея атайин бақирдим, — мени ўлдирмоқчимисиз?

Кўрпанинг тагига яшириндим.

— Жиннилик қилма, тентак! — ўшқирди бувим. — Қулоғингдан чўзиб турғазмасимдан ўрнингдан тур... Турда иш билан шуғулан...

— Тонг саҳардан нима ишларингиз бор?! — жаҳл қилдим. — Нима қилмоқчисиз?

— Бир эркак қўлини сезсин, акс ҳолда мени менсимай қўйган, — дея қовоғини уйиб сўзлади бувим.

— Бувижон, ким ҳақида гапиряпсиз?

— Эҳ, сен, қайсар эшак! Ҳазилларингни бас қил, эшитяпсанми?

— Тураяпман, бувижон, тураяпман. Тушунтиринг фақат, ким ҳақида гапиряпсиз — дея ўрнимдан туриб кийина бошладим.

— Ким, ким — Хазарула ҳақида гапиряпман! Ярамас, виждонсиз. Шунақа сотқинлик бўладими, яна очарчилик пайти?!

— Сиз... дарахтни айтаяпсизми?.. — Ҳайратдан тилим зўрға айланди.

— Ҳа, дарахтни, дарахтни!

— Олма дарахтини?! — Мен ҳамон қулоқларимга ишонмасдим.

— Ҳосилсиз олма дараhti — шу ҳам дараhti-ми?

— Майли, мендан нима истайсиз? Кесиб ташлашимними?

— Йўқ, нега энди дарров кесарканмиз. Аввал уни кўрқитамиз, аҳмоқни, кўрқмаса, кейин кесамиз. Унга фақат мулозамат қилишимиз қолди!..

Бувим Хазарулани қандай кўрқитишим лозимлигини тушунтирди, болтани елкага ташлаб дараhti томон йўл олди.

— У менга қулоқ солади деб ўйлайсизми? — кулдим мен.

— Агар унда озгина ақл қолган бўлса, — деди бувим қулоқ солади.

— Сиз ўзингиз қаёққа кетаяпсиз? — сўрадим мен.

— Сизлар ёлғиз ўзларинг гаплашинглар. Сен ва Хазарула, — тушунтирди-да, бувимнинг ўзи кетди.

Ўрнимдан турдим. Болтани кифтимга ташладим. Хазарула билан юзма-юз бўлдим. Намликдан бўртиб қолган куртаклар ёриламан деб турарди.

«Қизиқ, — ўйладим мен, — дараhti ҳам одамни эшитадими?» — ва кулимсирадим.

Кейин болтани ушлаб куч билан дараhti танасига ўқталдим.

— Кессаммикин ёки йўқми? — дедим овозимни чиқариб. — Кесиб ташлайми ёки йўқми! Кессаммикин ёки йўқми?

Узоқ мулоҳазадан сўнг мен қўлимни силтаб баланд овозда шундай дедим, мени нафақат Хазарула эшитади, балки тошлар ҳам, ерда ичига вино солиб қўйилган кўплаб кўзалар ҳам эшитади.

– Ҳаҳ падар қусур яна бир йил кутаман, дедим. Агар шунда ҳам ҳосил бермаса, унда ўзидан кўрсин. Томири билан кесиб ташлайман!

Қисқа қилиб айтганда, мен бувимнинг топшириғини аниқ қилиб бажардим. Хазарула эса қилт этмасдан турарди. Ҳаттоки, қулоғини ҳам қимирлатгани йўқ, бутун танаси билан қуёшдан кўпроқ баҳра олиш учун янада баландроққа интиларди.

Мен энди бувимнинг устидан эмас, ўзимнинг устимдан кулишга тайёр турардим. Болтани зарб билан олма дарахти тагидаги тўнкага қададимда орқага, уйга қайтдим.

– Хўш, нима бўлди? – сўради бувим.

«Нима бўларди»... Уни ўлгудай қўрқитдим. Кўрмаяпсизми, бечора ҳалигача қалтираяпти! – деб бувимни Хазарулага қарашга мажбур қилдим.

Шу заҳотиёқ Хазарула қаҳ-қаҳ отиб кулди менинг эса бутун баданимга қалтироқ кирди!..

Шарқ шамоли эсди.

Тоғларга шаҳдам қадамлар билан баҳор кириб келди. У гумбаз дарахтзорларидан ўтиб, бизнинг ҳовлиларга ҳам оёқланг етиб келди, худдики саёқ қизга ўхшаб; ўз кўйлагини кўтарди, оламга яшил либосини ёйди, барча жонивор, ҳайвонларни уйғотиб юборди. Ҳаёт ўз маромини бутунлай ўзгартирди.

Бувим яна мени тонгда уйғотди ва Хазарулани кўрсатди.

– Неварагинам, тур қарагин!

Улуғвор Хазарула оқ-пушти гулларга бурканиб, кўкрагини кенг очиб, кампирларга ўхшаб узоқ йиллик машаққатлардан сўнг ишни қойиллатиб қўйгандек биз томонга кулиб қараб турарди.

— Мен сенга нима дегандим, — дея бувим хурсанд бўлиб байрам қиларди.

— Ё, Парвардигор сен мени ақлдан оздирасан? — дея бемаврид сўзладим.

Хазарула гулади, шундай гуладики... Ҳар томонда унга асаларилар ва ҳашаротлар ёпирилишди. Унинг шохлари қанча ҳосил тугганини ҳисоблашнинг иложи йўқ эди. Кейин ҳосил етилиб пишганда шундай тўкилдики, Хазарула бир йилга етадиган олма берди. Уни қуритиб ҳам, ўзини сақлаб қолиб ҳам, мураббо ва повидло қилиб ҳам тугатиб бўлмади. Ҳовлида боғланган буқа Хазарула олмалари ҳосилини ейишдан чарчади.

Теофан Дутладзенинг сигирга тўла бир қоп олма элиб берганини ҳозиргидек эслайман.

— Болам сигирни тинч қўй! — деди Теофан менинг сигирга ҳаддан зиёд ғамхўрлигимни кўриб, — яқинда у олма компотидай сут беради.

— Сен нималар қилиб қўйдинг Хазарула? — дедим, қиш ойи бошланишидан олдин узун ёғоч хода билан олма дарахтининг энг тепасидаги олмаларни қоқа туриб, бутун қишлоқ ақлини йўқотиб қўйишига озгина қолди-ку!

— Серҳосил олма дарахти бўлгандан кейин шундай ҳаракат қилиш керак: жавоб берди Хазарула ўзининг қариб қолган томирларини қимирлатиб.

Бу йил бизнинг ёдимизда узоқ сақланадиган бўлди. Хазарула бошқа ҳосил бермади. Қанча уни кўрқитмайлик, ёки бошқа бирон-бир ҳаракат қилмайлик, ҳеч қандай натижа бўлмади. Хазарула ва хазарулачалар тўхтади-ю, қолди.

Икки йилдан сўнг биз кўзадан винони сип-қараётганда, бувим бирданига осмонга қаради ва

кейин Хазарулага боқиб бошини чайқади. Бир пасдан сўнг Парвардигорга илтижо қилиб шундай деди:

— Бугун қор ёғади, биз эса ўтинсиз қолдик. — Унинг овозида ҳаяжонланиш бор эди. Совуқдан қотиб қоламиз. Хазарулани кесиб ўтин қилишимиз керак.

— Бувижон яна бир йил кутайлик, кейин кесамиз, — дея ялиндим мен. Мен уни яна бир марта қўрқитаман...

— Сен тушунгин, неварам, у адоийи-тамом бўлган. Мен қарияга ўхшаб уни ҳеч нарса билан қўрқитолмайсан.

— Йўқ, ундай қилолмайман, уни кесишга қўлим бормайди! — дедим мен!

— Қандай қилиб уни кесолмайсан? — деди бувим. — Мен сенга нима дедим. Мен деворга гапиряпманми?

Мен қайсарлик қилдим.

— Йўқ бувижон! Йўқ... Мен уни шунчаки кесолмайман.

— Нега? — ҳайрон бўлди бувим.

— Ҳа, буви, сиз эмасми мени кўндирган: дарахт, нима бўлганда ҳам эшитади деб?!

— Ҳа, қўявер, кексалиқда нималар деб валдирамайман. Сен эса шуларни эшитиб ўтирибсан. Дарахт у ёқда турсин, инсонлар бир-бирини эшитмайдику... Мана фронтда одамлар бир-бирини ўлдириб ётишибди. Мен сен билан ҳазиллашдим, неварам. Калламдаги хаёлларни сақлаб қололмадим, сен менинг шу гапларимга ишондингми.

— Йўқ, — қатъий айтдим мен, ундай қилолмайман! Менимча, дарахт нафақат эшитади, балки кўради ҳам. Бир қаранг, у биздан юзини тескари буриб олган.

— Кўряпман, кўряпман... Қулоқларим буларни эшитгандан кўра, яхшиси том битгани маъқул эди! — дея бувим бақирди ва кўкрагига қўли билан муштлади. — Э, сендан нимани сўрадим. Мен сенинг бошингни қотирдим, энди бунга қандай баҳона қидираман. Ҳой, қўшнилари! Ҳой яхшилар, бу ёққа келинлар! Дунёни бир тутам қилиб бу ақдан озган болани кўринлар! Вой худо, сен бу алмойи-жалмойи гапларинг билан мени ақдан оздирасан! Ё, Парвардигор, бу боланинг ақлини жойига келтир. Ҳа яшшамагур-а! У шундай дея бутун қишлоққа жар солди.

— Эй, бева Каландадзе! Сен боладан нима истайсан? Нима учун унинг қалбини яра-ламоқчисан? — деди қишлоқ йўли бўйлаб четан деворлари орасидан ўз иши билан кетаётган Анания Салуквадзе ва биз томонга бурилди.

— Нимани истайсан деганинг нимаси, Анания? Ўзинг ўйлагин, уни олдинги йили ҳосилсиз Хазарулани кўрқитгин деб мажбурлагандим. Энди эса илтимос, нима бўлганда ҳам, уни кесиб ташланлар. Кўриб турибсан-ку, у буни хоҳламаяпти. Нималигини биласанми? Дарахт барчасини эшитиб ва кўриб турибди... Қаёқдан билади! — зарда қилди бувим ва бир стакан тўла тоза, пушти ранг «одеса»¹ виносини унинг олдига суриб қўйди.

— Хайрли тонг! Худо сенга ёр бўлсин, Дареджон — дея бувим Анания Салуквадзени алқади у шундай иштаҳа билан винони ичдики, худдики ўзим вино тўла катта хум олдида тургандек сўлақларим оқди.

— Кўради... ва эштади? — деди Анания ўзининг осилиб қолган сарғиш мўйловини силаб.

¹ «Одеса» — винонинг бир тури.

— Нафақат кўради ва эшитади, ҳурматли Анания! Дарахт, ҳаттоки, гапиради деб бу тирмизак, ишонтирмоқчи бўлади, — дея шикоят қилди бувим. — Йўқ бунда унинг айби йўқ. Аслида мен унинг бошини қотирдим. Энди буни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди!

— Эрталабдан сенинг винонгни таътиб кўрмаганмиди? — деб сўради Анания Салуквадзе.

— Бир неча қадах ичганди, — жавоб берди бувим; шунда бирдан умид учқуни уйғонди.

— Унда менга яна бир стакан қуй, калбатано (калбатано — ҳурмат маъносида) дареджон, дея кулди Анания. Ана шунда мен ким уни йўлдан адаштирган — сенми ёки вино айтиб бераман.

Бувим бир стакан тўлдириб қуйди. Анания эса уни бир кўтаришда сипқорди.

— Хўш, калбатано Дареджон — узоқ паузадан сўнг, шундай деди: сиз иккалангиз уни ақлдан оздирибсиз, сен ҳам, вино ҳам. Мен охирги қарорни айтишим учун яна бир стакан винодан қуй.

Бувим унга винодан қуйди. Кейин бувим унга шундай нигоҳ билан қарадики, мен унинг ўрнида бўлганимда ичимликни таътиб кўришдан эҳтиёт бўлган бўлардим. Анания ҳеч нарса бўлмагандек учинчи стаканни ҳам ичиб қуйди. Бу сафаргисида у ўзининг фикрини билдирди:

— Йўқ. Уни томи кетиб қолганини энди тушундим деди у, — кўрсаткич бармоғи билан винони кўрсатиб. — Сен буни тасдиқлайсанми, деди у тўғри менга қараб, дарахт ҳаммасини кўриб, билиб туради шундайми?..

— Ҳа! — тасдиқладим мен.

— Тошчи?

— Тош ҳам.

— Дарё-чи?

— У ҳам...

У менинг бошимда кимдир қараб турганини билди-да, кейин бувимга мурожаат қилди:

— Хўш, Дареджон, қаёққа борсанг боравер! Мисол учун сен дарахтсан, майли мана шу Хазарула... Агар сен болакай айтгандек, кўрадиган ва эштадиган бўлсанг... наҳотки сен елкасида болтаси билан турган мендек эркакни кўрмасанг. У келиб сени чопмоқчи. Тушуняпсанми чопади?! Ҳаммасини кўриб, билиб турибсан, ҳеч қаёққа қочиб кетолмайсан! Бу ерда ҳали кўп ақдан озишга тўғри келади! — деди Анания бўш стаканни яна нарироққа суриб, бироқ бувим негандир тўхтаб қолди. Эй, хотин қуйсангчи! — дея бақирди Анания Салуквадзе. Энг асосийси, мен ҳали сенинг олдиндагини айтиб беришим керак.

Бувим унинг стаканини яна винога тўлдирди.

У мени ўзига яқинроқ олиб, сен жиян шаҳарлик бўлсангда бизнинг қишлоқ ҳаётига ўрганишинг керак. Деҳқон уч нарсани ўзида сақламаслиги лозим: ўзидан насл қолдирмайдиган сигирни, ҳосил бермайдиган дарахтни ва бефарзанд... — Анания ўзининг ҳар хил гап-сўзлари билан энди бувимнинг жонига тегиб кетди.

— Менга бундай бақрайма, Анания — дея кулди бувим. — Гапир, охиригача гапир, тортинма. Ўғлим бўлмаганда, неvara қаёқда бўларди?

— Сен ҳақсан... Бефарзанд буви... Сенинг бувингнинг етти нафар боласи бор эди. Ана шундай...

— Анания амаки сиз мендан нима истайсиз?
— сўрадим мен.

— Сен нимага дарахтни кесмаяпсан? — сўради у саволга жавоб бермай.

— Раҳмим келади.

— Демак, ўғлим, сен дарахтни аягансан? Сенинг тенгдошларинг танк ва граната остига ўзини ташлаяпти, сен эса...

— Бечора бизнинг ватанимиз сенга ўхшаган ношудлар билан қандай қилиб Гитлерни енгади!

— Йўқ, ундай дема, калбатано Дареджон! — дея бирданига тутақиб кетди Анания.

Бошқача бўлиши мумкинмас! Яна қандай гапириш мумкин?! У қийин вазиятда на товукни, на қўзичоқни ҳам сўймайди. Мана дарахтни кесмаяптику, кўриб турибсан унга ҳеч кўзи қиймаяпти. Сенга шундай воқеани айтаман: бурноғи йили энди туғилган тўнғизни сўйишига тўғри келди. Уни Интабуетидан уни бу йил зўрға топиб олдик бўйнига пичоқ тиралган эди. Шу ҳам иш бўптими?! — дея бувим ҳасрат қилди.

— У ҳақ гапни айтяптими невара? — сўради Анания.

— Ҳа рост, амаки Анания. Фақат ҳар қанча панд-насиҳат қилсангиз-да, барибир Хазарулани кесмайман, — дедим мен.

— Раҳминг келдими, неварам?

— Увол эмасми?

— Ҳаҳ ярамас, кўнгилчан! Менга яна бир стакан винодан қуй, калбатано Дареджон. Эртага сенинг Хазаруланг бу дунёда тик турмай, ерда ётган бўлади. Ўзим ҳаммасини удалайман: аслида менда бўш вақт қаёқда, дейсиз.

Бувим унга винодан қуйди. У винони ичди.

— Дареджон, сенда газакка у-бу нарса топилмайдими? — ҳар эҳтимолга қарши сўради у.

— Газакка тошни хоҳламайсанми, Анания? — истехзо билан деди бувим.

Анания ўрнидан туриб, индамасдан дарвозадан чиқиб қишлоқ йўлига қараб секин юриб кетди.

— Эй, Анания. Қаёққа кетяпсан?! — бақирди бувим. — Сен, менимча, пастга кетмоқчи эдинг, шекилли?

— Ҳа ўша пастликда менинг озгина ишим бор эди, калбатано Дареджон, деди Анания. — Хўжайинимизнинг новдаси ҳам мана шундай гуллаб кетармикин, мен бу ишга ярармиканман...

У қўлини силтади.

— Ҳа унда батано (батано — ҳурмат маъносида) Анания, мен кексани ҳурмат қилгин, яхшиси Шакроининг деворига суяна қол. Меники ўзи зўрға турибди.

Анания қишлоқ йўли бўйлаб юришда давом этди, Шакроиа Микаберидзенинг шохлар билан ўралган деворига келганда тўхтаб қолди. Йўлида юрмоқчи бўлди-ю, тўсатдан ўгирилиб деди.

— Эй, бола! — у мени чақирди. — Сенингча сени Хазарула кўради-да, а?.. Ҳақ сеними... Ҳақ Хазарула — кулди Анания, — мен ўзим ҳеч нарсани кўрмайман...

У шундай дея девор ёнидан юриб кетди.

Мен ҳақ эдим. Яланғоч дарахт сўзсиз ҳамма нарсани кўради ва эшитади. Хазарула ярим кечача ўйлади. Ярим кечаси юрагини сиқди ва илдизларини маҳкам йиғиб олди. Унинг илдизларига ўралган ришталари силжиди. Буни сезган Хазарула илдизларини аввалгидан ҳам қаттиқроқ сиқди... Сополнинг четлари дарз кетиб эзилди, аммо кўза бутун қолди. Хазарула илдизларини яна сиқди. Шунда ундан қизил суюқлик оқиб Хазаруланинг кекса илдизларини суғора бошлади. Унинг бутун танасини қалтироқ босди... Бироқ вақт ўтиши

билан у ажиб ширин титроққа айланди. Ўлимга маҳкум ва ташна ҳолда кўзага ёпишди. Сўнг қизил суюқлик оқим бўлиб илдизлари ичида шариллаб оқди. Илдизлари орасида етмиш йилдан ортиқ яшириниб ётган ушбу қизил суюқликни ўзига сингдириб оларди. У ўзи билмаган ҳолда шунча йил кўзани ҳаётбахш ер ости шохлари билан муҳаббат ила чирмаб яшади. Оҳ, у буни қандай яширган ва сақлаган!.. Ёрилган кўзадан суюқлик ҳеч тутанмасдек оқиб кела бошлади. Ташналик билан тутанмас ажабтовур суюқликни симирар экан, Хазарула кўзани янада маҳкамроқ қучди. Танаси фаройиб қувонч титроғидан илиқлик ва хуррамликка фарқ бўлди. Оламдаги барча нарсаларни унутиб, фақат ичишда ҳамон давом этарди. Ниҳоят, сархуш бўлиб, дунё кўзига бошқача кўринди:

Мўъжиза рўй берди!.. Кўза тагигача бўшади, охириги томчисигача Хазарула ичиб қўйди. Бирдан инсониятнинг ва ушбу ғалати суюқликнинг махфий сири ошкор бўлди... Инсонлар бир-бирлари билан қўлида қадаҳ қучоқлашиши, ўпишиши, йиғлаши ёхуд бири-бирини қувлаши, жанжаллашиши, қўл ушлашиб қўшиқлар куйлаши, унинг атрофида рақс тушишларига, ришталарни ювиб ҳурмат-эҳтиром ила ичини ушбу ажойиб суюқлик билан тўлдиришларига энди у ҳайрон бўлмасди.

Хазарула ҳаммасини тушуниб етди, унинг ўзининг ҳам умри охиригача қўшиқ айтгиси, ким биландир қучоқлашгиси, ўпишгиси, йиғлагиси, чопгиси, айлангиси келаётганди... Бироқ, буларни у қандай амалга ошириши мумкин? Бечора Хазарула инсонмас, дарахт бўлиб қолаверади. У эрталабгача қўлидан келган ишни бажарди — ғувиллади ва чайқалди. Эрталаб эса ... Тонгда биқинига урил-

ган қандайдир зарбани ҳис этди. Бироқ, оғриқни сезмади: оғриқ йўқ эди, шунинг учун зарбага эътибор бермади... Сўнг бошқа биқинидан худди шундай зарбани ҳис қилди. Унга ҳам парво қилмади. Зарбалар пойма-пой бўлди, — бир соатдан зиёд. Ниҳоят, у ўзини бошқача туйди, ўннга, чапга чайқала бошлади. Бу чайқалиш тобора кучли бўла бошлади, овоз эшитилди, у чўзиқ ва тезроқ бўлди... Аввалига секинроқ қийшайди кейин эса кучсиз бўлиб ерга ағдарилди. Энди фақат қўл ва елкаларининг қирсиллаган, фирчиллаган товушини эшитди, бўғимлар ва суяклар ёрилди... Барибир заррача оғриқ сезмади, шунчаки кўзларини юмди ва ширин, шундай ҳам ширин уйқуга кетди.

— Тур, тургин эркатойим! — мени бувим уйғотди. — Биласанми, Анания Хазарулани эрта тонгда ағдарибди. Мана бу болтани олгинда, танасидан шохларини кесиб ташла! — деди-ю ўзи ошхонага чиқиб кетди.

Бувимнинг ички сезгиси панд бермаганди: кечаси бирданига қор ёғди. Қишлоқ шундай чиройли бўлдики, худди келинчақдек ясанди. У гўёки фата кийган никоҳланишга тайёр турган келинчақдай эди. Фақат бизнинг уйимиз ғам-қайғу оғушида эди. Яқинда кесиб ташланган Хазарула катта, абжағи чиққан, шохлари синган ҳолатда ётарди. Ғамгин бўлиб, мен ташқарига чиқдим. Дарахтнинг шохларини чопишдан олдин кундага ўтирдим. Ўтириб қаттиқ диққат қилиб, разм солдим ва тош қотдим: олма дарахтининг синган, томирлари очилган жойлардан қизил — қонсимон суюқлик оқарди.

— Бувижон! — бақирдим мен.

— Сенга нима керак ўзи? — уй ичидан туриб сўради у.

- Бир дақиқага бу ёққа чиқинг.
- Нима гап?
- Келинг ўзингиз кўрасиз.
- Нима бу? – ҳайрон бўлиб сўради у.

Балки бу дарахтнинг қонидир, – титраган овоз билан дедим мен.

– Бўлиши мумкинмас. Ҳозир январь ойи, барча ўсимликлар уйқуда, улар сокни ўзига февралда йиғишади, – деди бувим.

У қизил суюқликка бармоғини тикиб ҳидлади ва бирданига қўрқиб менга қаради.

– Чури¹ни оч! – деди бувим.

Мен шу заҳоти ерда кўмилган кўзанинг қопқоғидаги тошни олиб четга қўйдим. Бувим билан бирга унинг ланг очилиб қолган оғзига қарадик. Не кўз билан кўрайликки, у бўм-бўш эди!..

– О, Парвардигорнинг мўъжизаси! Она Мариям, ҳақиқат кўзгуси...

Муқаддас Мариям ҳаққи-ҳурмати, бизга раҳм-шафқат қилгин, биз бечораларни ақдан оздирмагин! – дея бувим титраган овози билан ёлворди.

Қўлини осмонга чўзди ва аста-секинлик билан тиззалаб чўқди.

Хазарула, совуқдан сесканиб, кўзини очди. Унинг бу ноодатий ҳолатида дунё остин-устун бўлгандек туюлди. У ҳайрон қолди. Аввалига у барчаси учун ажиб қизил суюқликни айблади. Бироқ у тўнқада болтага тирсаги билан суяниб ўтирган хомуш йигитни; сал нарида, оғзи очик кўза олдида, оппоқ қор устида қора кийимли кампир қўлларини осмонга чўзиб ўтирганини кўрди. Нима бўлганини дарров тушуниб етди: унинг ўзи, Хазарула, жон берганди. Ва у кўзларини юмди.

Абадийга юмди.

¹ Чури – ерга кўмилган хум.



САЙРОҚИ ҚУШЧА

Тонг ғира-ширасида Бедиа Чиквани қушчанинг ёқимли овози уйғотди. Қушча сайрамади, бироқ у ё кимнидир чақирди, ё ким биландир янгилик алмашди.

— Деразани ланг очиб қўйиб, ҳой — тилла тумшуқли қушча, тилингга асал ва шакар, — дея Бедиа уни қаршилади. Кейин уни овози орқали узоқ қидириб, ниҳоят қушчани кўрди. Дарвоза бўйлаб ўсган граба шохида сакраб ва питирлаб қорабошли қушча турарди. Йўқ у питирламаётганди у аниқ кимнидир чақираётганди ёки янгиликдан воқиф қилаётганди. Кимни? Ким билан гаплашяпти? Бедиа ҳовлининг ҳаммаёғини дарахтлар ва бошқа жойларни обдан текшириб чиқди. Аммо иккинчи қушчани тополмади. Бироқ қорабошли қушча дарахт шохида қўниб ҳеч қанақа овозсиз ўзининг қушчалар тилида нималарнидир шивирларди.

— Қорабош қандайдир янгиликдан шикоят қилаётганди. Бедиа грабадан анор дарахтига қўнган қушчага нигоҳини қадаб кулди.

— Чи-чи, чи-чи, чи-чи... жавоб берди қушча.

— Сенинг «чи-чи, чи-чи» деб сайраётганинг маъносини жуда яхши тушунаман... Ҳа менинг тилла тумшуқли қушчам, мен сенга дунёдаги бар-

ча яхшиликларни истайман, — дея ўз-ўзига гапириб Бедиа кийина бошлади.

— Чи-чи, чи-чи! — дея қушча яна сайради. Кейин қорабошли ёнроқ дарахтига қўнди.

— Ҳа бариси сенга бўлсин! — Мен ҳаммасини тушундим, тонг ёришди, қуёш чиқди, кун бошланди. Мен ўрнимдан туриб, ўз ишим билан шуғулланишим керак... Мен худди шундай қиламан. Яна нима қилишим лозим. Бундоқ одамга ўхшаб гапир!

— Чи-чи, чи-чи!

— Аҳ, бундай чи-чилашингдан ўргилдим! — Бедиа қўлини силтади. Қушча жойини ўзгартириб, тўнкага ўтирди. Бошини айланмасига қилиб, кўз қири билан Бедиа яна бир бор қидирди-ю, яна: чи-чилади!

Бедиа ҳайрон бўлиб қараб турди-да, «у ким билан бунча сирлашади», — деди. Атрофда ҳеч қандай қушча кўринмасди, улар учиб кетишганди!

Бедиа шошилмай ҳовлига чиқди, жўхори омборига келди, нарвондан юқорига кўтарилди, учта сариқ сўтани олиб нарвондан тушмай туриб, омбор олдига ҳар томондан югуриб келган товук ва куркаларни озиқлантирди.

— Квист, квист, чиқ-чириқ! — дея ўзини эслатди қорабош.

— Ҳой, тилла тумшукли, тилла тумшукли қушча, сен нимани хоҳлайсан ўзи? Овқат ейшни истайсанми? Марҳамат, хоҳлаганингча егин, агар бўкишдан қўрқмасанг. Қушча таклифни қабул қилди. У ҳеч қандай тортинмай, товук ва ўрдакларга қўшилиб, донларни чўқиллаб юта бошлади, бироқ улар билан келишолмай, дарҳол у ерни тарк этди.

— Мен сенга нима дегандим? — заҳарханда қилди Бедиа. Нарвондан тушиб ошхонага кирди, ун солинадиган кандикдан элакни олдида бир неча бор қоқди, қолдиқларни тўдалаб қорабошни овқатлантириш учун ҳовлига қайтиб чиқди, аммо қушча учиб кетганди.

Тушдан кейин почтачи Геронтий Цанава келди.

— Ҳурматли Бедиа, сендан зиёфат. Тбилисидаги ўғлингдан телеграмма келди.

— Унга нима керак бўлиб қолдйкин?

— Мана ўзинг ўқиб кўргин, бу ерда бариси ёзилган.

Бедиа почтачи кўлидаги телеграммани олди ва кўзойнак тақиб, баланд овозда ўқий бошлади:

«Гульрипши Будённий кўча, саккизинчи уй, Бедиа Чикванига. Зудлик билан беш юз сўм пул жўнатинг. Соғман, сизни ўпиб, Гванджи».

— Сен нима деб валдирагандинг? Зиёфат? Сени ўзи уйга киргизмаслик керак экан. Нима қиламиз энди сенинг касбинг шундай бўлса! — Бедиа телеграммани деворда қоқиб қўйилган михга илди-да, вино келтириш учун ошхонага йўл олди. Геронтий Цанава стулга бемалол жойлашиб олиб мўйловини силади-да, уй эгаси вино келтиришини кутди.

Бедиа кўлида кўза билан остонада пайдо бўлди-да, винони фақатгина Геронтийга қуйди.

— Ҳурматли Бедиа виноинг зўрлиги шундоққина рангидан ҳам кўриниб турибди. Сен уни шундай авайлайсанки... Геронтий ўзининг ҳаяжонини яширолмади ва сўз айтиш учун ўрнидан турди.

— Оҳ, сенинг сўзинг, Геронтий Цанава. Сен олдин винони ичиб кўр, кейин ўз заҳрингни сочасан. Балки бундай вино бутун округда йўқдир?

Ўз сўзини янада қатъийроқ тасдиқлатиш учун Бедиа ўзига ҳам винодан қуйди.

— Қани ичамиз ... шундай. Худо бу хонадонга фақат яхшиликлар келтирсин. Тўкин дастурхон, қолганини эса ҳурматли Бедиа, ўзингиз тўғрилаб оласиз. Қора денгизда сизга ўхшаган бағрикенг инсонлар кўп бўлсин. Раҳматли рафиқангиз ҳурматли Эсменинг хотираси абадий бўлсин. У ўз ўғлининг бахтини кўролмади, боёқиш. Сиз бу уй учун ҳам ота, ҳам онасиз. Ушбу хонадоннинг бахтли келажаги учун, сизнинг кичкина Гванджингиз учун! — Геронтий стаканни бир нафасда кўтарди.

— Раҳмат! — Бедиага миннатдорлик билдирди.

Геронтий ичилган виноси ошқозонига жойлашишини кутди, кейин кўзи ва қўлини осмонга кўтариб нафас олди.

— Бедиа Чиквани сен бемаза ва ғирт бетавфиқ одамсан!.. Эҳ, Парвардигор, менинг Карло Варахда даволаниб келганимга бир ой бўлувди-я!

— Сен нима, эсингни еганмисан, Геронтий Цанава? — сергак тортди Бедиа.

— Мен сенга дўстманми ёки душман, Бедиа Чиквани? Қандли диабетни зўрға ўз ҳолига келтиргандим, сен эса мени расво нарса билан суғординг! Энди мен нима қиламан?!

— Бундай телеграмма учун мен сени нима билан суғоришим керак эди?

— Агар сен буни бошқа нарса деб ўйлаётган бўлсанг Бедиа Чиквани, қаттиқ янглишасан, деди Геронтий ва ўзига иккинчи стаканни қуйди.

— Чи-чи, чи-чи, чи-чи — қорабош бирданига сайрай бошлади.

— Олдим, ажойиб хушxabарни олдим, хурсанд бўл! Беш юз сўм сўраб келишди... Тийин,

тийини билан... Шунинг учун эрталабдан чи-чиладингми-а? Ҳе падар қусур!..

— Ким билан гаплашяпсан Бедиа? — ҳайрон бўлди Геронтий.

— Ҳа, қўйгин қушча билан бироз гаплашай! Эрталабдан бери шундай чи-чилашни бошлади-ки, қулоқ мияни еворди. Мана энди чи-чилади, роппа-роса беш юз! — Бедиа қушчага астойдил қўл силкитди. Қўшча пир этиб учиб, арчага қўнди.

— Чи-чи, чи-чи!

— Сенга «чи-чи»лашни кўрсатиб қўяман! Йўқол, бу ердан жаҳли чиқди Бедианинг.

— Тегма энди, сени қуш тилини тушунишингни билмас эканман! У нима ҳақда сўзлаяпти? — хахолаб кулди Геронтий.

— Ўзинг сўрагин, — тушуниб оласан!

— Сенга нима керак қушча? — сўради Геронтий.

— Чи-чи! — жавоб берди қорабош.

— Бўлиши мумкин эмас! — ҳайрон бўлиб Геронтий ўзига винодан учинчи стаканни қуйди.

— Қани бу ердан иккаланг ҳам йўқол! Бир бало қилмасимдан — Бедиа тош олиш учун ерга эгилди. Қушча учиб кетди.

— Тошни ерга ташла, Бедиа Чиквани! Мен қуш эмасман, кетишим керак бўлса ўзим кетавераман! Геронтий учинчи стакан винони сипқариб дарвоза томон йўл олди.

— Бундай телеграмма билан зиёфатни умид қилмагин. Азизим Геронтий, почтадан тўғридан-тўғри телефон қилиб мазмунини айтиб қўя қол. Тушундингми? — ортидан югура туриб бақирди.

— Тушунарли! — деди Геронтий ва қўшиқ хиргойи қилганича ҳовлини тарк этди.

Бедиа бир соат беҳуда у ёқ- бу ёққа юрди-да кейин Гогелия қўшнисиникига қарз сўраб чиқди.

— Жуда ҳайратланарли, ҳурматли Аграфена! Эрталабдан қушча тинчлик бермади! Тушдан кейин Геронтий Цанава телеграмма кўтариб келди. Менинг меросхўрим пул сўрабди!.. Соғсаломатман, яхши юрибман деб ёзибди, бироқ беш юз сўм юборишим керак экан. Бунча пул нимага керак бўлиб қолдийкин, ҳайронман! Бир ой олдин шунча пул жўнатгандим. Бедиа қўшнисига дардини ёрди.

— Ҳурматли Бедиа, сизнинг ўғлингиз ҳақида гап кетмаяпти... Ҳозирги ёшлар... Уларга ҳеч қандай ишонч қолмаган!.. Бир муддат уларни холи қолдирдингми, дарров қанақадир ёмон ишларга аралашиб қолишади.

— Худо сизга ёр бўлсин, ҳурматли Аграфена, сиз нималарни гапиряпсиз! Бедиа қўрқиб кетди.

— Бу бор гап ҳурматли Бедиа... Мана Палладия Когоскуанинг ўғли... Хотинини олиб келди, худо кечирсин-у, кўчадан топганми дейсан... Кўрсанг алламбало, қайнота ва қайнонасининг қулоқ миясини қоқиб қўлига берди!

— Худо сақласин. Бола эсини йўқотиб қўйганми дейман?

— Ҳа, эсини йўқотганлиги кўриниб турибди...

— Мана сенга бахтсизлик!

— Азизам Бедиа шунинг учун сиз эҳтиёт бўлишингиз керак... Ўғлингизни у ерда ...ўша ... ҳалиги билан... Ҳа! — Аграфена қўшнисини огоҳлантирди. «Ўша... ҳалиги» деганда пул назар-

да тутилганди. Бу сўзларни айтар экан, аниқроқ бўлиши учун бош бармоғи билан кўрсаткич бармоғини ишқалади.

Бедиа қўшнисидан ҳайрон бўлиб уйига қўрқув билан қайтди. У кўча эшигини очиши билан уй айвонининг устунида қўрқиб турган қора тумшукли қушча гилоснинг шохига сакраб ўтиб чи-чилай бошлади.

— Чи-чи, гук-гук, чи-чи!

— Сўзлагин, менинг бошимда яна нима ташвишлар бор! Юрагимни ўйнатяпсан, хаҳ ярамас, — бақирди Бедиа.

— Чи-чи, чирик!

Бедиа кўзи билан ердан тош қидира бошлади, қушча эса пир этиб учиб кетди, у эса ердан тошни олиб чўнтагига солиб қўйди.

— Чи-чи, чи-чи, чи-чи! — дея қушча чирқиллади. Қушча уйнинг олдидаги нок шохига қўниб, яна чирқиллади.

— Тилла тожли қоратумшук, тилла тожли тумшук! Парвардигор, бу қушча нега бунча чирқиллайди, ҳеч тушунмайман! Менга ҳеч қандай бахт кулиб боқмаяпти!

— Чи-чи... дея бошлаши билан Бедиа бирданига қушчага қараб отган тоши деразага бориб урилиб, ойнани чил-чил синдирди.

Қушча эса шу заҳоти учиб кетиб қўшнининг деворига қўнди.

«Мана энди машмаша бошланди»... ўйлади Бедиа. У айвонга кўтарилиб хонага кирди, синган ойнага қаради. Аввал қўлини, кейин бошини ювди. Сўнгра ҳақиқатан ҳам ойна синганига ишонч ҳосил қилди. Ундан сўнг тахтага ўтириб ўйлай бошлади.

«Ё, Парвардигор менинг бошимга келган бало шу синган ойнага урсин... Қушча нега менга бунча ёпишиб олдийкин, у мендан нимани хоҳлайди? Эй, Худо бу қандай кўргилик бўлди. Парвардигоро унга инсон тилини ўргат, ёки менга қушнинг нима хоҳлашини айтгин. Биз бир-биримизни тушунишга ҳаракат қилайлик... Сезиб турибман, қушча менга ниманидир айтмоқчи... Ёки ўғлимнинг бошига бирор ташвиш тушдими?.. Аграфен ҳозирги ёшлар ҳақида нима деди? «Шундай уларни холи қолдирсанг, тамом, дарров бир балоларга илакишиб қолишади...» Унинг тилига чипқон чиқсин, бадбахт кампир!.. «Хотин олиб келди, — тўғридан-тўғри кўчадан... Балки кампир мендан ўғлим ҳақида ниманидир яшираётгандир... у... шундай ...» Йўқ, у балки уйлангандир? Нима қипти? Мен унга қачондан бери айтиб келяпман: ўғлим уйлангин, невараларимни ўйнатгим келаяпти... Нимага у менга бу ҳақда ҳеч нарса демади? Демак, яхши қиз учрамаган... Устига-устак Геронтий нохуш бир хабарни олиб келди... Қанақадир қандли диабет ҳақида гапирди. Хотиним ўғлимнинг бахтини кўролмаганини ҳам қистириб ўтди...»

Бедианинг хаёлидан шу гаплар ўтди-да, ваҳимага тушиб, телефонга ёпишди.

— Алло, бу почтами? Ким бу? Пация? Ким? Жужина? Азизам почтачи, Геронтий Цанавани чақир. Мен Бедиаман, Бедиа Чиквани! Унда озгина ишим бор...

— Ҳурматли Бедиа, у ишда йўқ. Очамчирега Шакира Эзугбаянинг таъзиясига кетган. Эртага эрталаб келади...

— Ҳақ ярамас! — Бедиа жаҳли чиқиб телефон гўшагини қўйди ва ҳовлига чиқиб кетди.

— Чи-чи, чи-чи, чи-чи... чир... Чи... у қорабошли қушчанинг чийиллашини эшитди. Қушчанинг овозида қайғу, алам шунчалик кўп эдики, бундан Бедиа қаттиқ таъсирланди. Унинг сочлари тикка бўлди, юзидан совуқ терлар чиқиб кетди.

— Ақддан озиб бир нима қилиб қўймасимдан олдин, бу ердан тез қорангни ўчир. Бедиа қушчага ялиниб ердан тош қидира бошлади. Қушча инсоннинг бу фикрини гўё тушуниб етгандай тезда учиб кетди.

Бундан ҳаяжонланган Бедиа яна қўшнисининг уйига қараб йўл олди.

Азизам Аграфена, мени қандайдир нохушлик чулғаб олганга ўхшайди!.. Бу лаънати қушча менга ҳеч ҳам тинчлик бермаяпти.

Эрталабдан питирлаб жуда қаттиқ безовта бўляпти. Уни ҳар нарса — тилла тожли қоратумшуғим, асалим, шакарим ва яна алланималар деб овутидим. Ниҳоят тош отиб кўрқитиб ҳам кўрдим... Йўқ, барибир фойдаси бўлмади!.. Эрталаб сиз ҳар хил воқеалар ҳақида... Тўғри кўчадаги бузуқи аёлни олиб келган деб... Балки менинг ўғлим ҳақида нималардир биларсиз?.. Сизга Илорск хочи ҳаққи ялиниб-ёлвораман яширманг, менга нима билсангиз барисини айтиб беринг!.. Бўлмаса мен ақддан озиб қоламан, биласиз, у менинг ягона фарзандим!..

— Худо ҳаққи, ўлдилинг мени, — деб бақирди Аграфена. — Шундай дегани уялмасизми, ҳурматли Бедиа! Эркак киши бўлиб бир қушчанинг сайраганидан кўрқдингизми?! Агар нимадир бўлганда эди, унда мен яширган бўлармидим? Мен шунчаки, омади гапга айтдим-

қўйдим-да! Сизнинг ўғлингизнинг бунга нима алоқаси бор?! Қушча эса... Нима учун сизнинг ҳовлингизда мунгли сайради? Унга нима бўлди?

— Қорабош, худди бир нарсадан безовтадай.

— Қо-ра-бош — дея чўзиб айтди Аграфен. Сиз балки уй олдида сассиқпопишакни кўргандирсиз?

— Йўқ...

— Унда ҳаммаси яхши бўлади! Қорабошнинг йиғлаши, ҳурматли Бедиа, яхшиликка эмас, унинг ортидан сассиқпопишак пайдо бўлса, яна ўзини тожини ёйса унда кўрасиз... Сиз ҳар нарсани кўнглингизга олаверманг. Аммо яхшилаб эсланг, Отиа Гвинджилиянинг ўғли билан нима воқеа содир бўлган... Лосол балиғи овлашга кетганди, бахтиқаро. У қўлини тўрга тиқиб чиқариб ололмаган. Ҳазабланган Кодори унинг қўлини еб қўйган... Сизнинг ўғлингизга нима бўлган? У шаҳарда яшаса... Яна марҳамат қилиб айтинг-чи, у соғ-саломат деб ёзган бўлса... Агар у уйланган бўлса, унда хурсанд бўлиш керак! Нега ёмон нарсаларни ўйлаш керак экан?! Бундан ташқари фоҳишахонадаги қизларнинг ҳаммаси ҳам ёмон бўлавермайди... Адашиб қолганлари ҳам бор. Шундай экан, қушча деб ҳар хил хаёлларга бориш, ҳурматли Бедиа, гуноҳ...

— Худодан сизга соғлик тилайман, тасалли бердингиз менга...

Бедиа уйга ниҳоятда кайфияти бузилиб қайтди.

— Чи-чи, ку-ку, чи-чи! — қушча уни дарвоза олдида чирқиллаб кутиб олди.

Бу ҳолатдан Бедиа ақлдан озиб қолай деди. У ердан тош тополмай, оёғидаги туфлисини ечиб қушчага қараб отди. Бироқ, у қушчага тегмади. Туфли эса дарахтга илиниб қолди. Шундан

кейин у иккинчи туфлисини ҳам ечиб, қушчага отиб юборди. Туфли эса унга тегмай ерга қайтиб тушди. Қорабошли қушча ҳайрон бўлиб Бедиага ёвқараш қилиб, қўниш жойини ўзгартирди. Бедиа туфлиларини йиғиштириб қўлига олиб, уйигача оёқяланг борди. У зинапоялардан югуриб чиқиб, хонасига кирди ва столга ўтириб олди.

Хат! Ўғлига хат ёзиши керак — ўзи нима ишлар бўляпти? Қушча Бедиа Чикванинг уйи қаршисида бекордан-бекорга бунчалик чирқилламайди. Ҳаётда ҳеч нарса сабабсиз содир этилмайди. Йўқ, ёзиш керак! Хат етиб боргунча жавоби келади... Узоқ кутишга юрак кўтармайди! Телеграмма! Телеграмма момақалди роқдек етиб боради.

Бедиа қутидан қоғоз олиб телеграмма ёзишга киришди.

«Тбилиси Палиашвили 714 Амаглобели Гванд-жи Чикванига.

Шошининч телеграмма жўнат отанг соғ-саломат».

Йўқ, ундай эмас. «Оилавий шароит туфайли телеграмма жўнат...» Йўқ, ундай эмас. Бўлмаса қандай оилавий шароит туфайли?!»

Балки, бундайдир: «Тез етиб кел отанг соғ-саломат». Йўқ, бундай деса у қўрқиб кетади... Бедиа қоғозни йиртиб, бомбукли ахлат челаққа ташлади. Яна қайтадан бошлади.

«Тбилиси Палиашвили 714 Амаглобели Чикванига шошининч.

Ўғлим тезда етиб кел, қўрқма мен ўзимни яхши ҳис этаяпман, сени ўпиб қолувчи отанг Бедиа».

Йўқ бўлмайди. Агар мен ўзимни яхши ҳис қилсам, унинг зудлик билан келишига не ҳожат. Унда нега шошилиш лозим.

Бедиа ёзган матнидан «шошилинч» сўзини ўчириб ташлаб, ўрнига «софиндим» сўзини ёзди. Шу пайтда қорабошли қушчанинг синган ойнадан шикоятомуз чирқиллаган овози эшитилди.

— Чи-чи, чи-чи, ку-ку, чи-чи...

Оқариб кетган Бедианинг қўлидан ручкаси тушиб кетди. У ўрнидан туриб шкафни очди, у ердан қўшоғиз милтиғини қўлига олди. Айиқни отадиган иккита патронни стволга жойлаштириб, дераза олдига келди. Қушча ёнғоқнинг шохига ўтириб сайрашда давом этарди.

— Чи-чи, ку-ку, чи-чи, чиқ-чиқ!

— Гира-шира пайт. Бедиа милтиқни елкасига қаттиқ тираб олиб, ўлжани узоқ нишонга олди. Кичкина қорабошли қушчани мўлжалга олиб, Бедиа ўйлади: «Ё, Парвардигор, кечир!» — дея иккита ўқни бирданига босворди.

Қаттиқ ўқ овози бутун қишлоққа эшитилди.

Бундай даҳшатдан кўрққан қўшнилари қотиб қолишди: абжағи чиқиб кетган Бедиа дераза олдида бошланг чалқанчасига юзтубан ҳолда ўз қонига ўзи беланиб ётарди. Ёнида эса синган қўшоғиз милтиғи бор эди.

Бедианинг милтиқ отиши ва унинг ўлими сабабининг ҳеч ким тагига етолмади. Бутун қишлоқ бўйлаб гап-сўзлар, ғийбатлар болалаб кетди, у нафақат қишлоққа балки қўшни қишлоқларга ҳам тарқалди.

— Эрта билан унинг хаёли жойида эмасди. У почтага телефон қилиб Геронтий Цанавани сўрабди. Почтачи Геронтий унга ўғлидан телеграмма келтирган экан, унда ўғли пул жўнатишни ёзганди. — Бунинг учун у ўзини отмаса керак! Балки уни...

– Йўқ у ўлдирилганга ўхшамайди!.. Мана милтиқ... Уни милтиқ қандай шу аҳволга солдидикин!..

– Буни қандай тушунтирса бўлади...

– У менинг уйимга икки марта келиб кетди. Қаттиқ ҳаяжонланаётганди. Қушча ҳақида гапирганди, телеграммадаги ташвишли хабар унга қаттиқ таъсир қилган... Қандайдир гиёҳлар, фоҳишахонадаги бир аёл ҳақида, қолганини эслолмайман... У ҳаяжонланаётгани аниқ эди...

– Наҳотки ўғли айбдор бўлса?

– Ўғли ҳақида мен ҳеч қандай нохуш сўз эшитмадим. Менинг ўғлим билан тиббиёт соҳасида бирга ўқишади...

– Мана-мана! Тиббиётда ўқийдиганлар безори ва кўча боласи экан...

– Сен кўчадагиларнинг ҳар хил гапларига ишонма!.. Сенинг ўғлинг педагогика институтида ўқийди, безорилиги учун қамоқхонада икки йил ўтириб чиққан!

– Аҳмоқлиги учун: бизнинг ишимиз юқоридаги касацияда, энди тилни тийишга тўғри келади!

– Худо сақласин!

– Ҳа, Худо сақласин, ана шундай!

– Мана инсоннинг тақдири... У билан гаплашсан, соғлиги ҳақида ўйлайсан, у эса энди бу дунёда йўқ...

– Стол устида қандайдир телеграмма турибди. «Мен ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман...» Бу нима дегани?..

– Яхши бўлади-да! Ҳеч ким, ҳеч қачон безовта қилмайди...

– Кўриниб турибди, аслида бахтиқаро ўғлини чақирган экан.

— Қаранг, ҳаш-паш дегунча бир оила бир-пасда йўқ бўлди. Энди уйга ўт қўйиб юборсангиз ҳам бўлаверади!..

— Эҳ, шундай ажойиб эркак йўқ бўлди-я?

— Қаранг, милиция келаяпти? — кимдир секин шипшиди, бироқ ҳовлида жимжитлик ҳукмрон эди.

Қорабошли қушча Бедиа Чиквани ҳовлисида учиб юрганида қоронғи тушиб қолганди. У ёнғоқ дарахтининг шохчасига қўниб, қаттиқ ҳаяжон билан чирқилларди:

— Чи-чи, ку-ку, чи-чи?

Қаердандир иккинчи қорабошли қушча учиб келди-да, биринчиси ёнига қўниб ниманидир сўради.

— Чикот-чик, чит-чик, чика! — Сен эрталабдан бери кимнидир қидиряпсанми?

— Чирик-чик, чик-чирик, чик! — Полапоним йўқ эрталабдан буён кўринмайди!

Чик-чук, чик, чи-р! — Қўрқмагин, сенинг қушчанг топилади! Биринчи қорабошли уни тинчлантириб учиб кетди.

— Квист, квист, чирик, чирик, квист, чирик! Сен қаёққа кетиб қолдинг болам, овоз бергин! — яна бир марта шикоятмуз чақирди қушча. Ҳеч ким унга жавоб бермади. Узоқдан бошқа ҳовли дарвозасидан иккинчи қорабошли қушчанинг овози эшитилди:

— Чик-чик, чик-чик-чик... — Полапонингни топдингми?

— Чир, чик. — Йўқ тополмадим! — жавоб берди биринчи қушча йиғлаб туриб ва учиб кетди.

Ҳовлидан таъзияга тўпланганлардан ҳеч ким унинг дарахтта қўнганини ҳам, учиб кетгани-

ни ҳам, гапирганини ҳам англаб етмади. Барча ўзининг қайғуси, ўзининг шахсий фикри билан банд эди.

Бедиа Чикванининг ҳовлисидаги ланг очилган дарвозаси остонасида қайғули оқшом бошланди...





КЎНГИЛ ИСТАГИ

Б аҳорнинг мусаффо, майин тонги; ҳаво тиниқ ва тоза. Мен ўрмондаги гулларга кўмилган кенг яланглиқда, қуриган кекса жўка дарахти тагида узоқларга тикилиб турардим. Уfq этагида камалакнинг барча рангларида жилваланиб — енгил, ажабтовур гирдоб вужудга кела бошлади. Гирдоб мисли шўх-шодон рақсга тушаётгандек айланиб яқинлашиб келарди. У бирданига майин, гўзал чойшабга айланиб, жўка дарахтини атрофидан ўраб олди. Кейинги содир бўлган ҳодиса — мўъжиза эмасди. Содир бўлмаса, мўъжиза бўларди: дарахт жонланди, нафас олди, майин барглари шивирлади. Камалак чойшаб эса улкан гулдор капалакка айланиб, дарахтнинг учига қўнди.

— Туш пастга! — дедим мен.

Капалак шохлардан учиб ўтиб ерга тушди ва қаршимда гулли кўйлақда мовий, пушти, олтин-мисол қизалоқ кўринишида пайдо бўлди.

Қизча менга боқди ва мафтункор жилмайди. У етти-саккиз ёшлар атрофида эди.

— Салом! — дея шивирладим музлаган ҳолатда бу ажиб шарпа бирдан ғойиб бўлиши мумкинлиги хаёлимдан ўтар экан.

— Салом!

Қизчанинг бу жавоби менинг вужудимга самовий мусиқанинг бир парчасидай таъсир ўтказди. Ва бу таъсир бутун суҳбатимиз давомида мени тарк этмади.

— Сен камалакмисан?

— Йўқ.

— Баҳормисан?

— Йўқ.

— Сени нима деб чақирай?

Қизча антиқа, нотаниш ва менга тушунарсиз сўзни айтди — мен эса эслаб қололмадим.

— Сен кимсан?

— Мен — борлиқман.

— Қанақасига?

— Шундайига! — Қизча менинг бефаҳмлигимдан ажабланди.

Менда даҳшатли шубҳа пайдо бўлди.

— Сен... Сен бошқа сайёрадан учиб келдингми? — деб сўрадим ва жавобни кутиб тек қотдим.

Қизча бошини қимирлатди. Мен лабимни тишлаб олдим ва оғзимда қон таъмини сезиб содир бўлаётган нарсалар хаёлимда эмаслигини тушуниб етдим.

— Сенинг сайёранг нима деб номланади?

Қизча антиқа, нотаниш ва менга тушунарсиз сўзни айтди — мен эса яна эслаб қололмадим.

— Сайёрангиз қандай?

Қизалоқ елкасини қисди.

— Хўш... Сенга қандай тушунтирсам экан... Сизларнинг сайёрангизда нима бор — тоғлар, денгизлар, кенг далалар, яйловлар борми? Сизларда совуқми ёки иссиқми? Бир сўз билан айтганда, у ерларда қандай?

— Худди мен каби.

– Шаффоф, жисмсиз, рангли.

Қизча жилмайди ва бошини сарак-сарак қилди.

У узоқдами?

Қизча «узоқ» сўзи маъносини тушунмади. Мен қўлим билан осмонни кўрсатиб :

– У-зо-о-оқ, у-зо-о-о-оқ... – дедим.

– У-зо-о-оқ... – қизча менинг сўзимни қайтарди.

– Сенга бизнинг тилимизни ким ўргатди? – давом этдим мен.

– Мен ҳозир ўрганияпман, – жавоб берди у.

– Сизлар қайси тилда гаплашасизлар?

Қизча пушти лабларини очди ва... Бутун чоратроф куйлай бошлади. Ер ва ҳаво, гуллар ва дарахтлар, ҳаттоки ёшарган жўка дарахти ҳам куйлади... Мен мисли денгиздаги балиқдек ушбу антиқа ёқимли мусиқа оламида сузардим... Бу бир дақиқача давом этди.

– Бу сизнинг тилингизми?

– Ҳа. У сенга ёқдимми?

– Сен уни ҳамма ҳам тушунади деб ўйлайсанми?

– Албатта!

– Қандай қилиб?

Қизча яна куйлади. Энди у атрофимиздаги нарсаларга қўли билан ишора қилди ва уларнинг номлари қўшиқда алоҳида мусиқа билан умумий мувозанатни бузмаган ҳолда янгради. Умримда ҳис этмаган фароғатни қалбимда туйдим. Агар ўлимимдан сўнги ушбу мусиқа тўхтамай давом этишига ишончим комил бўлганда, ҳеч иккиланмай, дарҳол жон беришга рози бўлардим.

Аҳволимни тушунган қизча жим бўлди.

— Олдимга кел! — дедим мен. Қизча менга яқинлашди.

— Янада яқинроқ. Сени қучоқласам майлими?

Қизча менга яқин келди. Мен қучоғимни очдим, уни бағримга босдим ва ушбу ўзга сайёраликнинг танаси юрагимни илиқлик ҳамда қувончга тўлдирган ҳолда бағримга сингиб кетганини ҳис этдим.

— Сен... Сен менинг кимлигимни биласанми?

— Йўқ!

— Мен инсонман... Гўшт, ўсимлик, сув билан озиқланаман, ҳаводан нафас оламан, қуёш билан барҳаётман...

— Ўзинг-чи? Ўзинг кимсан?

— Мен инсонман, — дедим-ку. Менинг ота-онам бор, уларнинг ҳам ота-оналари бўлган ва ҳоказо...

— Энг биринчи ота-оналар кимлар эди?

— Буни мен билмайман.

— Демак, сен ўзингнинг кимлигингни билмайсанми?

— Ҳм... Билмайман...

— Сен бу ерда нима қиляпсан?

— Бу ердами? Деярли ҳеч нарса... Шундай турибман, ҳаводан нафас олаяпман... Мен касалман. Сен касаллик нималигини биласанми? Ҳар тонгда мен мана шу чиройли гулларни томоша қилгани, тоза ҳаводан тўйиб нафас олгани келаман. Сен мана бу дарахтга бардамлик бахш этганинг каби тоза ҳаво ҳам менга куч бағишлайди.

Сенга нима бўлган? — сўради қизалоқ ташвишли оҳангда.

— Оғир юрак хуружини бошимдан ўтказдим. Сен ўзи юрак нималигини биласанми?

– Й-йўқ.

– Ҳар бир инсонда юрак бор. Юраксиз инсон яшолмайди. Мана бир неча йилдирки юрагимга ёриқ бор... Мана, ўзинг кўр?

Мен ўз кўкрагимга қизнинг нозик пушти кўлини кўйдим. Шунда юрагим ёқимли ҳаётбахш илиқлик туйди.

– Ҳа... Энди мен шу ерга қатнайман, чечаклар исидан нафас оламан... Ҳозир бироз яхшиман, бироқ юрагимга аввалги куч қайтармикин?

Қизча жим бўлди.

– Сизлар касал бўлмайсизларми? – деб сўрадим.

– Нега энди, касал бўламиз.

– Сизнинг касалингиз нима билан боғлиқ?

– Биз оқарамиз, ўз қизиллик ҳолатимизни йўқотамиз.

– Сизлар қандай даволанасизлар?

– Биз рангларимизни бир-биримизга ўтказамиз. Қандай тушунтирсам экан... Биз бир рангдан бошқасига ўтиб, бир-биримизга айланамиз ва ўзаро абадий барҳаётликни баҳам кўрамиз... Сайёрамиз сизнинг тилингизда – абадий ранглар сайёраси деб аталган бўларди... Маъқулми?

– Ажойиб! – Қизнинг кўзлари шодлиқдан яшнаб кетди.

Бирдан яланглик қалқигандай бўлди. Гуллар чайқалди. Жўка дарахти қирмизи ёруғлиқдан ярақлаб кетди. Узоқдан бизга қараб шимол ёғдусига ўхшаш алақандай нарса бостириб келарди.

– Менинг онам! – хитоб қилди қизча.

Шу онда атроф-борлиқ коинотнинг фаройиб, илоҳий уйғунлигига даҳддор мафтункор товушларига фарқ бўлди. Тасвирига тил ожиз. Ялангликни

қоплаган беҳисоб гуллар бетакрор, майин, дилни жунбишга келтирадиган оҳанглар таратувчи, ўзига хос муסיқий асбобга айланди. Бу — табиатнинг улур мадҳияси, борлиқнинг буюк қўшиғи, абадий ранглар сайёрасининг икки фуқароси бўлмиш она ва қизининг қалблари туташуви эди. Бу хаёлий маҳлиёлик қанча муддат давом этганини билмайман... Ўзимга келганимда рўпарамда қизалоқ жилмайганча турарди.

— Алвидо, эй инсон! — деди у.

— Кетаяпсанми? — сўрадим мен ҳазин овозда.

— Кетишим керак. Онам чақиряпти.

— Мени ҳам ўзинг билан олиб кет! Ўтинаман! олиб кет!

— Уйингни ташлаб кетасанми? — ҳайрон бўлди қизча.

— Агар юрагим шифо топмайдиган бўлса; мени ўлим, сўнг чириш кутаётган бўлса, барибир эмасми? Мен ўлимдан қўрқаман... Мени ўзинг билан олиб кет, гуларинг, шаффофлигинг, боқийлигингни... инъом эт. Мени ола кет!

Қизчанинг оёқлари остида тиз чўқдим.

— Аммо сени ўзим билан олиб кетолмайман, эй инсон! — Қизча афсус билан керишди.

— Нима учун?

— Чунки сен — моддий мавжудотсан. Сен қачонки гулга, тилакка айлансанг, шундагина мен сени орзу қилиб ишташим... ва ўзим билан олиб кетишим мумкин бўлади.

— У ҳолда орзу қил!

— Қандай қилиб? Ахир мен шу ерда, сен билан биргаманку!

Уйинга — абадий ранглар мамлакатига қайт ва ўша ерда мени орзу қил!

Бироқ бунинг учун сен ўзинг ранг ва орзуга айланишинг керак!

— Қай пайт, қачон?!

Буни сени онанг — Она Замин ҳал қилиши керак.

Шундан сўнггинами?..

Ундан сўнг сени орзу қиламан.

Раҳмат! — Ўрнимдан турдим.

Мени яна бир бағрингга босгин!

У менга яқин келди. Мен қулочимни кенг ёзиб уни бағримга босдим ва яна бу номаълум жисм менинг қучоғимга сингиб кетди. Юрагим иссиқ ҳарорат ва қувончга тўлди. Кейин у мени тарк этди, шунда юрагимга кучли оғриқ кирди. Мен титраб кетдим.

— Сенга нима бўлди? — сўради қизча, менинг дардимни сезгандай.

— Ҳеч нарса, азизам! Кўришгунча!

— Хайр, эй инсон! — Қизча қўлини силтади.

Сўнгра ҳаммаси такрорланди, фақат тескари кетма-кетликда. Қизча улкан гулдор капалакка айланди, сўнг капалак майин, гўзал чойшабга айланди, сўнг чойшаб мисли шўх-шодон рақсга тушаётгандек айланиб тезда узоқлаша бошлади, сўнг уфқ этагида камалакнинг барча рангларида жилваланиб, енгил, ажабтовур гирдоб вужудга келди ва ниҳоят барчаси ғойиб бўлди. Бетакрор, эртакнамо туш ва ажойиб, қалбни мафтун этувчи уфқ билан уйғунлик хотиралари ҳамда — юз берган ҳодисадан далолат берувчи — ушбу қайта жонланган, янги барг чиқарган жўка дарахти қолди, холос.

Мен ҳикоямни тугатдим. Тўнғич қизим ўзимизнинг ўша чиройли жўка дарахтимизни ил-

дизидан то учигача назар ташлаган ҳолда ишон-қирамай сўради:

— Ҳақиқатан ҳам шу жўкани қуриб-қақшаб қолган ҳолда кўрганмисиз?

— Кўрганман.

— Кейин нима бўлди? — сўради кенжа қизим қуриб қолган лабларини ялаб.

— Уч кечаю, уч кундуз мен мана шу ялангликда ётдим ва гулларнинг антиқа қўшиғини тингладим... Ҳозир ҳам эшитяпман, бу куйни... Сизлар-чи?

Болалар гапларимни диққат билан тинглашди, кейин бошларини қимирлатиб рад жавобини беришди.

— Қани, ерга ётиб тинглаб кўринглар-чи!

Қизлар юзтубан ётиб, кўзларини юмиб қимир этмай, овоз чиқармасдан беш дақиқача ётишди.

— Хўш, эшитяпсизларми?

— Йўқ! — жавоб берди кичкина қизим.

— Эшитяпман, бироқ жуда, жуда паст эшитил-япти — деди каттаси.

— Паст бўлсада, эшитаётган бўлсанг, энг муҳими — шу!

— Сиздан бошқа кимдир бу қизчани кўрганми? — сўради катта қизим.

— Йўқ, буни қарангки, ҳеч ким! Гарчи мен кўпчиликдан суриштирган бўлсамда... Ҳеч ким уни кўрмаган ва ҳеч ким менга ишонмади!

— Онам-чи? — сўради кичкинаси.

— Нима онанг?

— Онам ишондимми?

— Йўқ.

— У нима деди?

— Унинг айтишича, мен ақлдан озганмишман. Сизларга ҳам шундай дедими?

Қизлар бошларини эгишди.

– Сиз-чи? Сизлар ишонасизми?

Болалар бошларини қимирлатишди, бироқ биронта ҳам сўз айтишмади.

– Охиригача сўзлаб беринг... Кейин нима бўлди? – жимликни бузди катта қизим.

– Ҳеч нарса... Шундан бери ҳар ёзда, ҳар куни шу ерга, мана шу жўканинг тагига келаман ва кутаман... Кичкина дўстим мени кўриш орзуси пайдо бўлишини ва у камалак рангли қуюн кўринишида келиб мени ўзи билан олиб кетишини кутаяпман.

Сукунат жуда узоққа чўзилди.

– Келиб сизни ўзи билан олиб кетади... – дея катта қизим шивирлади.

Биз-чи? – деб сўради кичкина қизим.

Сизларми?

– Сизсиз биз нима қиламиз? – унинг кўзлари ёшга тўлди, пастки лаби буришди, ияги титради.

Мен чап кўкрагим остида оғриқни сездим. Қизимнинг олдига бориб уни қаттиқ бағримга босдим. Менга азиз бўлган ушбу мавжудотнинг танаси оғушимда эриб кетганини қалбимда бир илиқлик ҳамда қувонч пайдо бўлганини туйдим.





СҮНГТИ МАКОН

Ассалому алайкум! – Кимсан? – ҳеч қандай сас-сўзсиз билдирмай қабристонга кириб қолган баланд бўйли эркакка қараб туриб, саломга жавоб бериш ўрнига сўрадим мен.

– Мен-ми?.. Исмин Вано, шу ерликман дея, у курткасининг ялтироқ йўл-йўл ёқасини тушира туриб жавоб қайтарди.

– Мен шу ерлик Багебаданликман, – дея боғи сўзини яна такрорлади ва ички чўнтагидан папирос олиб тутатди.

– Папиросдан ол, азизим, – дедим мен.

– У папиросни узата туриб «Пряма» бўлаверадими деди.

– Ҳаммаси бир гўр эмасми, дедим.

У менга папиросдан бир дона узатиб гугуртни чақди.

Олов чирқ этиб ёниб, унинг ниҳоятда қайғули юзи ва тўғри қиррали қип-қизил бурни кўринди. Унинг ёши адашмасам, элик, элик бешлар атрофида эди. Балки ундан ёшроқдир, бироқ соқоли ўсгани учун шундай кўринарди.

Ёқилган гугуртни иккала қўли орасига олиб, у ўчиб қолмасин деб сигаретни тутатиш учун менга яқинлашди. Олов янада ёруғлашиб унинг бутун кафтини қамраб олди.

— Сен бу ерда нима қияпсан? — сўрадим мен.

— Ме-н?.. Сенга боя айтдим-ку, мен аслида шу ерликман, бегонамасман, деди-ю, папиросини ичига торта бошлади.

— А-а-а...

— Мен сенга «салом» бергандим.

— Миннатдорман... хайрли оқшом! — мен унинг бу таъкидидан ўзимни бир зумга йўқотиб қўйдим, худди кечирим сўрагандек энгашиб унинг тиззасига қўлимни қўйдим.

— Бошимни қабр томонга ишора қилиб сенинг бу ерда киминг ётибди, дедим.

— Ўғлим.

Вано кутилмаганда йўталди.

— Ҳа, сенга қийин бўпти...

— Жудаям, — деди зўрғатдан йўтали тўхтагандан сўнг.

— Мен нималар деб вадираяпман! — захарханда қилиб, хатосини тўғрилади. — Бундан даҳшатли нарса бўладими!.. Мен Кизикдаги қариндошларимникига меҳмонга борган эдим. У ердан келсам, бу ерда шундай қиёмат-қойим бўптики, сўз билан ифодалаш қийин... Менга ўғлингнинг қабри деб мана шуни кўрсатишди...

Мен бирорта сўз айтишга ожиз эдим, бошимни қимирлатдим, холос.

— Коли, сен жуда қаттиқ қайғуга ботаяпсан, бунақада ақлдан озиб қолишинг ҳеч гапмас... Илгари бу ерда қишлоқ бўларди, ҳозир эса бу жой қабристон. Худди мана шу жойда менинг боғим бўларди... Ҳозир қишлоқ тобора дарёга томон яқинлашиб, кенгайиб боряпти. У бошини секингина айлантириб, қарама-қарши томон-

даги қишлоққа қаради. — Биз қочишга ҳаракат қиламиз, у эса лаънати, бизнинг орқамиздан қувиб келяпти... У қабристонга яна бир қур назар ташлади. — Қаергача ҳам қочиб борасан?

— Ҳеч қаёққа — унинг сўзини тасдиқладим ва яна битта чекишдан сўрадим.

— Сен нима учун бу қабртошга унинг фамилияси, туғилган йили ва ўлган йилини ёзмадинг? — дея бироз ўйлаб туриб сўради Вано.

— Менга бу нимага керак?

— Бошқаларга-чи?

— Уларга ҳам.

Вано ўйланиб қолди, кейин бошини қашлади.

— Ҳа, тўғри... Шундай қилиб, у неччи ёшда эди?

— Беш ёш.

— Ё, Аллоҳ! — У қўллари билан тиззасига шاپтилади.

— Билолмадим. — Мен дўппайган қабрнинг устидан туриб, кийимларим чангини қоқдим.

— Кечалари бу жойларда юриш кўрқинчли эмасми? — сўради у.

— Ҳа, йўқ нимадан кўрқаман?

— Ҳа, нима бўлсаям, қабристонда. Менинг билишимча, ўлганларнинг руҳи, шарпалар... Ҳа бундан ташқари, кечалари ҳар хил қора нарсалар кезиб юради.

— Қотилликлар содир этилгандан ташқари янада баттарроқ нима ҳам бўлиши мумкин?!

— Ҳа, бу ҳам тўғри, — ўйлаб туриб рози бўлди у.

— Нима қиламиз, хайр, — дея мен у билан хайрлашдим. Сўнгра қабристон дарвозасидан чиқиб дарвозачасини ёпдим.

— Соғ-саломат манзилингга етиб боргин, Худо сени ёрлақасин, — дея у ҳам ўрнидан турди.

— Барака топ!

Анча масофага борганимдан кейин, ортимга қарадим. У ҳалиям менинг ўғлимнинг қабри тепасида турарди. Қоронфиликда у худди қора мрамарга ўхшаб кўринди. Бу ўзини алдашдан бошқа нарса эмасди, яна билмадим, бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. Ва бирдан биринчи мартаба қабристонда мени ваҳима босди.

Деярли ташландиқ аҳволга келиб қолган Старо-Верийск қабристонидида сокинлик ҳукмрон эди. Куз кунларида қалин дарахтлар орасида ғарибгина қабристонда кўпгина қабрлар ҳар хил мрамар тошлар ва эсдалик белгилари билан безалганди. Яқинда нақ жаҳаннам боғига ўхшаган жой, наҳотки бир пасда шундай бошқача манзарани касб этган бўлса-я. Ҳар якшанба Нина янгам, ўғиллари Зураб, Вахтанг ва мен онамнинг қабри бошига келардик. Нина янга тоғамнинг хотини эди.

Янгам онам қабри устида қайғуга чўмиб, дуолар ўқиб, Аллоҳдан нималарнидир сўраб турганда мен Зураб ва Вахтанг билан қувишмачоқ, танга, қароқчилар ўйинини ўйнардик. Қабрлар устидаги яшил ўтлар орасидан қушларнинг йирик-йирик ва кичкина ҳар хил рангдаги тухумларини қидирардик. Бемалол югуришиб бўлгандан сўнг совиб қолган бўлса-да, юмшоққина оқ нон орасига қўйиб берилган котлетларни маза қилиб ердик. Сўнгра мовий кўзли, чиройли, худди фариштамисол янгамни чек-чегараси йўқ саволаримиз билан бошини қотирардик.

Нина янга, нимага қушларнинг тухуми ола-була ва доначалари бор?

— Бу шунинг учунки... қушчалар чиройли, олачипор, ҳар хил рангли, пардай енгил бўлиши лозим.

— Онажон, нега бувим ўлдилар? — деб сўради Вахтанг.

— Эй, болам... тушуняпсанми, у ўлгани йўқ, шунчаки, кексайгани учун бизнинг уйдан кетиб қолган...

— Сиз ҳам қариб қолсангиз уйимиздан кетиб қоласизми? — деди Зураб.

— Кетсам керак, албатта, кетаман.

— Унда биз ҳам сиз билан бирга кетамиз, — деди Вахтанг.

— Йўқ, болажоним, сизлар ҳеч қачон кетмас-ликларинг керак, менинг қабримга қарашишларингиз лозим! — дея ҳаяжон билан жавоб беради янгам.

— Йўқ, биз ҳам кетамиз! — қайсарлик қилади у.

Янгам унинг оғзини қўли билан беркитди-да, «ўйинни давом эттиринглар» деб бизларни ҳайдаб юборди. Биз эса бу тинч сокин гўшада ҳалиги ўйинларимизни яна ўйнай бошладик. Шу тарзда куёш уфққа бош қўйиши билан уйга қайтардик.

Шу боис ҳам қабристон ёшлигимдан ҳайратланарли гўзалликни бажарувчи ва ич-ичимдан хотиржамлик ато этувчи бир хилқат бўлиб ҳаётимга кириб қолган.

Бир неча йиллардан сўнг янгам, жуда ёш пайтида бизларни ташлаб, бу дунёдан кетиб қолди.

Энг даҳшатлиси, орадан бир неча йилдан кейин ҳар иккала ўғли ҳам қайсарлик билан ўзларининг сўзлари устидан чиқишиб, улар ҳам вафот этишди. Мен шунда қабристонни даҳшатли даражада ёмон кўриб қолдим. Ушбу нохуш воқеалардан сўнг мен учун қадрли бўлган қабрларни ҳеч қачон бирон маротаба ҳам бориб кўришга юрагим чидамади.

Кейинчалик эса менинг гўёки шахсий қабрим пайдо бўлди. Қабристон ўзининг алоҳида гўзаллиги ва сукунат ҳукмронлиги билан мени яна ҳайратда қолдира бошлади. У ер менинг болалик даврларимни эслашга мажбур қилди.

— Биз индустлаштириш йўлига ўтдик жаноб,
— дея сўзини давом эттирди қабристон директори. Биласиз, хўжаликнинг катта жавобгарлиги бор. Бугунги қабристон кечагидай эмас, бутунлай бошқача... Ўтган йили биз электрлаштириш ва мелиорациялашни тўла-тўқис тугатдик, эндиликда эса табиий газ ҳақида ўйлаёмиз, биласиз, бу доимий олов демақдир. Маълумот учун айтишим керак: трубаларни ётқизишни бошладик. Бор-йўғи, икки гектарча жой қолди. Агар бизга ёрдам беришса, шуни битказиб олсак, марра бизники...

Ўзингиздан қолар гап йўқ, ҳозир газ истеъмоли жуда кўп.

— Марҳамат қилиб, мана шу ерни — мен директорнинг сўзини бўлдим.

— Худди шу жойни менга берсангиз?!

— Бу жойнинг бай пули олинган!.. — деди директор. Бироз ўйлаб туриб, «Хўп майли, сиз учун бу ишни ижобий ҳал қилишга ҳаракат қиламан...» Узоқ тортишувлардан сўнг у бунга рози бўлди. — Ҳа, шуни айтиб қўяй, бу ер жудаям яхши. Ажойиб баҳаво жой, теварак-атрофи гўзал, бу ерда Мцхета, у ёқда эса Тбилиси... Қўшнилари ҳам ажойиб ва нуфузли: бунга ўз кўзингиз билан бир кўриб чиқинг, профессор Хетагури, бу эса академик Жанджгава, бу эса врач Татарашвили, буниси республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Гуларидзе... ҳа, ҳа... ҳов ана у ер ҳақиқатан ҳам... бу майли сизни безовта қилмасин!.. У ерда таниқли наха-

ловлик ўғри Глазаст ётибди, бу ерда вақтинчага кўмилган. Кўрмайсизми, бу ўғриввачанинг жасадини ўртоқлари яқинда бу ердан олиб кетишади. Уни бошқа қабристонда кўмишмоқчи... Ҳа... Ҳа... улар уни кўмишади. Киевлик Лабраторни ҳам шу ерга кўмишди. Ана шунақа гаплар, оғайни. Сиз ўзи қандай мрамар тошни хоҳлайсиз?

— Базальтни.

— Хўш, хўш. Биласизми, сиз бунинг учун икки нафар тошйўнувчиларга бир учрашиб кўринг. Улар яна сизни алдашмасин, тағин. Усталар ўлганларнинг қариндошларини роса шилишади. Келгусида бўладиган ишлар учун ўйлайманки, улар унчалик савдолашиб ўтиришмаса керак.

— Бу ерга келмаганимга кўп вақтлар бўлди, — дедим мен.

— Тушунарли.

— Хайр.

— Хайр, яхши қолинг, соғ-омон бўлинг оғайни, менинг таъзиямни қабул қилинг. Ҳа, айтганча, сиз вафот этган одамнинг кими бўласиз?

— У менинг ўғлим.

Директор шошиб қолди.

— Худо ҳаққи, кечиринг! Мен бу ерда нима-лар деб валдираддим!.. Неларни вайсамадим... чин кўнгилдан кечиринг! — деректор хижолат бўлди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳаммаси жойида!

— Хайр!

— Хайр!

... Мен ҳар куни ўлиб-тирилардим. Бу шу тарзда икки йил давом этди.

Учинчи йили кунлардан бирида тонг саҳарда қабристонга келдим. Соат олтилар эди, чамаси. У ер ҳайратланарли даражада тинч ва сокин эди.

Ердаги барглар хотиржам шитирларди, ҳар хил қушлар турли овозларда сайрашарди. Мармар бюстлар, дарахтларнинг шохлари орасидан гўёки қочоқларга ўхшагандай маъюсгина боқиб турарди.

Қабрнинг тепасида узоқ ўтирдим. Қаердандир узоқ-узоқлардан болғанинг дўққилаган овози ўймакор ҳайкалтарошнинг товуши билан биргаликда қулоғимга чалина бошлади. Мен ўрнимдан туриб, ўша товуш келган томонга йўл олдим. Бирданига бошимга бир нарса билан урилгандек, гўё кўзим ярқ этиб очилгандай бўлди. Буни сўз билан тарифлашим жуда қийин.

— Салом, Вано, — дедим мен биринчи кўрган-даги таассуротларимни эсга олиб.

— Сен кимсан?

— Танимаяпсанми?

У қайрилиб менга қаради. Ва бирдан таниди.

— Менга сен ҳақингда ўлди деб айтишганди.

— Мана кўриб турибсанку, ўлганим йўқ...

У болғани ва исқанани тагкурсига қўйиб, тошнинг чангларини қоқиб, ўриндиққа ўтирди.

Тагкурси тагидаги мармартошдан ёш йигитнинг портрети менга қараб турарди. Аммо бу портрет эмасди. У ҳайкал ҳам, барельф ҳам, горельф ҳам эмасди. Бунинг нималигини тушунтириб беролмайман. Бу бир вақтнинг ўзида ҳамма нарса эди ва ҳеч нарса ҳам эмасди. Инсоннинг қиёфаси, базальт тоштахтада барчаси тўлалигича ярқ этиб акс эттирилганди. Бу тарих қаъридан минг йилликдан садо бериб турган гўзал санъатнинг энг сўнгги чўққисидаги бир намунаси эди. Инсоннинг дастлабки пайдо бўлиш даврларида тасвирланган номи йўқ бир намунаси эди. Қисқаси, бу табиат-

нинг очилмаган бир сири, гўзаллик маъбудаси яна бошқа нималаргадир ўхшарди...

— Вано сен бу ерда нима иш қилаяпсан? — деб сўрадим ва унинг ёнига бориб ўтирдим.

У жим туриб, жавоб бермади, ички чўнтагидан сигарет олиб менга узатди ва ўзи ҳам чекди. Уни чуқур-чуқур ичига тортди ва яна жим ўтиришни давом эттирди.

— Кўрмаяпсанми? Нима қилаётганимни? — деди у ниҳоят.

— Нима бу, Вано?

У яна жим бўлиб қолди. Сигаретни охиригача чекиб бўлди.

— Бу менинг ўғлим, — деди секингина анча вақтданкейин маъюс тин олиб. Менинг баданимдан шундай совуқ тер чиқиб кетдики, уни тасаввур қилолмайман.

— Сен нималар деб валдираяпсан?

— Ўтган йили... худди шу пайтда... У Ксанск кўрғонидаги миноранинг энг тепасига чиқишга ҳаракат қилган... Озгина ароқ ичиб олган бўлган. У ерга чиқолмай йиқилиб тушган. Ўртоқларининг айтишича, у икки қўлини ёнига чўзганча, худди бургутдек пастга қараб шўнғиган... Эҳ-ҳе-ҳей!.. деб бақирган... Сенинг отанга бу катта кўргулик бу болам! Вано ер остидан пастдан тепага қараб маъбудни қўли билан бир қур сийпалаб қўйди.

— Хўш, бу нима Вано? — анча вақтдан кейин сўрадим мен. Лекин менинг баданимда яна титроқ бошланди.

— Мен боя айтдим-ку, ўғлим деб.

— Сен бу ерда шу нарсани тайёрладингми?

— Ҳа мен ўзим. Битишига озгина қолди. Мана бу томонда...

У ўрнидан туриб қўли билан маъбуднинг кўкрак томонини кўрсатди.

— Вано сен ҳайкалтарош эмассан-ку? — чуқур хўрсиниб дедим мен.

— Мендан бошқа ким ҳам ўғлимни яхшироқ биларди?

— Тўғри. Бунинг учун маълум бир билим керак. Бу сенинг ўғлингга ўхшамайди-ку?!

— Ким айтди сенга ўхшамайди деб? Мана унинг чиройли қора кўзлари, қайрилган қошлари, бургутсимон бурни, унинг кулгичлари, йўғон бўйни ва қўллари, келбатли елкалари... сенинг отанга жуда офир, ўғлим! — Вано шуларни сўзлай туриб титраган қўллари билан кулранг тошни тарошлашни давом эттирди. Сўққабош жаноб жонсиз тошга эгилиб, қайта жонланди, баданидаги қонлари гупуриб кетди...

Ўн саккиз яшар қорасоч, тўла, келишган йигит тагкурсидан менга кулиб қараб турарди. Менинг юрагим ўйнаб кетди. Вано жим бўлди, унинг қўллари осилиб қолди, худди кесилган дарахтнинг тўнкаси, дейсиз.

Тош яна унинг маъбудига айланди.

— Сенга ўхшамайди, дейсан, бошқалар ҳам шундай дейди. Мен буни бошқалар учун тайёрламаяпман-ку! Бошқалар менинг ўғлим эканлигини қаердан ҳам билишарди?

— Агар бу ёдгорликни ўзинг тайёрлаётган бўлсанг, уни уйингда қолдир, деб ҳадиксираб эътироз билдирдим.

— Унинг уйи энди шу ерда.

Мен ҳеч нима деб жавоб беролмадим! Ёлғизлик мени қийнади, деб зорикди ва икки кўзидан думалаб ёш сизиб чиқди.

Қабристонни тарк этаётганимда қоронғи тушиб қолганди.

Ваке истироҳат боғининг қарама-қаршисида қишки чўмилиш ҳавзасининг қурилиши ниҳоясига етганди. Қурилиш ҳудудида базальт тошларининг йирик бўлаклари ҳар томонга сочилиб ётарди. Кўтарма кран улардан бирини секинлик билан юқорига кўтарди. Ўзим билмаган ҳолатда унинг қандай кўтарилаётганини кузатдим.

— Эҳе-ҳе-ҳей! — бинонинг тепа қисмидан бир йигитнинг қўнғироқдай ёқимли овози эшитилгандай бўлди. Қўлларини ёзиб, худди бургутга ўхшаб, уйнинг тепасида туриб, энергия белгисига ўхшаб кўтарма кран эшигидан мўралаб «бу ёққа кел» дея, чорларди.

Мен ўрнимдан сакраб туриб шовқин билан бинога қараб югурдим.

— Эгей! Укам менинг, ўғлим менинг, ҳой йигит! — дея у томон бор овозим билан бақирдим.

— Сизга нима бўлди, амаки?

— Пастга туш, ўтинаман сендан, туш у ердан, бир соатга ҳам қолмай ерга ағдариласан?

— Қўрқманг амаки, ағдарилиб тушмайман? — дея хушчақчақлик билан жавоб берди, йигит.

— Тез тушгин, Худо хайрингни берсин, пастга туш у ердан!

Йигит, бунга парво ҳам қилмай қўлини силтаб ўз ишини давом эттираверди. Базальтли тагкурси, секин-аста қийшайиб, ҳавони чангитди, жуда тепага кўтарилиб кечқурунги осмонни ёритди.

Кўзимни очиб, ортимга қайтдим ва бир-бир қадам ташлаб уй томонга йўл олдим. Кўча бўйлаб бир озгина юрдим-да, ўзимни тутиб туролмадим, яна ортимга қарадим. Йигит ҳақиқатан ҳам худ-

ди эртақлардагидек жуда ботир экан. Қўлларини чўзган ҳолатда базальтли плитани ўз жойига қўяётганди.

Қуёш нурлари елкамни ёритаётганди, унинг боши узра эса гўёки бургут сояси нур сочаётгандек эди.

Мен буларнинг барисини унутиб, қабристонга яна бир назар ташладим. Энди чиқаётган қуёш дарахтлар оралаб нурини таратаётганди, у қабристон эмас, гўёки эртақлардаги боғни эслатарди. Мен қалбимнинг ич-ичидан тушунтириб бўлмайдиган ҳисни, шу билан бирга, қалбимни тинчлантириб, бу жаннатмисол гўшада менинг ҳам қабрим бор дея хурсанд бўлардим.





БЕЧОРА ДИДРО

Эдемика Вешапидзе қўшниларига ўхшамай эсини йиғиб, рус-япон урушидан унвон ва медаллар билан қайтиб, Порт-Артурдан ёмон касалликни олиб келмади... Кейин аҳмоқлик қилиб ўзини ҳам ўйламасдан нариги дунёга раво-на бўлди. Дидро номини олиб, хотиржамгина пок виждон билан тўрт нафар барваста йигитларнинг ўзини Концхоули қабристонига элтиб қўйишга мажбур қилди...

Етим қолган Дидро ҳавас қиларлик даражада қатъийлик билан ўзининг етук маърифатпарвар, туғма истеъдод эгаси бўлмиш отдоши Дени Дидро таълимотини қойилмоқом қилиб инкор этарди — гўёки икки давр орасида қолдириб кетгандек эди.

— Эй-эй, Дидройя — порт-артурлик жосус.

— Гутурилик болалар Супсининг қирғоғида туришиб ҳой! Дидройя-аямовский овқатлан-тирасанми? — дея калака қилиб кулгидан бўғил-гунларича бақир шарди.

— Ҳаҳ, сен ярамасларни! Тўхта, пандавақининг болалари, сенларга кўрсатиб қўяман ҳали, қандай бола эканликларингни! — дея бақиради Дидро. Қўлига тош олиб қирғоқдаги дарахтзор оралаб отади.

Ҳеч кимни тута олмай, алаmidан гудраниб ўзича важоҳатга берилиб, ўзи билан ўзи бўлиб қолади.

— Дидройка — типратикан!

— Дидройка — ломовой!

— Дидройка — совунхўр! — дея ҳақорат қилиб қўрқиб қочиб кетган болакайларнинг ортидан қувади. Болаларни пойлаб, қувиб чарчагандан сўнг ҳовурини босиш учун муздай Самгелиа водородли сувига шалоп этиб ўзини ташлаб юборади.

Дидро ҳеч қачон тўғридан-тўғри болаларга тош отмаган. Ўзини қийнаганларга қўлини силтаб қўя қолади. Қўлида тош ушлаб турган бўлса-да, уни секингина ерга ташламоқчи бўлади. Бироқ, уни кейин астагина худди марваридни яширган-дек йиртиқ шимининг чўнтагига яшириб қўяди.

Гуридаги ёввойилар исмини олган Дидро ҳеч кимни ҳайратда қолдирмайди. Фақат Гутурининг ўзида урушгача тўртта Отелло, саккизта Гамлет, еттита Шекспир, бешта Дездемона ва учта Офилиялар ўтишди. Бироқ, ҳеч ким уларнинг ортидан бақриб таҳқирламади.

Дидро булардан мустасно. Дидронинг ўз исмидан ташқари яна учта исми: Типратикан, Ломовой, Совунхўр исмлари ҳам бор эди.

Унга типратикан деб лақаб қўйишганининг сабаби, аввало сочлари типратикан тиканларига ўхшаши бўлса, ундан ташқари, гаров боғлаб то-вони билан каштан ёнғоғининг тиканли пўстини шилишнинг уддасидан чиққани туфайли эди.

Ломо дейишининг сабаби қишлоқда Дидродан кучли одам йўқ эди. Мен бир неча марта унинг икки елкасида иккита хуржун тўла юкларни яъни оғир сумкаларни тўлдириб, икки қўлида кўтариб қишлоқдан туман марказига борганини кўрганман.

Уни танимайдиган ва билмайдиган юраги ва виждони йўқ одам шу пайтда Дидро билан саломлашиши мумкин. У қўлидаги юклари билан ҳеч нарса демай тўхтаб, туяга ўхшаб бўйнини чўзди. Шундай кучини синаб тортилиб-тортилиб турганда, суҳбатга тортарди:

— Мен сени танимаяпман... Сен кимнинг боласисан?

— Бу мен Нодар, Кишвардининг невараси!

— Кишварди. Гутури ошхонасининг ошпази? У мени шундай мазали котлетлар билан бепул боқди-ки, гап йўқ... Сен қаердан келяпсан?

— Шаҳардан.

— У ерда нима гап? Ҳаммаси тинчми?

— Тинч.

— Сен неча кунга келдинг!

— Бир ҳафтага.

— Ҳой, сен бир ҳафтага одам бўлиб қоламан деб ўйлайсанми? Ўзингга бир қара — суягинг чиқиб қоптику!

— Дидройя, вайсашни бас қил, автобусга кечикамиз! — унинг ҳайдовчиси шошилтиряпти.

— Тўхтаб тур, бўтам бир-икки офиз гаплашамиз! Мана шу ярамас қопни йўл устида ташлаб юбораман, тупурдим сенинг уч сўмингга тушундингми, огоҳлантиради уни Дидро, кейин менга шуларни айтди:

— Танишамиз. Бу Ладико Каландадзенинг ўғли!

— Танийман уни Дидро!

— Ҳа, сенинг амманг роса хурсанд бўлади!.. Эшитдингми, жиянинг Тамазани илон чақибди?

— Қандай қилиб Дидро, мен шу ерда эдимку!

— Ҳа? Уни армияга чақирганини ҳам биласанми?

– Биламан.

– Қарагин-а, у ҳамма нарсадан хабардор!

Сен нима учун бу ёққа келдинг, ўзи?! Ўз шаҳрингда ўтирсанг бўларди! – хафа бўлади Дидро.

– Ҳалиям кечмас, орқангга қайтгин.

– Йўқ, бу ердан бир қадам ҳам ортимга қайтмайман. Мана бу ярамас қопларни автобусгача олиб бораманда, зудлик билан ортимга қайтаман!

Дидро турган жойидан шамолдай учади. Кейин кутилмаганда тўхтаб, менга юзланиб шикоят қила бошлайди:

– Мени Киракаш деб чақирма, хўпми? Мен сенинг жомадонингни қишлоққача бепул элтиб бераман, майлими?

Кулиб туриб бошимни қимирлатаман, йиғлагим келаётган бўлса-да, бироқ куламан. Сўнгра жомадонимни йўлнинг чеккасига элтиб қўяман, унга ўтириб оламан-да, Дидронинг қайтишини кутаман.

Совунхўр лақабига келсак. Уч йил олдин менинг иштирокимда Дидрога буни тақашган. Мен ёзги дам олишга эндигина келгандим. Якшанба куни эди. Гутурийлик бекорчилар ва Эквтиме-қоринбой сартарош сартарошхонада йиғилишиб, Дидронинг устидан қотишиб, сўз ўйини қилишди. Мен сартарошхонага кирганимда қизгин баҳснинг устидан чиқиб қолдим. Менга ҳеч ким эътибор ҳам бермади.

– Яхши, ҳурматли Дидро, менга яна битта топишмоқ айтгин. Агар уни тополмасам бир ой сенинг соқолингни бепул оламан! – деди сартарош. (Бутун қишлоқда Эквтиме-қоринбой Дидрога ҳурмат билан «ҳурматли» дея мурожаат

қиладиган ягона инсон эди. Дидро эса, ўз ўрнида уни камситишларни мутлақо тушуниб етмасди).

— Майли, шундай бўла қолсин ҳурматли Эквтиме! Мана сенга менинг топишмоғим: Япония ва Америка чегарасида чегара симининг ўртасида товуқ боши билан Японияга қараб, думи эса Америкага қаратилган. Кутилмаганда товуқ чегара чизифининг ўртасида тухум қилди. Тухум кимга қарашли бўлади, Япониягами ёки Америкагами?

Саволнинг жавобини кута туриб Дидро кўзини қисди.

— Америкага! — деди Эквтиме.

— Нега? — сўради Дидро ҳайрон бўлиб.

— Чунки товуқнинг думи Америкага қаратилган!

— Бу ҳеч нарсани англамайди! — деди Дидро сартарош устидан совуқ сув қуйгандай қилиб.

— Японияга! — шошилиб сўзини тўғрилади Эквтиме.

(Дидронинг бундай жумбоқли ечими ёқмади. Товуқ бундай қилмаслиги жиннига ҳам маълум. Дидро ўзининг янги қизиқарли финалини тайёрлади).

— Эй, сен тентак, — дея у сартарошга юзланди. — Ўйлаб кўргин, ҳеч қачон Америка билан Япония бир-бирига чегарадошми?! — Сартарош қаттиқ хахолаб кулди.

— Сен ҳурматли Дидро — ҳеч нарса қилолмайсан, Эквтиме қўлини икки ёнига ёзди. Сен бундай қийин жумбоқни қаердан ўргандинг?

Қаердан дейсанми? Порт-Артурдан, кеча у ердан келдим! — шундай жавоб берди Дидро.

— Сен қандай қилиб Порт-Артурга бориб келишга улгурдинг, ҳурматли Дидро?

— Сенингча, отам ва мен тўққиз юз тўртинчи йили қаерда эдик?

— Онам-чи? Онам қаерда эди?

— Ҳой одамлар, мен бу тентак билан нима-ни гаплашаман? — Дидро бизларга юзланди. Айтинглар одамлар, отам Порт-Артурдан қайтгандан сўнг менинг онамга уйланган-ку?

Йиғилганларнинг барчаси тасдиқ жавобини беришди.

— Сен эса! Сен шу пайтда қаерда эдинг? — дея сартарош ҳам тергашдан қолмади.

— Мен? Мен отам билан бирга эдим!

— Ана шундай хотира! — таъкидлади Эквтиме кейин ташвишга тушиб, Дидрога қараб деди: — Ҳурматли Дидро, сенинг иссиғинг йўқми! Тилингни кўрсат!

Дидро сесканиб кетди. Аввалига у бизларга шубҳа билан боқди, кейин тилини чиқариб кўзининг қири билан унга қаради.

— Ҳа, ҳурматли Дидро, тилингни учини чиқарасан мен бу тарзда ҳеч нарсани билмайман. Тилингни яхшилаб чиқар, кўрқма, нимадан кўрқасан? — мажбурлади Эквтиме.

Дидро кучаниб, кўзларини катта очиб, тилини бир қарич қилиб чиқарди. Худди шу пайтда сартарош совун чўткаси билан унинг тилига совун суркади.

— Э-й-эй, — дея Дидро сезиб қолди. Шунда у ифлос бўлиб ётган сартарошнинг латтасини олиб унинг оғзига тикди ва эшикдан чиқиб кетди.

Шундан бери Дидро учинчи — Совунхўр лақабини олган.

— Ҳей! Дидройя-совунхўр, порт-артурлик хуффия.

— Э-ҳей! Дидройя-совунхўр, вой-вой қара-сангчи!

— Дидройя-совунхўр! — дея гутурилик бола-лар Супси қирғоғида туришиб овозлари борича бақириб кулишади...

Бу воқеа ўтган йили май ойида содир бўлганди. Мен холамнинг уйини таъмирлаш учун қишлоққа келгандим. Уйнинг томини таъмирлаш керак эди.

Чой баргларини йиғишнинг айна авжи эди. Режани бажариш учун туман раҳбарлари чой майдонларига мактаб директорлари, ўқитувчилар, ўқувчилар, қоровулар, сартарошлар ҳамда тикувчилар, оёқ кийим усталари ва сотувчилар, сутчи ва товукбоқарлар барча-барчани сафарбар этди...

Бригадир Сергиянинг илтимоси билан мен ҳам эрталаб ишга чиқдим.

Чой майдонининг қиялик тепаси чойнинг янги узилган яшил барглари билан янада гўзаллашди. Худди мана шу яшил денгизда гўёки ерга пояндоз тўшалган, унда ола-була, сариқ, оқ, қизил, кўк кофта, кўйлак, калта кўйлак ва майкалар кийган йигит ва қизлар ишлашарди.

Чойни асосан аёллар ва мактаб ўқувчилари йиғишди. Айрим эркаклар тарозида, баъзилари эса саватлардаги чой баргларини ташишарди. Кўпчилиги эса сояга интилишиб, папирос ва қўлда ўралган папиросни тутатиб олиб дунёвий масалаларни муҳокама қилишарди.

Мен чойнинг ҳисоботини олиб борардим. Бирданига кимдир бақирди:

— Дидройя келаяпти!

Дидро оғзи қулоғида тепаликка қараб келаётганди. У атрофдагилар билан саломлашиб,

қўлида ушлаб олган тошни силкитиб, болаларни огоҳлантирарди:

— Қаранглар, чурвақалар! Мени Совунхўр деб кўринглар-чи, бошларингни мажақлаб ташлайман!

— Яша, Дидройя-типратикан! — дея бақирди кимдир.

— Мен сизларга нима дегандим! — бирданига тўхтади Дидро.

— Совунхўр деб атаманглар деб айтгандинг! — жавоб берди бошқаси.

— Типратикан, Совунхўр бариси бир гўр эмасми? — дея қатъий таъкидлади Дидро.

— Ундай бўлса, салом Ломовой! — деб тўғрилади учинчи бола.

— Яна! — Дидро норози бўлиб афтини буриштирди.

— Ҳурматли Дидро, уларни нима қилиш керак! — дея Эквтиме жўрабоши болалар ёнини олди. — Сени нима деб чақиришсин, айт?

— Яхшиси, порт-артурлик хуфия деб чақириб қўя қолишсин!.. Ҳаммага маълум-ку, мен хуфиячи эмасман!..

Дидро менинг олдимга келиб, елкамга қоқди ва деди:

— Рўйхатингга ёзиб қўй, Кишвардининг невараси!

— Дидро! Йиғувчи, тарозибон ёки юк ортувчи?

— Сенга қайсиниси маъқулроқ?

— Менимча, яхшиси дарахтнинг сояси тагида ўтириш, Дидро!

— Вайсақи! Сояда мен уйимда ҳам ўтирардим! Дафтарингга ёзиб қўй! Юк ортувчи!

Мана ёздим.

— Қани, сен нима деб ёздинг буёққа бир кўрсат-чи, шубҳаланди Дидро.

— Дидро Эдемикович Вешапидзе — деб ўқидим.

— Қани кўрсатгин.

— Марҳамат.

Дидро дафтарга узоқ термилиб турди, кейин сартарошдан шубҳаланиб сўради:

— У тўғри айтаяптими?

— Ҳа, тўғри, ҳурматли Дидро!

— У ерда Типратикан, Ломовой ёки Совунхўр деб ёзмаган.

— Ҳа, ҳурматли Дидро ана шундай!

— Қани менинг устимга ортинглар-чи! — дея хурсанд бўлди Дидро ва катта сават томон юрди.

— Бу каттакон сават ниҳоятда офир, чойнинг барглари ҳали ҳўл, ҳурматли Дидро! — дея сартарош огоҳлантирди.

Дидро кўнгилчанлик билан кулди ва шу ерда турган болакайни чақириб, уни саватнинг ичига солиб қўйди-да, унга шундай буюрди:

— Қани, яхшилик бир босгин-чи?

Болакай оёқлари билан чойнинг баргларини боса бошлади. Унинг барглари зичлашиб саватнинг ярмигача бўлди.

— Энди яна ташланглар! — деди Дидро.

Саватнинг ичига яна барглардан ташлашди.

— Яна!

Яна кўп ташлашди. Саватнинг четларигача тўла бўлди. Болакай астойдил меҳнат қилиб тер тўка бошлади.

— Етади сенга, ярамаснинг боласи! — дея бақирди сартарош. — Кўрмайпсанми суви чиқаяпти!

Болакайни ҳайдаб юборишди.

Дидро саватни олиб, уни кўтариб кўрди.

— Бу кам ҳали! — Бутун қишлоқнинг меҳнати бор-йўғи шуми? Устига яна бир қоп қўйинглар.

— Иккинчисини ҳам.

— Мана энди! Уни кўтаролмайди! — деди Эквтиме.

— Иккита қопни ушла! — таклиф қилди Дидро.

— Етади! Сенинг соқолингни юз марта текинга олиб қўяман, — дея гап қотди сартарош.

— Йўқ, азизим, сен шундайига ҳам мени икки йилга қарздор қилиб қўйгансан! Сен Кишвардининг невараси. Кел битта шимдан шартлашамиз!

— Дидро менинг Техасда ишланган жинси шимимга маъноли қараб қўйди.

— Шартлашиб нима қиламиз Дидро, мен уни сенга шундайича ҳам бераман.

— Мен гадой эмасман! — хафа бўлди Дидро.

— Нима сен! Мен сенга... Мана уйга бораман, шимимни алмаштираман-да, сенга буни олиб келиб бераман.

Дидро саватни яна бир бор силкитиб кўрди, бироқ у гандираклаб кетди, шундай бўлса-да, яна тезда ўзини ўнглаб олди.

— Кўтариб устимга қўйинглар! — деди у қатъий қарор қилиб елкасида саватни тутиб тиззалаб ўтириб олди.

Кимдир арқон олиб келди. Ҳалиги иккита қопни саватга яхшилаб боғлашди. Тўртта одам қийналиб, уни Дидронинг елкасига жойлаштириб қўйишди.

— Ушлагин, Дидройя-ломовой!

— Уялтириб қўймагин, Типратикан!

— Қани юргин, Совунхўр!

Дидро ўзини тўғрилаб олгандию, бироқ дарров чайқалиб кетди, лекин тезда дарахтни ушлаб олди, оёқлари чалишиб кетди.

— Ҳой, Дидройя, қўлингни ол, бўлмаса ютқазиб қўясан! — дея кимдир бақирди.

Дидро дарров қўлини дарахтдан олиб, яна юришда давом этди.

— Дидро, Худо ҳаққи, саватни ерга ташлаб юбор ва менинг шимимни олгин! — дедим мен.

Бироқ, Дидро тўхташи мумкин эмасди. Дастлаб ўн метр жойга у худди ичиб олган маст кишидек у ёқ-бу ёққа чайқалиб юрди. Кейин ўзини қўлга олди ва ниҳоят секинлик билан ўзига қатъий ишониб қадам ташлай бошлади.

Саватнинг белбоғи Дидронинг елкаларини қийиб юборди. Арқон эса бўйнини шиширди, кўзлари эса косасидан чиқиб кетгудек бўлиб қонгалаш бўлиб кетди.

— Тўхтат уни! — деди Эквтиме жўрабоши!

— Супсига яқинлашдик, шу ерда тўхтатамиз, дея жавоб берди у.

Қабул пунктигача уч юз метрлар бор эди. Нафаси қисилиб, улкан бир нарсани инсоннинг жуссаси кўтариб кетаётганини одамлар жимгина кузатишарди. Кейин тумонат одам йиғилди, аввалига ҳайратланишди ва ортидан эргашишди. Олдинда болалар югуришарди.

— Баракалла Дидройя!

— Яна озгина ҳаракат қилсанг, Нодарнинг шими сеники!

— Ҳаракат қил, ҳаракат қил, Дидройя.

— Унинг олдига ўтиб у билан кўриш! Ана сенга эрмак бўлади, ҳазил қилди кимдир.

— Ҳа, баракалла, Дидро, яна ўн метргина қолди!

– Саккиз! Олти!..

– Ўзингни тут, Дидройя! Бир қадам!

Саватни елкасидан қўймай, Дидро ерга ўтирди. Қўл ва оёқларини қимирлатмасдан бир дақиқагача ҳаракатсиз шу алпозда ўтирди. Сўнгра кўкарган юзи ва пахтадек оқариб кетган лаблари олдинги ҳолатига қайтгандан сўнг, Дидро хахолаб кулди ва майсазорга ўзини ташлади.

Тўрт нафар одам саватни тарозига зўрға кўтариб боришди. Тарозининг тилчаси ўз жойидан қимирламади.

Шундан кейин уч килограммлик тошни келтириб, тарозининг бир палласига қўйишди. Тарозибон Бенедиктнинг ҳайратдан кўзлари бақрайиб қолди.

– Сизларга нима, аблаҳнинг болалари, бир инсонни майиб қилмоқчимисизлар? – дея бақирди.

– Қанча бўпти? – сўради кимдир.

– Бир юз қирқ бир кило!

– Воҳ! – деган овоз янгради оломон ичидан.

Ҳамма ўтлар устида ётган Дидрога қаради. Бироқ, бироздан сўнг қарашганиа у ўз жойида йўқ эди.

– Дидройя қаердасан?

Шунда бирдан бошини эгиб, шалвираган ҳолда гўёки қўлларини новда қилиб Дидро Супси қирғоғига қараб йўлақдан кетиб борарди. Ҳаётда биринчи маротаба Дидройя типратикан, порт-артурлик хуфия, Дидройя-ломовой, ояямовлик балохўр, Дидройя-совунхўр лақаблари бирон маротаба бўлса-да, тилга олинмади!..

Дидро Эдемикович Вешалидзенинг фамилияси ёнига қалам билан «141» кг деб ёзиб қўйиб дафттарини ёпди.

Кечқурун мен Техасдан келтирилган жинси шимимни газетага ўраб Дидро яшайдиган уйга қараб йўл олдим.

Дидро Супсининг қирғоғида икки хонали усти ёпилган афтодаҳол бир эски уйчада яшаркан. Бутун болалик пайтларимни мен шу ерда ўтказгандим. Бироқ бирор маротаба ҳам бу уйчага эътибор бермаган эканман. Бу менинг хаёлимга ҳам келмаган. Бу дунёда бир ўзи яшайдиган инсонга эътибор бериш қўрқуви ёки уялиш ҳисси пайдо бўлганини ҳеч қачон эслолмайман.

Шуни яхши эслайманки, қирғоқ бўйида тоқат қилиб соатлаб туриб, Супсининг қирғоғидан тўлқинланиб, мавжланиб тошганини кўриб, Дидронинг уйини ана ювиб кетади, мана ювиб кетади деган хаёл банд этарди. Бироқ йиллар ўтди, уйчага ҳеч нарса бўлмагандай шундай турибди. Мен бир куни бобомга ўзимнинг шу хавотиримни айтганимда у шундай жавоб берди:

— Эй болам, сен нималар деяпсан! Мана мен қариб қолдим, менинг болалигимда ҳам ҳар бир тошқинда биз бу уйча билан хайрлашардик. У эса қимирламасдан ўз жойида турарди. Эдимика-бести қаерда уй қуришни билган. Уйнинг пойдевори сув ости қоясининг устида жойлашган шу боис ҳам, ҳаттоки, иккита Супси ҳам уни ювиб кетолмайди.

Эшитдингми болам, мана шунақа гаплар...

Бу йилги баҳорда Супси ҳар йилгидан-да кучли ва ҳайбатли тўлиб-тошиб оқди. Дидронинг уйига қадам босишим билан ўша ёшлик давримдаги қўрқувни, кейин эса қувончни ҳис этдим. Бу кеча Супсининг тентаклиги деразаларни зириллатсада, уйча ўз жойида қаттиқ ва мустаҳкам, собит турганди.

Маълумки, кўнгилчанроқ инсонлар ҳайвонларга қаттиқ меҳр қўйишади, айниқса итларга. Шу боис ҳам ҳовлига яқинлашганимда думларини кўтаришиб, ириллашиб бир тўда итлар менга ташланганда мен ҳайрон бўлмадим. Шулардан бири ниҳоятда қаттиқ ириллаб, ҳуриди шунда мен билдимки, бу Дидронинг ити. Бошқа уйда ит ҳеч қачон бегона одамга бунчалик қаттиқ вовилламайди. Итнинг лақабини билмаганим учун тахмин қилиб унга:

— Дидро, Дидро, деб чақирдим!

Ит шу заҳотиёқ ҳуришдан тўхтади, менинг олдимга келиб, оёқларимни ялай бошлади, гўёки мени уйга чақираётгандек, олдинга югуриб кетди. Менга бир қараб олиб айвонга югуриб чиқди. Мен эса итни кузатдим.

Эшик уйга пайвандланган эди. Уйнинг ўртасида эски думалоқ стол устида исчиноқ ёниб турарди. Уйнинг бурчагида пастроқ столда икона қўйиб қўйилганди, ундан олдин эса самбитгулнинг қуриб қолган барглари бор эди. Деворнинг чап томонида илиб қўйилган иккита портрет — ёш аёл ва қора кийинган мўйловли эркакнинг сура-ти бор эди. (Ота-онаси менинг хаёлимдан дарров шу фикр ўтди). Портрет остида тахта қўйилганди, унинг устида Дидро ётарди. Уч оёқли стул устида нам тортган кўза бор эди. Яна битта орқаси бўртиб чиққан қўлда тўқилган стул турарди.

Хонада мен ва мана шу буюмлар бор эди, холос. Хонанинг шифтида электр чироқ осифлиқ турарди, бироқ у ёнмасди.

— Мумкинми, Дидро? — секин сўрадим мен.

Дидро кулди ва қўли билан қўлда тўқилган стулга ўтиришга таклиф қилди.

– Дам олаяпсанми Дидро? – сўрадим мен.

У эса «йўқ», – деб бошини қимирлатди.

– Мазанг йўқми?

Дидро бошини қимирлатди.

Мен ўзимга келолмаяпман. Тахтанинг ол-
дига яқинлашиб кўзани қўлимга олиб, юқорига
кўтардим ва унга сув ичирдим.

– Дидро, қаеринг оғрияпти?

– Узилиб қолди, секингина эшитилмайдиган
қилиб нимадир деди ва лабини тишлаб олди.

– Дидро нима узилиб қолди – секингина шип-
шитиб сўрадим мен?

– Билмадим... Мана бу ерим... Мана бу... –
Дидро қўлини юрагига қўйди, кейин ўнг томонига.

Дидронинг юзи оқариб кетганини, кўзлари
қўрқувда эканини ана шундагина сездим.

– Мен врачни чақириб келай!

– Йўқ! Мени ёлғиз қолдирма! – Дидро ме-
нинг қўлимни ушлаб олди ва қаттиқ сиқди. У
мендан кўзларини узмади.

– Неча кило чиқди? – сўради у.

– Нима Дидро? – тушунмадим. Кейин тушу-
ниб етдим, у чой ҳақида сўраётган экан. – Бир
юз қирқ бир килограмм Дидро!

– Бу кўп.

– Жудаям кўп!

– Ҳа, шундай!

– Саккиз пуд ва ўттиз килограмм.

– Бу кўпми?

– Ўн етти ботмон ва беш килограмм.

– Ҳа, каммас...

– Хўп, майли мен врач чақириб келаман!

– Йўқ! Йўқ! Кетмагин! – Дидро яна менинг
қўлимни ушлади.

— Ҳа, Дидро мен шимни олиб келдим, — дедим мен.

— У ҳайрон бўлиб, «Қандай шим», деди.

— Қандай бўларди? Сен ютиб олган шим-чи?

— Сен қандай нодон йигитсан, ҳазилни туншунмайсанми?!

— Менда ундан иккита бор, Дидро...

Дидро мен стол устига газетага ўраб қўйган шимни кўриб ўйланиб қолди. Кейин мен томонга қайрилиб, секингина шундай деди:

Ота-онам ва бошқалар ҳаққи қасам ичиб айтаманки, сен мени ёлғиз қолдирмагин!

— Отам, онам, бошқалар ҳаққи қасам ичаман, сени ёлғиз қолдирмайман! — Менинг овозим титраб кетди.

— Шкафга яқинроқ боргин-да, пастки қутини очиб кўргин.

Мен шкафга яқинроқ бордим, эгилиб кичкина пастки қутини тортдим. У ҳар хил қороз пуллар билан тўла эди.

— У ерда бирон нарса борми ўзи? — деб сўради Дидро.

— Ҳа, пул бор.

— Қанча?

— Кўп...

— Хўш.

— Юз, юз йигирма.

— Битта шимга етадими?

— Нима сен Дидро, ақлдан оздингми?

— Бу ёққа кел, менинг ёнимга ўтир!

Мен унинг ёнига келдим. Дидро менинг қўлимни ушлаб, шундай деди:

— Нодар бу пуллар сеники? Мен ҳозир ўламан...

Менинг шимим билан кўмиш гуноҳ... Менинг шимимни ечгинда, ўзингникини кийдир... Фақат ҳозир эмас. Ҳозир мени қаттиқ оғриқ тутади... Кейин менинг ўлимимдан сўнг...

Дидро кўзини юмиб узоқ жим қолди. Агар менинг қўлларимни қисиб турганда унинг тафти иссиқ бўлмаганда, мен уни ухлаган деб ўйлаган бўлардим. Дидро бирданига силкиниб бошини кўтарди.

— Нодар, йигитча, ҳаммаёқ ёришдими? Кун ёруғлашди, Нодар. Эшитаяпсанми, йигитча, ҳаммаёқ ёруғ! Бироқ ҳаммаси ўз жойида турганди — уй, боғ, Супси, ит, сигир, кўза, икона, онам ва менинг отам барча-барчаси ўз ўрнида эди. У деразага қаради. Ана Худо! Нодар, гўёки унга Худо томонидан юборилгандек бўлди. Худо сенинг борлигингга шукур! Сен бутун борлиқни қандай ёритасан? Нодарга кўринган қудратли Аллоҳ! Икки карра икки тўрт, уч карра уч — тўққиз!

— Дидро ўнг қўли билан ўзининг вискисига қўл теккизди. — Мана нима учун ёруғ бўлди!.. Мен энди барча нарсаларни кўраяпман! Мен ичкари қоронғилиқда ўлаяпман, мана энди ёруғликка чиқаяпман! Менинг барча оғриқларим ичкарида қолди! Менинг қалбим ёруғликка чиққин энди!.. Сен нима қилясан эй, Худойим?! — дея бирданига бақирди, Дидро.

— Мени ўлдиряпсан Худо?! Ҳозир ҳаммаёқ ёруғлашганди, сен шунда ўз ўрнингни бердинг, ана энди сен мендан қалбимни олиб қўяяпсан?! Тўхта, Худо! Ё, Худо ундай қилма!.. Нодар! Сен бунга рухсат берма! Ундан сўрагин, у мени ўлдирмасин! У сенга кўринсин, сен билан гаплашсин! Мен Типратикан, Ломовой ва Совунхўр

бўлишни тўхтатганимда энди ўламанми? Айтгин унга Нодар, ундан сўрагин, менга бир кунгина ҳаёт ҳады этсин! Сўрагин!.. Дидронинг овози секин-секин пасайиб, охирги сўзини шивирлаб айтди. У чалқанчасига ағдарилиб унинг лаблари оқаришидан шуни англаш мумкин эдики, у энди умрини узайтириб беришни Худодан сўраб бергин деб ёлворарди.

Мен бу ердан қочиб кетиб, ёрдамга одам чақирмоқчи эдим. Аммо Дидро ҳамон менинг қўлимни қаттиқ ушлаб қўйвормасди. Шундан сўнг мен бақирингга мажбур бўлдим:

— Одамлар ёрдам беринглар! Дидро ўлаяпти! Ҳой одамлар врачни чақиринг! Ҳе-ҳей! Кўчага чиқинглар, Дидрога ёрдам беринглар!..

Супсининг қаҳри қаттиқ бўлиб, даҳшатли ҳайқириб оқиб, теваарак-атрофни бузиб кетаётганди. Менинг бу бақирганимни ўзимдан бошқа биронта зот эшитмади. Шундан кейин мен тиззалаб чўкка тушиб биби Марямга мурожат қилдим:

— Бизнинг Дидромизни ўлдирмагин, эй Худо! Унинг барча ишлари зиддиятли бўлиб турган ва энди унга бу оламда барча нарсалар ёрқинлашиб ва тушунарли бўлаётган бир пайтда уни ҳозир ўлдириш шартми?

Мен Дидронинг қўллари секин-аста бўшашиб бораётганини ҳис этдим. Кейин унинг бармоқлари сиқила бошлади, сўнгра қўллари секин уч оёқли стул устида турган кўзага тирмашди.

Дидро энди нафас олмаётганди.

— Вой, Худо марҳаматингдан айланай!

Мен ўрнимдан туриб ташқари ҳовлига чиқдим.

Менга ташланган итлар энди йўқ бўлганди. Аммо эгасига содиқ Дидронинг ити дарвоза олдида ётарди. Бошини олдинги оёқлари устига қўйиб, маъюс кўзлари билан менга ҳуриб қўйди.

Кулранг булутлар осмонни қоплади. Унинг изидан гўёки бир жиноятчини излаб юргандек ой ўз жамолини кўрсатди.

Шиддат ва даҳшат билан Супси ўз қирғоғидан тошиб оқа бошлади. Мен худди болалигимда қўрққандек, ана-мана Дидронинг уйчасини сув ювиб кетади, дея қўрқув босди. Ҳай, майли нима бўлса бўлди!

— Вой Худо, бу тўлқин шу бахтсиз уйчани ювиб кетса кошкийди! — дея бақирдим. Бироқ, Супси шиддат билан жуда ҳайқириб оқарди. Яратган эгам менинг бу сўзларимни эшитмади. Уйча ўз ҳолича қаққайиб турарди. Дарёнинг ҳар қанчалик бебош қутурганига парво ҳам қилмасди.

Мен уйчани тарк этдим. Ит ортимдан эргашди.

— Сенга нима керак, бечора ит?

Ит менинг бу сўзларимни эшитгандай, гўёки уялгандек, бошини эгиб, думини қисиб жим турарди.

— Бехосдан сен қаердан келаяпсан, йигит? — деган овозни эшитдим.

Бу бизнинг дорихоначи Теймураз Чанишвили эди.

— Дидронинг уйига боргандим.

— Хўш, у қандай экан, аҳволи яхшими? Дидро-ломовой?

— Дидро ўлди, ҳурматли Теймураз!..

— Сен нималар деб валдираяпсан? Бекорчи гапларни қўйсанг-чи, дея бақирди Теймураз.

Сўнгра шундай деб қўшимча қилди: — Ҳа, бир ҳисобда шундай бўлгани ҳам маъқул... У бечоранинг ҳаёти жуда қийинчилик билан ўтди! Унинг бутун ҳаёти азоб-уқубатлардан иборат бўлди... Аллоҳнинг борлигига шукур!.. Дори-хоначи бир чўқиниб олдида, шахдам қадамлар билан Дидронинг уйи томон йўл олди. Ит унинг ортидан эргашди.

...Мен осмонга қарадим. У ерда ой кўринмасди. Ой алақачонлардир яширинишга улгурганди...



МУНДАРИЖА

| | |
|-------------------------|-----|
| Ҳисларимни қўзғама..... | 3 |
| Вафодор ит..... | 26 |
| Қуёшжон..... | 51 |
| Қондошлик..... | 70 |
| Ношукур банда..... | 85 |
| Онагинам..... | 107 |
| Хазарула..... | 120 |
| Сайроқи қушча..... | 134 |
| Кўнгил истаги..... | 149 |
| Сўнгги макон..... | 158 |
| Бечора Дидро..... | 170 |

Адабий-бадший нашр

НОДАР ДУМБАДЗЕ

ҲИСЛАРИМНИ ҚЎЗҒАМА

Ҳикоялар

Рус тилидан **Иззат АҲМЕДОВ** таржимаси

Мухаррир Д. Абдурашмова
Рассом-дизайнер Ш. Қурбонов
Техник муҳаррир Т. Харитонов
Кичик муҳаррир Г. Ералиева
Мусаххих К. Инагамова
Саҳифаловчи Б. Душанова

Нашриёт лицензияси АІ № 158.14.08.09.

Босишга 2018 йил 30 октябрда рухсат этилди.
Бичими 84x108¹/₃₂. Офсет қоғози. «Virtec Baltica Uz»
гарнитураси. Шартли босма табоғи 10,08.
Нашр табоғи 7,79. Адади 5000 нусха.
Буюртма № 18-413.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100011,
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

Д87 Нодар, Думбадэ
Ҳисларимни кўзгама. / Рус тилидан Иззат Аҳмедов
таржимаси. Ҳикоялар/ — Тошкент: «O‘zbekiston»
НМИУ, 2018. — 192 б.

ISBN 978-9943-25-602-6

УЎК 821.353.1-32
КБК 84(5 Гру)



«O‘ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-25-602-6



9 789943 256026